



*Мунаввара
Шиллабоева*

Баҳор боғларида



Мунаввара
Шиллабоева

Баҳор боғларида



ЯНГИ АСР АВЛОДИ

УЎК:821.512.133-343.4

КБК: 84(5У)6

Т - 49

Тиллабоева, Мунаввара

Баҳор боғларида: шеърлар, публицистик мақолалар / М.Тиллабоева. Тошкент: Янги аср авлоди, 2021. - 176 б.

ISBN 978-9943-20-849-0

Ҳар бир инсон қандай ёшда бўлмасин, умр йўлларида, ҳатто ёши улғайиб, кексалик даврига қадам қўйганда ҳам қалбида ёшлик сурури мавжланиб, юрагида муҳаббат гуллаб, ҳаётга нисбатан завқ-шавқи оловланиб туради. Бу жараён, айниқса, ижодкорлар қалбида янада улуғворроқ кечади. Агар ижодкор мен энди кексайдим, қалбимда гўзалликка ошуфталик туйғулари, ҳис-ҳаяжонлар, ҳаётга бўлган завқ-шавқ сўнди, деган фикр билан яшаса, у ижод қилолмайди.


Фахрий педагог, оташнафас шоира Мунаввара Тиллабоева завқ-шавқи оловланиб турадиган ана шундай ижодкорлардан. Унинг ижод намуналарини ўқир эканмиз, одамлар ўртасидаги муносабатлардан зиддият эмас, гўзаллик ахтаришга, умуминсоний фазилатларни улуғлаб, югурик ҳаётнинг фалсафасини англашга интиламиз.

Шоиранинг навбатдаги «Баҳор боғларида» номли китобидан ўрин эгаллаган шеърлар, публицистик мақолалар ҳамда кўнгил кечинмалари ҳам юқоридаги фикрлар билан йўғрилган бўлиб, ота-она – энг катта бойлигимиз экани, дўстлик тушунчаси нақадар улуғлиги, муҳаббат – инсон умрининг мазмуни экани ҳақида сўзлайди.

Азиз китобхон! Мазкур дил қатидан кўчган гулдастани завқли мутолаа учун сизга-да илиндик.

Ушбу китобни чоп этилишида ҳомийлик қилган

Иброҳимжон АСКАРОВ ва муаллиф ўз миннатдорчилигини билдиради.



ISBN 978-9943-20-849-0

© Мунаввара Тиллабоева, «Баҳор боғларида». «Янги аср авлоди», 2021.

50 ЙИЛНИНГ ШУКУҲИ

Синфдошим Бойназарга жавоб

Тобора олислаб бораётган мактаб йилларим, салом сизга! Сизни жуда соғиндим. Соғинмасликнинг иложи йўқ. Илк бор пойи қадамим теккан остонам, илк бор қўлимга қалам тутган меҳрибон муаллимим, Сизни соғиндим. Сизни ўйлашдек беғубор хаёлларга ҳам берила олмай қолдим. Кексалик остона қоқмоқда.

Оромижон шаббода эсмоқда. Юрагимнинг аллақаерини элитиб, болалик хотираларим сари етакламоқда. Кўкда Ой ўз малоҳатини кўз-кўз қилиб, дилимга мунавварлик йўғрилтирмоқда. Осмонга термиламан. Юлдузлар олами нақадар жозибали...

Бир вақтлар ана шу юлдузларга, осмонга қараб сурган хаёлларим ёдимга тушди.

Менинг пок ва беғубор орзуларим, ўйларим қанчалар соф ва мусаффо эди.

Ҳа, чиндан-да болалик йилларим жуда олисда қолди. Болалик ҳақидаги туйғуларим ҳаргиз тарк этмангиз мени. Сизсиз қалбим ҳувиллаб қолади.

*Болалик чоғимни қайдан топайин,
Шамол шивирида бўлса етайин.*

*Чопқиллаб кезганим ул гўзал боғлар,
Айтарми менда деб таниш тупроқлар.*

*Гуллар ғунчасига беркиндимикан,
Ифорига олам буркандимикан.*

Шу ерда чекиниш қилмоқчиман, азиз ўқувчим! Эллик йиллик синфдошларимизнинг учрашуви муносабати билан «Холис» газетасида мен ҳақимда синфдошим Бойназар Йўлдошевнинг «Биз сиз билан фахрланамиз», деб ёзилган сўзларини ўқиб, ғурурим ва ифтихорим ошди. Олис болалигимни қўмсаган ҳолда қуйидаги мисралар туғилди.

Олтмишинчи йиллар симфонияси,
Юракни сўзлатар ҳар сонияси.

Туйғумда даврнинг романтикаси,
Яйрадим ҳаётнинг мен бир эркаси.

Боғларда очилган гулми ё лола,
Шу йиллар қатидан бўлдим зувола.

Ўттиз иккинчи у қадрдон мактаб,
Остонаси қутлуғ, бепоён мактаб.

Ўн бир йил ўқидим ва парвоз қилдим,
Китобни энг яхши йўлдош деб билдим.

Низомжон¹ домладан қофия, вазн,
Сабоғин олишга сўрадим изн.

Ўргатди тоқати тоғча бор экан,
Эзгулик йўлида илҳом ёр экан.

Илмдан боғлатди бизга қанотлар,
Булар мангуликка дахлдор зотлар.

Ижод дарди билан ёндим, қовурилдим,
Шеър битган кунларим чунон овуңдим.

«Коммунист»² газетда чиқдим илк бора,
Ижод шавқи бирла ёндим тобора.

У йиллар мактабда ўқувчи эдим,
Гоҳ туроқ, вазнлар тўқувчи эдим.

¹ Низом Умарий – Ўзбекистон халқ шоири Собир Абдулланинг жияни, шоир ва ўқитувчи, устозим, синф раҳбарим.

² Ҳозирги «Андижоннома» газетаси.

Деворий газетнинг номи «Ҳавасдир»,
Муҳаррири ўзим, шеър чиқса басдир.

Ўзимча бир жаҳон, сўзимга инон,
Туйғуларим покдир зарра йўқ гумон.

Синфдош Тўхтаҳон жамбалак ўртоқ,
Матлуба, Ҳабиба кўксилари боғ.

Ёрқиной, Холида, Оқил (а), Оязим,
Мунаввар, Ёқутхон дарёи азим.

Кўпайхон, Дилбархон бўлди шифокор,
Ойтожи муаллим, шарҳ эмас даркор.

Фарида, Турсуноилардир инженер,
Ҳар учалови ҳам халқ ғамини ер.

Гулдона, Дилшодхон, гўзал Муҳаббат,
Илм нурларидан топди саодат.

Йўлдошхон, Манзура, Гавҳарой ҳар чоғ,
Меҳрибон онадир кўксилари боғ.

Эргашбой, Салимжон ҳам Комилжонлар,
Ҳалоллик йўлида фидойи жонлар.

Абдуманноб, Ҳузур, Соли, Бойназар,
Аллоҳим уларга айламиш назар.

Тоштемир, Тожиддин ҳамда Маҳмуджон,
Ҳабибжон, Турсунбой, Ноил бир жаҳон.

Қаҳрамон, Неъматжон бўлсинлар омон,
Ўқибон шифокор бўлди Анваржон.

Бу қизлар, йигитлар ўзи бир достон,
Бу бўстон ичида битган гулистон.

*Ўттиз уч фарзанддан ҳар бири бугун,
Ўн уч ўқитувчи, учта кандидат¹.*

*Бешта шифокору юзлари гулгун,
Инженер, биттаси шоира фақат.*

Ҳа, азиз дўстларим! Андижон шаҳридаги 32-мактабнинг 1963 йилги битирувчи 11 синфида 33 нафар ўқувчи бўлиб, уларнинг 24 нафари олий маълумотли бўлдилар.

Улардан 13 нафари ўқитувчи, 5 нафари шифокор, 6 нафари эса муҳандис бўлиб етишдилар. Қолган 9 нафари эса ватанимизнинг турли жабҳаларида ишлаб, юрт равнақига ўз ҳиссаларини қўшдилар. Яна тақдирни қаранг-ки, азиз дўстларим, 4 нафар синфдош ва 1 нафар мактабдош қиз Андижон давлат педагогика (ҳозирги АДУ) институти тарих-филология факультетининг битта гуруҳида ўқиш бахтига мушарраф бўлдилар.

Истардимки, ёшларимиз ҳам синфдошларим каби саботли ва матонатли, сабр-тоқатли, шарм-хаёли, тоза юракли, самимий, шу билан бирга ватани ва халқини азиз жонлари каби севувчи, ардоқловчи фарзандлар бўлишсин.

23.06 – 13.08.2013.

1 Фан номзоди.

АЛЛАЛИ ТОНГ

Алла... Бу тунги шабадаларнинг инсон томирларига оқиб киришими? Юлдузли шуълаларнинг мурғак юракларга қуйилишими? Алла – она Ўзбекистонимнинг юрак садолари... У боғлар қўшиғи, тоғлар ғурури, майсалар табассуми, сувлар жилосидир. У бешикнинг сархуш тебраниши, ёмғир томчилари, қайғу ва қувонч ёшларининг хиргойиси. У онанинг, Ватаннинг она тилидаги суръатидир.

Алланинг моҳиятини, куч-қудратини ёш улғайганда англай бошладим. Алла билан она – эгизак. Уларни бир-биридан айириб бўлмайди. Алла дардга даво, умрга умр қўшади.

*Мен сени демовмидим, алла, болам алла,
Ганжиравон кўчасида алла, болам алла.
Мен сенга ошиқмидим алла, болам алла,
Ҳижрон ўтида алла, болам алла.*

Қандай ажойиб сатрлар-а? Алланинг кучи ва қудрати нечоғлик улкан. Чунки алла юрак-юрагингиздан чиқади. У биллурдан тоза ва беғубор ҳис-туйғуларни ифодалайди. Аёлнинг ички оламини тараннум этади. Ҳижрон азобида қолган она дардини аллага солади. Менимча, дунёда шундай ҳис-туйғуга эга бўлмаган аёл – она бўлолмас керак.

Алла Ватан меҳрини, она муҳаббатини, эл-юрт соғинчини ўзида мужассамлаштиради. У ақл бовар қилмас сеҳр, жозигабага эга. У инсонни ҳақиқий инсон фарзанди, бинобарин, инсонпарвар бўлиб камолга етишида муҳим аҳамият касб этади. Биз фарзандларимизнинг йўли ойдек ёруғ ва равшан, мартабаси улуг бўлишини, ойлардан ҳам баланд бўлишини Аллоҳдан тилаб, аллаларимиз-

билан уларнинг қон-жонига сингдирамиз, нурлари ила тўлдираверамиз.

*Ой дедим, ойдин дедим, алла,
Қошлари ёйдан дедим, алла.
Қошлари ёйни кўринг, алла,
Ой боламни кулдилинг, аллаё алла.
Болажоним кулсин, кулсин алла,
Дадажони қараб турсин, алла.*

Она қалбидан булоқдай тошиб чиқаётган бу сўзлар, бундай оҳанг, куй дунёда ҳеч бир халқда учрамайди. Бу аллаларни тинглаб, Тўмарислар, Широқлар, Берунийу Ибн Синолар, Жалололдину Темур Маликлар, соҳибқирон Амир Темуру Бобурлар, Навоийу Нодиралар улғайган.

Менинг ҳам онам ана шу муқаддас кўшиқ билан бешигимни тебратган. Мен ҳам бу кўшиқни ойдин тунлари фарзандларим: Муаттархон, Зафарбек, Муаззамхон ва Мушаррафхонларнинг бешиклари устида ёниб-ёниб айтдим.

Онам Муҳаррамхон алла айтишга жуда уста эдилар. Уларнинг қалбидан таралган аллани эшитган ҳар қандай бола ёки катта одам беихтиёр кўзига ёш олмай иложи йўқ эди. Менинг ва укаларимнинг болаларини боғча ёшига қадар онамиз тарбияладилар.

Энди ўйласам, уларнинг онгига, қалбига қанчалар эзгулик уруғлари сепилди экан. Ҳатто, болалар касал бўлиб қолганда ҳам онамга ташлаб, ишга югурардим. Қанчалар бешафқатман-а?.. Оҳ, у кунлар... Ишдан қайтсам, онам ҳеч нарса кўрмагандай менга пешвоз чиқардилар. «Боланг ухлапти», деб чой-нон тутардилар. Эҳ, онажон, сизнинг беқиёс меҳрингиз болаларимга ҳам етди-я...

*Тол учида танлаб олган,
Толи райҳоним менинг, алла.
Гуллар ичида ҳидлаб олган,
Гули хандоним менинг, аллаё алла.*

Бу мисралар болаларимнинг қалбида меҳр, адолат, гўзаллик тимсоли бўлиб куртак очган бўлса не ажаб.

Ҳаёт сабоқлари мужассам топган, ишонч, садоқат, мардлик туйғулари-ю хислатларига йўғрилган мисралар, юрагингиз нидолари, орзу-ниятларингизни ўз қанотида олиб учган бу қушчаларнинг сўзларини унутиб бўладими, онажон?

*Мен бу ерга келмас эдим, аллаё алла,
Ёра келтирди мени, аллаё алла.
Ўтга солса қуймас, эдим алла,
Ёра қуйдирди мени, аллаё алла.*

Садоқатга, муҳаббатга, вафога чорловчи бу сўзлар ҳали ҳам ўз қийматини йўқотгани йўқ. Ҳали ҳам вафо ойнаси бўлиб, ўз жозибасини кўрсатмоқда.


*Мен аллалар билмас эдим, аллаё алла,
Аллачилар қилдинг мени, аллаё алла.
Ўтга солсанг, қуймас эдим, аллаё алла,
Охир гадолар қилдинг мени, аллаё алла.*

Ушбу мисралар ҳар бир ёш онанинг оналик меҳрини янада мустаҳкамроқ қилиб уйғотса ажаб эмас.

*Алла айтай вақтида, аллаё алла,
Оромлар олгин тахтингда, аллаё алла.
Алла жоннинг роҳати, аллаё алла,
Уйқу кўзнинг қуввати, аллаё алла.*

Бу юракдан чиққан, меҳр балқиб турган сўзларни кимлар эшитмаган, кимлар билмайди дейсиз. Ёки:

*Алла, алла офарин аллаё алла,
Устингга бахмаллар ёпайин, аллаё алла.
Бахмалларинг камиса, аллаё алла.
Кимхоблар олиб ёпайин, аллаё алла.*



Бу сўзлар ўтли нигоҳнинг, дардли қалбнинг садолари эмасми? Ҳар бир фарзанд она учун шундай етиб бўлмас бахт, дунёга алишиб бўлмайдиган бойлиқдир. Шунинг учун ҳам она боланинг кўнглини тўлдиришга, уни ўқитмасликка (гарчи, ўзи ўқисик қалб эгаси бўлса ҳам) ҳаракат қилади. Боланинг камолини кўриш хаёли, андишали, эл севган фарзанд қилиб ўстириш ҳар бир онанинг бир умрлик орзуси эмасми?

Баъзан ўйланиб қоламан. Биз-ку оналаримиз бағрида бемалол ухлаб, хоҳлаганда уйғониб, алла ва эртаклари-ни мириқиб тинглаб, камол топдик, ҳозирги болалар-чи? Ота-она хизматда. Болаларни эрталаб барвақт ширин уйқусидан уйғотиб, инжиқланса гоҳо жеркиб, гоҳо суйиб боғча опалари кўлига топширамыз. Боғчалар озода ва саранжом. Турли ўйинчоқлар ҳам сероб... Аммо бу ўйинчоқларни болалар истаган вақтида ўйнай олармикан, билмадим? Тўғри, болажонлар вақтида овқатланиши, вақтида ухлаши керак. Бу яхши нарса. Овқатни-ку, иштаҳа билан ейишар, лекин уйқучи? Ҳар бола феъли ўзгача. Бири дарров ухлаб қолади, бири осонликча ухламайди. Ухламаган болага эса дўқ қиламыз. Шунинг ўрнига, агар иложи бўлса, тўрт мисра шеър ёки юрак қаъридаги ҳис-туйғуларни, орзу ва армонларни алла қилиб айтсак, улар яхши хордиқ олишмасмикан?..

Яна она дейман. Чунки оналаримиздан ўртак олса арзийдиган қирралар жуда кўп. Ҳаётда рўй берадиган айрим етишмовчиликлар, қийинчилик йиллари оналаримиз иродасини бука олмаган. Ажабо, улар жуфти ҳалолларига шундай садоқатли бўлганларки, уларнинг бардошига, тоқатига тан бермай иложинг йўқ. Ўз-ўзидан ҳозир нега ундай эмас, дегинг келади. Ҳурматли аёлларимиз мени кечирсинлар-у, ҳозир эркакларимизга ҳурмат бироз пасайиб қолаётгандай, назаримда. Тирик етим қилиш, эри бўла туриб, туллик билан умр ўтказишга на ҳожат? Оилада келишмовчилик юз берди дейлик.

Нега энди қандайдир тушунмовчиликни деб ширин турмушимизни бузамиз? Она фарзандининг кўзига қарасин. Аввалги меҳрини икки баробар орттирсин, дилидагини аллага солсин. Ваҳоланки, бола оилани бир-бирига боғловчи ришта эмасми? Ана шу ришталар ҳеч қачон узилмасин. Яна қайтараман, алла айтинг. Ахир бу бизга минг асрлик мерос-ку.

*Толейимнинг юлдузи, аллаё алла,
Кунларимнинг кундузи, аллаё аллаё.
Сен бўлмасанг, нетардим, аллаё алла,
Бошим олиб кетардим, аллаё алла.
Армонларим айтайин, аллаё алла,
Гул баргига битайин, аллаё алла.
Гул баргида битмаса, аллаё алла,
Бошим олиб кетайин, аллаё алла.
Сени бир бор қўрмасам, аллаё алла,
Кўксимдан жой бермасам, аллаё алла.
Шунча ширин бўлармидинг, аллаё алла,
Иқболгинам қулармиди, аллаё алла.*

Ҳа, болажонларимизнинг тонги аллалар билан ота-версин. Ширин уйқуларидан ҳеч қачон безовта бўлишмасин.

*Тонг яхши-ю, оппоқ тонг яхши,
Баҳордаги нуқра тонг яхши.
Барчасидан маъсум ва сергак,
Алла билан отган тонг яхши.*

БОЛАЛИК ТОНГИ

Эй, болалигимнинг беғубор тонглари, қаердасиз? Сизни жуда соғиндим. Сизнинг баҳорингиз ва ёзингиз жуда бошқача эди-да. Уни қўрмамай бўладими. Ху ариқда чархпалак ясаб, оқизганим олма ёдимда. Дугоналарим билан турли латталардан ясаган кўғирчоқларим... Уларга онамдан ўрганиб айтган аллаларим... Эҳе, ҳаммаси бир зумда ўтиб кетгандай.

Ҳаёт қонуни ғалати экан. Бўйсунмасликнинг иложи йўқ. Менинг болалик кўшиқларим қайси гул япроқларига айтилди экан. Гоҳида сизларни ўйлашдек сонияларга вақтим етмайди. Тобора узоқлашиб боряпман. Менинг болалигим болаларим ва уларнинг ҳаётларида давом этипти. Минг бора шукур.

Ҳар тонгда отам ва онамнинг мунис чеҳрасини кўрар эдим. Эркалигим уларга сиғар эди. Гоҳида инжиқлигим ва нозиклигимни кўтаришарди. Энди бўлса кимгадир эркалик қилгим келади. Аммо...

Кушларнинг чуғур-чуғури, булбул нолалари қалб мулкимга мангу муҳрланган. Уларни ўйлашдек бахтдан жудо қилмасин.

Ёз кечаларида ойнадай тиниқ осмонда милтиллаган юлдузларга боқиб ҳайрон бўлардим, ҳайратимнинг чеки йўқ эди. Чигирткаларнинг тунги нағмалари юрагимни алланечук элитарди. Эрта тонгда табиат нақадар сўлим ва оромижон бўлар, олислардан эшитилган булбул хониши ҳаётга ташна қалбларни руҳлантириб, юксак парвозларга чорлар эди.

Ҳаёт. Нақадар гўзал ва ширинсан! Барча бахтли инсонлар қатори мен ҳам ҳаётдан муносиб тухфамни олдим. Аллоҳим тўрт фарзанд ато этди. Улар дунёларга алишиб бўлмайдиган бойлигимдир. Берганига шукур. Шу билан бирга, ҳаётда ўз ўрнимни топдим. Ўқидим, билим олдим, меҳнат қилдим.

Ўзимда жамланган билимларни халқимизнинг жондан азиз фарзандлари онгига сингдирдим.

Дарвоқе, менинг ҳам бошқа оналар қатори фарзандларимни элга қўшиш осон бўлмади. Уларни йўргакдан бошлаб боғча ёшига қадар тарбиялашда онажоним кўмакдош бўлди.

Эҳ, онам-а, онам-а!

Чиндан-да, онам меҳнатининг чеки йўқ экан. Болам бемор бўлса, шифохонада бирга ётади, ишдан келгунимга қадар, агар болам узоқроқ ухлаб қолса уйғотиб олар экан. Бундай бахтдан отажоним бенасиб бўлди. Отам деганда оғзим тўлган отам-а... Сизнинг нурли чеҳрангиз кўз олдимда. Менинг меҳрибоним, отажоним. Хушсуратингиз қалбим тўрида.

Апрель ва май ойларида очиладиган бинафшани жуда севаман. У ҳар йили очилганда беғубор болалигимнинг гўзал лаҳзаларини ёдимга солади. Шу пайтларда бутун вужудим беғуборлик ҳиссиёти билан чулғанади.

Сўнгги кўнғироқ куни мактаб ҳовлиси ва синф йўлаклари бинафша ва атиргул ифорига тўлиб кетади.

Бу гўзаллик ва эзгулик рамзидир.

Мактаб йиллари ҳам мендан жуда олислаб бормоқда. Энди болалик қўшиқларини тинглаганда, кўзларда ёш қалқийдиган бўлиб қолди.

Олислардан кўнғироқдек товуш келмоқда. Унга кулоқ солайлик-а, азиз ўқувчим...

БОЛАЛИК – БЕГУБОРЛИК

Болалик – нақадар беғубор онлар! Ёшинг улғайиб, йиллар ўтгани сайин, болалик йилларинг олислаб борар экан. Унинг пастқам гувала деворлардан иборат тор кўчалари ҳам, ариқларидан жилдираб оқиб турган сувининг товуши ҳам нақадар жонга туташ. Чунки, шу осто-

нага, шу кўчага илк бор пойи қадамимиз теккан. Шунинг учун қадрлидир бу кўчалар. Шунинг учун ҳам бу даврнинг такрорланмас ҳар сонияси кўзингга янада гўзалроқ кўринар экан. Бу йиллар беқиёс орзу ва умидларга бой йиллардир. Унинг сарчашмасидан сув ичмаган, беғубор ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олмаган киши бўлмаса керак. Алла ва эртақларнинг сеҳрли оламига кириш ҳам бахт экан. Эртақ қаҳрамонлари ҳақида қайғуриш, уларга ўхшашга интилиш қанчалар завқли.

Ёзги таътил кунларида дугоналаринг билан дўппи тикиб қилган орзуларнинг чеки бормикан. Биримиз ўқитувчи, биримиз шифокор, яна биримиз эса фалон асар қаҳрамонига ўхшагимиз келарди.

Мактабнинг муборак остонасига қадам кўйган кезларим... Пушти матодан онам тикиб берган сумка-халта... Ўқишга ташналик... Муаллимларимизга тақлид қилишлар, ўқимишли инсон бўлишга интилишлар... Сўнгги кўнғироқ овози... Эҳе, буларни унутиб бўларканми?

Ўқитувчиларнинг меҳнати азал-азалдан қалбида эъзозланиб келинган. Бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Биз ўқитувчиларимизни шу қадар ҳурмат қилар эдикки, ҳатто ўқитувчилар ҳам «Нон ермикан?» дея уларни фариштага айлантириб кўйганимизни ўзимиз ҳам билмас эдик. Ўқитувчиларимиз шу қадар содда ва беғубор эди. Шунингдек, ўз фанининг устаси, ўқувчилар орасида катта ҳурмат ва мавқега эга эди. Қалбимизга эзгулик уруғини сочган, илм булоғини очган ўшалар эмасми? Биз ким бўлишимиздан қатъи назар, атоқли партия ва давлат арбобими, буюк олимми, ҳурматли устозларимиз берган сабоқларни тўғри англамоғимиз, уларга амал қилмоғимиз даркор. Ўқитувчилар ўқувчиларини ҳеч қачон нопокликка, ўғри ва қаллобликка ўргатмайди. Улар ҳамиша эзгулик, камтарлик тарафдори. Бойлик ва мансаб кетидан қувиш улар учун мутлақо ётдир. Улар бундай ишлардан жирканадилар.

Ҳаётни баланд чўққига қиёслагим келади. Зеро, ўша чўққига етмоқлик учун не-не сўқмоқларни босиб ўтишга тўғри келади.

Шоирлар кам туғилади, ҳамма шоир бўлавермайди, деган нақл нечоғлик тўғри, билмадим-у, аммо камтарлик бўлмаса ҳам негадир ёзгим келди.

Мени адабиётга, хусусан, шеърятга ошно қилган катта онам Тожибуви отин эдилар. У кишининг узун қиш кечаларида Фузулий, Алишер Навоий, Аҳмад Яссавий, Машраб каби буюк алломаларнинг ғазалларини ўқиб, уларга ошно қилганидан, юрагимда шеърятга муҳаббат уйғотганидан беҳад миннатдорман. Балки шу ғазаллардаги ўта нозиклик, назокат, ҳаё ва ифбат менинг дунёқарашимни бошқача руҳда тарбиялаган бўлса ажаб эмас.

Бир-икки мисра шеър қоралаган пайтларимда ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиларимнинг олдига шошардим. Улар қўлларидан келган ёрдамини аямасдилар. Уларда шеърятга ҳавас борми, йўқми буни билмас эдим. Аммо мен шу ўринда тарих фани муаллимим, синф раҳбарим, шоир ва драматург Низомжон Умаровнинг номини алоҳида эҳтиром билан тилга олгим келади. Ҳар бир янги ёзилган шеъримнинг муҳаррири – Низомжон Умаров эди. Домламиз бошчилигида мактабда «Ҳавас» номи ёш ижодкорларнинг газетасини чиқарар эдик. Мен газетанинг бош муҳаррири эдим. Ўша кунларга минг қатла шукроналар бўлсин.

Ҳали ҳамон эсимда. Зулфияхоним шеърларига мафтун бўлганим. Шоиранинг қайси китоби нашр қилинмасин, албатта, ўша китоб қўлимда бўлар эди. Китоб бошидан охиригача хотирамда ёд бўлар, шоиранинг шеърларини бутун вужудим кулоқ бўлиб тинглардим. Шоира шеърятдаги ҳиссиёт шу тариқа менинг қалбимга кўчган эди. Демак, китоб ўқишда гап кўп экан. Чунки, китобдаги фикрлар, унинг қаҳрамонларидаги гўзал ҳиссиётлар

юрак-юрагингизга, қон-қонингизга сингади. Биз мактабда ва олий ўқув юртида таҳсил олган йилларимизда қўлимизда китоб билан ухлаб қолар эдик.

«Гўрўғли» туркумидаги дostonлар, Ойбекнинг «Олтин водийдан шабадалар», «Навоий», Пиримқул Қодировнинг «Уч илдиз» романи, қўйингки, китоблар оламида қандай янгилик бўлса, албатта, хабардор бўлар эдик. Демак, шеърятга, адабиёт ва санъатга меҳр қўйган одам ҳеч қачон ножоиз ишларга қўл урмайди.

Инсон одати қизиқ бўлар экан. Умр ўтгани сари ўтмиши унга нималари биландир фарахбахш туюлар экан.

*Болалик соҳиллари мунча ҳам олис экан,
Бўйласам, етолмайман, етмоқлик мушкул экан.
Ширин дамлар қувончин ёдимга солиб ўтган,
Оҳ, бирам ўйинқароқ боласи тушкур экан.*

БУНИ ҲАЁТ ДЕСАЛАР КЕРАК

Ўша мудҳиш Иккинчи жаҳон урушининг охирларида Андижон шаҳрида дунёга келдим. Ҳар сафар онам ҳақида бирор нарса ёзар эканман, негадир кўнглим тўлмайди. Онам ўлимнинг армонлари бутун томирларимни куйдиради. Тўғри, халқимизнинг «Ота-она ўлмоқлик – мерос», деган нақли бор. Ҳар бир нарса ўз вақтида бўлсин экан. Ўшанда онажонимни ўйнагани олиб бормасам ўлмай қолармиди. Эҳ, қисмат, қисмат. Сенинг борлигинга ишонмай бўладими? Бу сўзларни ёзаяпман-у, юрагим ҳолсизланыпти. Онажоним ҳақида ҳар қанча ёзсам оз. Мана, тингланг, муҳтарам ўқувчим!

«Сиз – онажоним Муҳаммад Ниёз қизи Муҳаррамхон – 1925 йилда Андижон шаҳрининг «Чинортаги» маҳалласи (ҳозирги Коса бозори ёки эски 29-ўрта мактаб атрофи)да хунарманд-савдогар оиласида дунёга келдингиз.

Ота-онангиз барвақт вафот этгач, амакингизнинг ўғли Ҳафизхон ва момангиз Ширмонхон отин қўлида тарбия топдингиз. Етимликнинг азоб-укубатларини тортган Сиз, онажоним, жуда оқила, пазанда, хушмуомала, одамларга меҳрибон бўлиб ўсдингиз. Ўн етти ёшингизда отам – Тиллабой Ўзбек ўғли Акбаралига узтилдингиз. Отам қариндош-уруғ ва кўни-кўшниларнинг таърифлари-ча, ниҳоятда покиза, ҳақиқатпарвар, тўғрисиўз, ёлғонни ёқтирмайдиган ҳамда минган отигача гард юқтирмайдиган киши эди. Ўша даврда анча мавқега эга бўлган элликбоши лавозимида ишларди. Тақдирнинг шафқатсиз ўйинлари бу оилани ҳам четлаб ўтмади...

1947 йилдаги пул алмашинуви ҳамда пахта fronti-да дам олмасдан ишлаганлиги, қаттиқ ҳориб, дала ший-понида ухлаётганида зилзила бўлганлиги туфайли ўша мудҳиш тунда отам касаликка чалинди. Ана энди ёшгина, навниҳол онажоним – сиз йигирма икки ёшингизда турмушнинг иккинчи зарбасига учрадингиз. Булардан эсон-омон ўтиш учун сизга пўлатдан ирода, туганмас бардош керак бўлди. Эҳе, буларни айтиш ва ёзиш осон, аммо...

Амаким мулла Умарали ўша вақтда «Рапо»нинг бошлиғи бўлиб ишлар, турмуши бирмунча силлиқ, ўз ма-ромида кетган бўлса-да, ҳали барча қийинчиликлар ол-динда эди. Орадан озроқ вақт ўтгач, амаким икки ўғли ва хотинидан айрилади. Ҳаётнинг бешафқат бу ўйини амакимни асаб касаллигига мубтало қилади. Ана энди юраклари тоғдек онажоним, сиз уларни оқ ювиб, оқ та-рашингизга тўғри келади. Кўз нурингизни аямай осма чироқ ёруғи (бу керосин билан ёнадиган шиша чироқ) да тўн қавишингиз керак эди. Рўзғор дегани ўз домига ҳамма нарсани тортади. Амакимнинг оппоқ ва тоза як-так билан кўчага чиқиши, онажоним, сизга раҳмат эши-гини очар эди. Буларни ёзмасам, юрагимнинг тўлқини-ни, туғёнини қайларга сиғдираман. Қавиган тўнларин-

гиз ипларига армонларингиз ва аламларингизни қўшиб тиккансиз, онажоним, бизни имкон қадар ўкситмасликка ҳаракат қилиб, ўз роҳатингиз, ёшлик завқингиздан, шавқингиздан кечдингиз. Ўзингизни бизга ва оилага бағишладингиз. Сизни жуда соғинаман, кўргим келади. Лекин на илож. Сиз билан бирга юрган кунларим нақадар лаззатли, шавқли, завқли эди. Оҳ, онам-а, онам-а! Излаб изларингизни тополмай қолдим, йўқлаб сўзларингизни тополмай қолдим. Жоним онам, қаердасиз, жавоб беринг?! Бу сўзлар кўз ёшларимдан ҳосил бўлмоқда. Уларни тўхтатишнинг сира иложи бўлмапти. Армонларда, аламларда куйган онам. Армонларингиз ўзимман онажон, аламларингиз ўзимман, онажоним. Ҳаётда ҳар ким ўз онасига мана шундай куйса. Сиз бунга лойиқсиз онам. Бундан-да ортиқсиз, онажоним. Биз ҳам сизга монанд фарзандлар бўлиб ўсдик. Кўча-кўйда кўрганлар «Вой фалончи аямнинг қизлари», деб ардоғингизни қиладилар. Бундан кўнглимиз яна тоғдек ўсади.

Жуда ҳам эзмалик қилиб юборди, деб ўйламанг, муҳтарам ўқувчим. Зотан, онажонларимизнинг биз илғамаган ажойиб фазилатлари бор. Биз уларни ёшлик қилибми ёки эътиборсизлик туфайлими сезмай қоламиз. Ўзимиз ана шу ёшга боргандагина, фарзандларимизни қаторга қўшгандагина сезар эканмиз. Кўз олдимиздан бирма-бир кино тасмасидай ўтар экан. Менимча, бу қанчалар ноҳақлик деб ўйлайман, чунки бу нарсаларни бизга Худойим ёшликданоқ идрок қилдирган эди. Агар ёшликда бу нарсаларни идрок қилганингизда эди, ҳаёт тамоман бошқача бўлармиди. Оналаримиз яна ҳам узоқроқ яшармиди...

Эвоҳ, Сиздан айро тушган кундан бошлаб ҳаётим бир мунча сўник ва завқсиз ўта бошлади. Сиз менинг суянчим, кўзимнинг нури, ҳаётимнинг меҳвари экансиз. Буни кеч англадим. Нима ҳам қила олар эдим. Йиғлайман. Сизни йўқлайман, Қуръон тиловат қиламан. Қўлимдан келгани шу, холос. Сизни қўмсаганимда борлиқ оламга сиғ-

май кетаман. Жоним онам, йиғласам юпатадиган, йиқилсам тиргак бўладиган, беминнат маслаҳатларини берадиган одам Сиз эдингиз. Бирор кишидан ранжисам ёки бирор киши озор берса, ҳимоячим йўқ энди. Буларнинг ҳаммасига онажоним – Сиз далда бўлар эдингиз. Сизни ўйлаганимда чидолмайман, тоқатлар қилолмайман. Бардошларим етмайди чоғи. Беозорим онам-а.

Бу оламдаги ҳамма нарса Сиз борлигингиздагидай. Ой, Куюш, Ер, само, юлдузлар ҳамон ўша-ўша. Ўз вақтида тонглар отмоқда, ўз вақтида кунлар ботмоқда. Ҳар баҳор майса гиёҳдан тортиб муаттар гулларгача ўз ҳусни тароватини намойиш этмоқда. Райҳон ва жамбилни, ўсма ва кашнични қанчалар севар эдингиз, ҳовлимизнинг супадай жойига ўз қўлларингиз билан экиб қўярдингиз.

Онажоним ота-онангиз Энахон ва Муҳаммад Ниёзнинг фарзандлари турмагани учун Сизни Яланғоч Тўрамнинг этақларига солган, дейишарди. Исмингизни ҳам Муҳаррамой қўйишган экан. Қандай ажойиб исм. Исми-жисмига монанд деб, шуни айтсалар керак-да. Эҳ, яккам-ёлғизим онам. Кунлар келганда юрагингиздаги армон ва аламларни кимгадир айтгингиз келгандир. Бунинг учун на опа-сингилингиз, на инингиз бўлган. Ҳаётда аканинг ҳам, опа-сингилнинг ҳам ўз ўрни бўлади. Акангиз ўлмаганда, ота-онангизнинг йўқлигини билдирмай, ҳолингиздан хабар олармиди. Эшигингиздан кириб келса, юрагингиз тоғ қадар кўтарилармиди? Бундай бахтни тақдир сизга раво кўрмади. Юқорида айтиб ўтганимдек, момонгиз (катта бувим) ва акангиз(тоғам) Ҳафизхон бу вазифани, бу бурчни сидқидилдан адо этдилар. Доимо Сизнинг ҳолингиздан хабар олдилар. Нафақат Сиз, балки бизнинг ҳам уларга бўлган меҳр-муҳаббатимиз улар ҳақида ўйлашга, ниманидир ёзишга даъват этмоқда. Юракнинг бундай беғубор амрини бажармаслик гуноҳ. Ўша вақтдаги қариндошлик риштала-ридан ўргилай.

Орадан йиллар ўтиб, биз аста улғая бордик. Бўйларимизни кўриб, қанчалар қувонган бўлсангиз керак. Чунки, биримиз эгачингиз, биримиз инингиз эдик. Бу қувончни фақат сиздайлар билади, Сиздай ҳис қила олади. Ўғлингиз ва қизларингизнинг келажагига замин ҳозирладингиз. Улар ҳам мустақил оила бошлиқлари бўлишди, ўзларини ўнглаб, катта, ҳаёт йўлидан кета олдилар. Инсофли, диёнатли, меҳр-шафқатли, камтар инсонлар қилиб тарбияладингиз. Укам Абдуҳалимжон вояга етгач, Сизнинг ёнингизга кириб, суянчиғингиз бўлиб қолди. Укамнинг бўйларини дадангизнинг бўйларига ўхшартар эдингиз. Демак, энди укажоним Сизнинг жигаргўшангиз, отангиз ўрнида ота, етим жонингизнинг суянчи, учарга қанотингиз. Ана, мўйлаби ҳам сабза урибди. Қалбингизда орзу-ҳаваслар, умидлар уйғонди.

Синглим Маҳбубахоннинг эса бўй-басти худди ўзингиз. У серфарзанд бўлди. Унинг ўғилларини кўриб қанчалар қувонардингиз-а? Чунки, уларни ўзингиз боқиб, тарбияладингиз. Болам бемалол ишласин, дедингиз. Онажоним, бизга қилган меҳнатингиз зое кетгани йўқ.

Ҳа, дарвоқе, амакингиз Мирзажон Алимов Андижонда театр ташкил қилганлардан бири бўлиб, «Санъон-нафиса»нинг, яъни ҳозирги «Охунбобоев» номидаги вилоят драма ва комедия театри (бу Ҳафизхон тоғамнинг ҳикоялари)нинг директори эди. Сизларнинг хонадонингизга Ўзбекистон халқ артисти Шаҳодат Раҳимова тез-тез ташриф буюрар, театр ва санъат ҳақида бўлган қизғин суҳбатлар Сизнинг мурғак қалбингизда санъатга шайдоликни уйғотган эди. Аммо бу меҳр ва иштиёқ йилларнинг зарбаси, турмушнинг тўфони остида қолиб кетиб, булоқнинг кўзлари ҳамма томондан беркилган эди. Эҳ, онажоним, халқимизнинг улуғ санъаткорлари – Ҳалима Носирова, Мукаррама Турғунбоева ижодини чиндан севар эдингиз. Сизнинг покиза қалбингиз, санъатга ва адабиётга бўлган беқиёс меҳрингиз биз, фарзандларингиз-

да, жўш урмоқда. Аллоҳга беадад шукурким, сиз ҳақингизда икки калима сўз айтишга, келажак авлодга етказишга имконият берди. Бу илоҳий куч, бу меҳр-муҳаббат менга мадад беради, ҳаётда тўғри яшашга, ҳалол ва пок инсон бўлишга ундайди.

Зотан ҳаётда қўйилган ҳар бир тўғри қадам, яхшилик ва эзгулик ҳақида фикрлаш, уни қалблардан қалбларга ўтказиш беиз кетмас экан. Мен бунга ўз ҳаётим давомида амин бўлдим. Инсоннинг инсонга бўлган меҳри, ҳурмати, у ҳақидаги ширин таассуротлар сиз вафот этган куни янада ёрқинроқ кўринди. Тобутингиз тепасига тумонат одам йиғилди.

Аламлар, армонлар юрагимни тилкапора қилганда, фиғоним фалакни тутади. Яна ўз ўтимни ўзим ўчириб, яшашда давом этаман. Шунинг учун ҳам буни ҳаёт десалар керак.

1985 йил

ДИЙДОРЛАШУВ

50 йиллик синфдошлар учрашуви

Андижон шаҳридаги 32-ўрта мактабни 1963 йилда битирган собиқ ўқувчиларнинг 50 йиллик учрашуви шаҳарнинг энг кўркем масканларидан бири – Болалар (Пушкин боғи деб аталарди) боғида бўлиб ўтди.

Бундан роса ярим аср муқаддам йигирма қиз, ўн уч йигит – 33 нафар ўқувчини синф раҳбари Низомжон ака Умаров ва уларга дарс берган ўқитувчилар катта ҳаёт йўлига яхши тилаклар билан кузатишганди.

Эрталаб Болалар боғи қўйнида жойлашган шахмат-шашка клуби олдида собиқ ўқувчиларини физики-математика фанидан дарс берган кекса муаллим Абдуфаттоҳ ака Аҳмедов кутиб олди. Ёши етмишни қоралаб қолган собиқ синфдошларнинг учрашуви Болалар

боғида ўтказилиши бежиз эмас, сабаби, бу ўқувчиларнинг кўпчилиги ёшликлариди шу боғда сайр қилишарди. Бўш вақтларини кўпинча шу жойда ўтказишарди.

Қишлоқ хўжалиги институти (собик Пахтачилик институти)да 40 йилдан бери ишлаб келаётган тарих фанлари номзоди Дилшодхон Қурбонова, тиббиёт фанлари номзоди Муҳаббатхон Тожибоева биринчилардан бўлиб учрашувга кириб келишди. Сочлари оппоқ бўлишига қарамай, ҳали бардам синфдошлар – Эргашбой Хўжаев, Хузуржон Усмонов, Тоштемир Матмусаев, Салимжон, Комилжонлар, Тожиддин Султоновлар устоз Абдуфаттоҳ ака бошчилигида меҳмонларни кутиб олишди. Кишини ҳаяжонга солувчи, олис болаликка етакловчи мусиқа садолари янграб турган соя-салқин жойда, безатилган стол атрофида собик синфдошларнинг гурунги қизиб кетди. Тоштемирнинг олиб келган суратлари қўлдан қўлга ўтди, сарғайган, баъзи бирларининг четлари йиртилган ушбу суратларда синфдошлар ўз ёшликларини кўриб, бир-бирларига гап бермай завқланишарди. Улар бундан 50 йилги даврларига хаёлан бўлса-да, бир зумга қайтган эдилар.

Ойтожихон, Холидахон, Турсуной, Кўпайхон, Манзураҳон, Йўдлошхон, Гулдонахон, Матлубахон, Абдуманноб Каримовлар хотираларга берилиб, суҳбат қуришарди. Шу атрофда сайр қилаётган одамлар уларга ҳайрон бўлиб қарашарди. Уларнинг кўзлари «1963-2013, 50 йил» деган ёзувли плакатга тушганда, гап нимада эканини билишарди. Бизни ҳам шу кунларга етказсин, деб ҳавас қилишарди. Узрли сабаб билан келолмаган ижодкоршоира синфдошимиз Мунаввара Тиллабоеванинг янги босмадан чиққан – «Олислардан таралар кўшиқ» китоби синфдошлар орасида қўлма-қўл бўлиб кетди. «Холис» газетасининг сўнгги сониди чоп этилган Исмоил Валишининг «Китобингизни ўқидим» сарлавҳали мақоласи 50 йиллик учрашув муносабати билан чиқарилган дево-

рий газетадан жой олганди. Шунингдек, каминанинг бу дийдорлашувга атаб ёзган ҳазил шеърим синфдошлар томонидан қизгин руҳда ўқиб чиқилди. Ушбу деворий газетага имзолар қўйилди ва мақола остига Мунаввара Тиллабоевага тилак билдириб, «Биз сиз билан фахрла-намиз, синфдош!» деган сўзлар ёзиб қўйилди.

1963 йилда Андижон шаҳридаги Навоий боғининг рўпарасига янги фаввора қурилган бўлиб, бу ер шаҳар-нинг энг кўркем жойи эди. Ўшанда домламиз Низомжон ака бошлиқ ўттиз уч нафар ўқувчи бутун шаҳарни тунни билан кезиб, сайр этган ва шаҳар мактаблари ичида «Оқ тунни» ана шу фаввора олдида кутиб олишган эди. Мен ёзган ҳазил шеърда ўша давр бироз бўлса-да, ўхшатиб ёзилгани синфдошлар ёдидан кўтарила ёзган хотира-ларни эсга солди.

*Ўн уч бола, йигирма қиз,
Алифбони бирга ўргандик.
Ўтди ўн бир йил негадир тез,
Сезмай қолдик қандай улғайдик?*

Ҳазил шеърда бизга она тили ва адабиётдан дарс бер-ган ёш муаллимимиз Ибодат опа Пўлатова ҳақида ҳам сатрлар бор.

*Пўлатова дарс ўтарди,
Она тили ва адабиёт.
Ўн уч йигит ошиқ эди,
Ҳар бир сўзни этарди ёд.*

Ҳа, у киши ўттиз уч нафар ўқувчида шеърятга, адаби-ётга катта муҳаббат уйғота олган эди. Синфдошимиз Тош-темир Навоий ғазалларидан ўқир экан, ярмида атай тўхтаб қолди; қолган қисмини оҳангга солиб, Тожиддин айтиб кетди.

Бу синфдаги 33 ўқувчининг 24 нафари олий маълу-мотли бўлди. Қолганлари ҳам ўз касбининг моҳир уста-

лари бўлиб етишдилар. Улар халқ, юрт равнақига ўзларининг камтарона меҳнатлари билан ҳисса қўшдилар. Ҳозирда ҳам улар нафақада бўлишларига қарамай, тиниб-тинчишмайди. Ахир бундан эллик йил олдин:

*Катта ҳаёт қўйнига,
Ҳаммаси тарқаб кетди.
Кимлар кирди ўқишга,
Қолганлар эса ишга...*

боғланиб, шундай хайрли ўзгаришлар бўлганди-да. Бу синфдошлар ҳозирда ўз ҳаётидан мамнун. Роҳат-фароҳатда умргузаронлик қилишмоқда.

*Ҳаммалари ҳаётда,
Ўз ўрнини топдилар.
Яшашмоқда роҳатда,
Ёнида набиралар.*

Шу куни синфдошимиз Манзурахон Улуғхўжаеванинг таваллуд топган куни экан. Синфдошлар табриклаб, унга яхши тилаклар билдиришди.

Учрашувда домла Низомжон аканинг ўғли Бобуржон Умаров ҳам қатнашди. Синфдошлар эсдалик учун расмга тушдилар. Вақт алламаҳал бўлганига қарамасдан синфдошлар бир-бирларидан ҳеч ажралгиси, тарқалгиси келмасди.

Хотираларнинг кети тугамас, юзларидан эса табассум аримасди. Бугун улар асл ёшини унутган, вужудларидаги оёқ ва бел оғриқлари йўқолиб, эсидан чиққанди. Ўзларини худди ўша ярим аср олдиндагидек ҳис қилишарди.

Собиқ синфдошлар учрашув сўнгида шундай озод, эркин замонда яшаш насиб этганига шукуроналар айтишди. Ораларидан кетган марҳум синфдошлар – Солижон Ҳожи, Маҳмуджон Зокиров, Хабибулло Мамадалиев, Турсунбой Ёқубов, қизлардан Мунаввархон Холматова, Фаридахон Отабоева ва Дилбархон Усмоналиеваларнинг

рухларига фотиҳа қилишди. 80 ёшни қоралаб қолган муаллим Аҳмедов барча йиғилганларга яхши тилаклар билдириб, дуо қилди. Ниҳоят, сўлим боғни тарк этаётган синфдошларнинг кўнглида бир олам қувонч бўлиб, яна учрашиш насиб этсин, деган тилаклар бор эди.

Бойназар ЙЎЛДОШЕВ

«Холис» газетаси.

12.06.2013 йил

ЁЗ КУНЛАРИ

Ёз кунларини соғиниб эслайман. Айниқса, болалигимдаги ёз хотираси сўнмас ва ўчмасдир. У вақтларда саратонлар ҳам бошқача бўлар, қаерда тангадек соя бўлса, ҳамма ўша ерга талпинар, ҳовлилар оралаб ўтган ариқ бўйларига кўпроқ тол экиларди. Унинг қандайдир шифобахш хусусияти ҳисобга олинармиди, билмадим. Қоқ туш маҳали бўлса керак, отам яктакчан, қора лас тўнини дарвозахонага тўшшаб ётиб, икки томондан эсган шабададан ҳузур қиларди.

Ўша ёз кунлари, айниқса, саҳар пайти сўлим ва оромижон бўлар, булбулларнинг нозик сайрашлари, майин овозлари, атиргул ва райҳонларнинг муаттар ҳидлари, тонгги шабаданинг енгил тебраниши қалбларга илҳом бағишларди.

Бу дунёда нимаики бўлса, улардан азизроқ, улардан ҳам муўтабарроқ нарса бўлмас экан. Улар хоҳ дов-дарахт бўлсин, хоҳ оёғингиз остида ястаниб ётувчи ям-яшил майса бўлсин, ҳар бирининг ўзига хос таровати, ҳусн-жамоли инсонга қандайдир куч-қувват бағишловчи сеҳри бўлар экан. Эрта тонгда туриб уларни кўриш, улардан баҳра олишнинг завқи ўзгача.

Ана, қушлар чуғур-чуғур қилиб, гўё сизга тонги саломини етказаетгандай, тинчлик, омонлик тилаётгандай... Чуғур-чуғурингдан ўргилай беозору бегуноҳларим... Ху-

дойим ҳар бир инсоннинг қалбига сизларни севишлик, сизлардан завқланишлик туйғусини солсин.

Тонг елларини жуда севаман. Улар қалбимга, бутун вужудимга атиргул ифорини олиб кирадилар. Бундан ҳам шукуҳли, бундан ҳам тароватли нарса борми дунёда? Отам сарв қоматли, оқ-сарикдан келган, истараси иссиқ киши эди. Оққўнгил, ҳалол ва пок одам бўлиб, ҳақиқатни сўзлаш, борига шукур қилиш отамнинг энг яхши фазилатларидан бири эди. Бундай отани севмаслик, бундай отани эсламаслик сира мумкин эмас!

Оҳ, отажоним! Хушсурат сиймоингиз доим кўз ўнгимда. Менинг меҳрибон мўминим отам. Ўзингизнинг ниҳоятда озодалигингиз, покизалигингиз, ҳақиқатгўйлигингиз билан халқнинг хурматиغا сазовор эдингиз.

Оҳ, отажоним! Отангизни Тиллабой ўзбек дейишар экан. Ҳақиқий мўмин ўзбеклардан бўлса керак-да! Уйимизда отангизнинг атлас тўқийдиган дўкони бўлиб, ўшанинг даромадига тирикчилик ўтар экан.

Аллоҳнинг марҳаматини қаранг, 1902 йилги зилзиладан сиз – 20 кунлик чақалоқ – бешикнинг қасаба (бешикнинг ўртасидаги узун ёғоч)си сабаб омон қолибсиз. Бу бизнинг ва онамнинг бахтимикан. Ҳар нечук билолмадим?

Бўйлари бўйингиздай хушқомат, ўзингиздай камтар ва мўмин ягона ўғлингизнинг йигит бўлганини кўролмадингиз. Унинг ҳалол меҳнат билан топган ширин нонидан тотимадингиз. Нечун шундай бўлди? Аллоҳим бундай фарахбахш кунларни, фарзанд иззат-икромини сизга насиб этмади. Нечун, нечун отажоним?

Онангиз Тожибуви отин туғилган жой ширмонпазлик, ҳозирги темирчилик маҳалласи (эски каппон, ҳовуз бўйи)да бўлиб, ҳали жуда ёш эканмиз, энам ва онам билан бирга ушбу хонадонга кўп меҳмонга борар, бизни энамнинг жияни Адолат холам ва унинг қизи Рисолат опам ниҳоятда меҳрибонлик билан кутиб олардилар.

Энамнинг тоғаси Тиркашвой бошқа бойлар қатори Чорвоққа қулоқ қилинди. (Бу XIX асрнинг охири, XX аср бошлари бўлса керак) Ҳозир Тиркаш тоғанинг юз ёшдан ошган фарзандлари бор.

Чорбоғ Арслонбобга яқин жой бўлиб, ўзининг хуш ҳавоси, чиройли табиати билан одамларни мафтун қиларди. Энам ва унинг синглиси Бусарабу ҳар йили ёзда тоғасиникига дам олгани боришар экан. Мана шундай саёҳатларнинг бирида Тиркаш тоғаникига етти бўлиш (етти бой) йиғилиб, шаҳарлик меҳмонларнинг шарафига биттадан қўй сўядилар. Ўша вақтнинг, ўша ернинг удумига кўра, кичик сингил Бусарабуга етти бўлишдан бирини куёвликка танлаши керак эди. Ҳамма бойларда уч-тўрттадан хотин бўлганлиги учун Бойқамашда гарчи тўққиз бола бўлса ҳам, битта хотин бўлгани учун Андижонга уй тутиб бериш шарти билан Бусарабу шу кишига узатилади. Бусарабу беш фарзандли бўлади. Орадан бир неча йиллар ўтгач, Бойқамаш почча Андижонда бетоб бўлиб қолади. Буни эшитган тенгқурлари унинг қора отини олиб, йўлга тушадилар. Бир неча шаҳар ва қишлоқларни ортда қолдириб, Андижондаги сойбўйида дам олмоқчи бўладилар. Шу пайт шундай мўъжиза рўй берадики, бойқамашнинг оти ўлади. Бу ҳолатдан ҳанг-манг бўлган дўстларидан бири ҳозир Бойқамиш ҳам вафот этди, тезроқ борайлик, деб отларига қамчи урадилар. Бориб қарасалар ҳақиқатан ҳам юқорида айтилган воқеа юз берган эди.

Мана, муҳтарам ўқувчим, отамнинг холаси, яъни Адолат холамнинг онаси Бусарабунинг ҳаёти билан бир оз бўлса ҳам танишиб олдингиз. Сизга буларни англатишга сабаб, бошқалар қатори мен ҳам авлодимнинг етти пуштини билгим ва буни бошқалар билан бўлишгим келади.

«Болалар ширинликка ўч бўлади» деганлари рост бўлса, мен Адолат холамнинг асалини жуда яхши кўрар

эдим. Чунки, Адолат холамникига юқорида айтганим-дек, Арслонбоб ва Чорбоғдан қариндошлар кўп келар, у томонларда асал ва сариеғ сероб бўлганлиги учун холамникидан бундай таомлар узулмас эди.

Отажонимнинг айтишларича, катта отаси ва онаси мулла Мадамин Охун ва Тўхтажон буви (энам Тожибуви отиннинг ота-онаси) болаларни ўқитадиган мударрис домла экан. Ҳар гал шу хонадонга борганимда, мени қандайдир, ўзим ҳам (бола қалбим) англаб етмайдиган туйғулар чулғаб олар ва бу сархушлик узоқ вақтгача давом этарди.

Биз ҳали жуда мурғак эканмиз, бошқа кўплаб хонадонлар сингари ҳовлимиз ҳам ичкари ва ташқари ҳовлидан иборат бўлиб, ташқарида эркак меҳмонлар кузатилар, сиз ва дадам (амакимни шундай чақирардик)нинг яхши ишда ишлаганингиз учунми ёки бу уйда қут-барака борлигиданми (ҳозир ҳам шундай) бирор нарсага муҳтожлик сезилмасди.

Аммо ҳаёт, турмуш инсонни ҳамиша силаб-сийламас экан. Сиз ва дадам бирин-кетин турли касалликка чалиндингиз. Ҳаётнинг ҳамма заҳматлари кексайиб қолган (ёши тўқсонларга борган эди) энам ва навниҳол онамнинг зиммасига тушди.

Энди ҳаётнинг ўнқир-чўнқир йўлларида қоқилмай кетиш, гоҳ момақалдироқлар гумбурласа, гоҳ чақмоқлар чақса, ҳаммасига метиндек бардош билан чидаш керак бўлди. Энам-ку, ёшини яшаб, улуғ ёшга бориб қолган, аммо бечора онажоним жуда ҳам ёш эдилар. Ҳаётда ота-онани йўқотишдек бахтсизликка учрагани етмасмиди. Тақдирнинг яна қандай жабру жафоси бор эди. Бирдан бир умиди, ушалмаган орзулари Сиздан эди-ку, отажоним!

Ҳовлимизда уч туп марвартак тут бўлиб, ариқ бўйига эса қатор қора толлар экилган эди. Мен учун бу дарахтлардан азиз ва муътабарроқ нарса йўқ. Улар нимаси би-

ландир хотирамдан ўчмас бўлиб жой олган. Ҳа, айтганча, ёдимдан кўтарилай дебди. Бизникидан учта қўшни-никига дарча (эшикча) қўйилган эди. Айниқса, Рамазон кунлари бир-бирларини уйғотар, иложи бўлса, бирга саҳарлик қилишарди. Бу бағрикенгликми ёки хайр-саховатми? Бу меҳр-оқибат деган тушунчанинг олий белгисими? Меҳр-оқибат нақадар улуғланган экан-а!

1958 йил 3 февралда дадам (амаким) мулла Умарали вафот этди. Дадам дафн этилган қабр ёнига энам борди. Ажаб, бу қабрга 20 кунгача ҳеч ким қўйилмади. Онам анча довжурак эканми, қабрга бир дарахтнинг томиридан сув томиб турганлигини анча вақтгача айтиб юрди. Бу не сир? Бу кавсар сувмикан ёки жаннатдан даракми-кан?

Она ва бола 20 кун ичида мангуликка йўл олдилар. Ҳар иккита суюнган тоғидан айрилган ожизгина – сиз отажоним, кўзингиздаги ёшларни сездирмай артганларингиз, юрагингиздан ун чиқармай йиғлаганларингиз ҳамон кўз ўнгимда. Йигирма кун ичида она ва акадан айрилиш, уларнинг мотамини тутиш, марака ва турли маросимларни эл қатори ўтказишнинг ўзи бўлмайди-ку!

Ёдимда. Энам 102 ёшда вафот этганлиги учун унинг қўйлак ва рўмолларини табаррук дея одамлар бўлишиб олдилар. Аммо афсусланарлиси, отинийнинг китоблари сақлаб қолинмади. Уларнинг ўлиmidан кейин отам анча ёлғизланиб қолди.

Орада офтобли кунлару ёмғирли тунлар ўтди. Тарихда ўша турғунли йиллар деб аталган, шу билан бирга сержило ва романтик туйғуларга бой 1960 йиллар келди. Бағрикенглик, назартўқлик, ҳа, ҳа, назартўқлик деяпман. Бу шу йилларга хос туйғулармиди...

Баҳорнинг лойқа сувлари кузнинг тиниқ ва сокин сувларига алмашиб, мен институтни тамомлаб, ҳаётнинг биринчи пиллапоясига қадам қўйганимда, отажоним – Сиз оламдан ўтдингиз. Қанотимнинг бир томони синди,

мен ҳам ярим кўнгил бўлиб, юрак олдириб қўйдим. Бунинг ўрнини ҳеч нарса тўлдиролмайди.

Кемтиклик кунларим бошланди. Бу ярим кўнгилнинг орзу-ҳавасларини, пок туйғуларини ким ҳам рўёбга чиқаради. Мен ва укаларимнинг бўйинимиз қисилгандай бўлиб қолди. Ростини ҳам шундай-да. Бу оламда биздан бошқа ғарибу нотаван йўқдай гўё... Бизнинг баҳору ёзимиз қишнинг қаҳратон совуқлари остида қолиб кетгандай туюла бошлади. Ногаҳонда келган бу совуқ ва музлар сира ҳам эримайдигандай кўнгилнинг бир чеккасини музлатиб, бошимизни ҳам эгди.

Юраклари ғамларга тўлган отам, юраклари армонга тўлган отам. Ёруғ дунёга келиб, қандай ҳузур-ҳаловат кўрдингиз. Отигача гард юқтирмасдан миниб юрган одам бирданига фалакнинг гардиши билан ожиз бир кишига айланиб қолса. Биз – фарзандларингиз кўзингизга нур, қалбингизга шуур бўлдик. Гарчи бўй-бастимизни, ҳусн-жамолимизни кўришдек бахтдан бебахра бўлсангиз-да, буни Сиз ўткир зеҳнингиз, зийрак фаҳм-фаросатингиз билан ҳис қила олардингиз. Ҳассангизни дўқиллатиб кўни-кўшниларникига кирсангиз, улар Сизни малол олмас, аксинча, ҳазил-мутойибаларингиз уларга хуш келарди. Ёш болалардан ўртоқларингиз жуда кўп эди. Айвонимиздаги сўридан дастурхонимиз йиғиштирилмасди. Қўшниларимиз: Хадича хола, Хайринисо, Хажалхон, Пўлатхон, Кимёхон аялар, Шарифхон, Энахон, Ғанижон тоғалар чойини ичар-ичмас бизникига кириб, сўнг ўз ишлари билан машғул бўлардилар. Чунки, бу даргоҳнинг тупроғи хосиятли эди. Сахийлик, хокисорлик бу хонадон соҳиблари учун авлоддан авлодга мерос эди.

Ҳа, дарвоқе, Турғунбуви деган аямиз маҳалланинг оёқ-қўли бўлиб, тўйга ва бошқа маросимларга айтиш, тўй эгаларининг ҳожатини чиқариш бу аёл учун масъулиятли юмушлардан эди. Ана шундай ҳалол меҳнати билан ризқ-рўз топиб, фарзандларини қаторга қўшди.

Отажоним йўқсиз энди,
Излаб-излаб қайга борай?
Кўзларимда ёшлар тўлди,
Бу аламни кимга ёрай?

Қанотимнинг бир томони,
Синиб кўнглим вайрон қилди.
Ҳаётимнинг йўқ омони,
Ҳижронларга бардош қилди.

Наҳот унут бўлиб кетса,
У қадрдон ёруғ кунлар.
Вой оҳ десам, оҳ ўрнига,
Чиқар кўксимдан тутунлар.

Оҳларимни тунлар ютса,
Гул баргида соғинчларим.
Дарёларда оқиб кетса,
Ярим кўнгил ўкинчларим.

Шамолларнинг қанотида,
Учиб борсам топарманми.
Фано даштин работида,
Мен беҳабар ўтарманми?

Тунлар билан тилаб-тилаб,
Сизни кўриб тонглар отса.
Кўрганнинг чин – бу отанг деб,
Вужудимда балқиб кетса.

Ана гуллар, чечаклар юз очмоқда. Япроқлари шабнамдан таранг. Япроқдаги биллур томчилар менинг кўз ёшларимдир.

Жийда гули, олма гулини яхши кўрардингиз. Унинг ифори дил ойнангизни мусаффо этарди. Бу баҳорий туйғулар, баҳорий кечинмалар ҳамиша қалбингизга туғён

соларди. Бу туғёнлар, бу ботиний кечинмалар бизнинг қалбимизга меҳр-шафқат, инсоф, инсоний муҳаббат бўлиб ўтган бўлса ажаб эмас. Ўша ёз кунларидан ўргилай. Унинг ажиб лаҳзалари Сизни эслашдек буюк бир савобли ишга туртки бўлди.

29.05.1997 йил

ИККИ ҚАЛБ САОДАТИ

Достон

*Энг гуллаган ёшлик чоғимда,
Сен очилдинг кўнгил боғимда.
Шунда кўрди кўзим баҳорни,
Шунда қалбим таниди ёрни.*

Ҳамид Олимжон

Достон ёзгин дебон қалбим ундайди,
Тайёр эмассан, деб ақл кўнмайди.
Бу борада бордир бироз андиша,
Устоз ёди мен-ла, бирга ҳамиша.

Ахир адабиёт жоним роҳати,
Усиз сўнар дилда бор ҳаловатим.
Озорларга тўлса гоҳида жоним,
Зирқирар вужудим, йўқдир омоним.

Куйласам, созимни чертса шамоллар,
Юксакларга парвоз қилса хаёллар.
Баҳор насимини келтирса сабо,
Лолалар рақсига айтайин ялло.

Ўрик гулларини этиб пойандоз,
Шоира шеъридан олайн андоз.
Ҳар баҳор сўроқлаб келса устозни,
Кўриб қувонгайдир элда эъзозни.

Баҳор гулларига айтиб розимни,
Гунчалар бағридан топдим ёзимни.
Бинафша бўйига мафтун бўлганим,
Хокисор гулимни алқаб тўлганим.

Тошкент кўчалари – виқорли кўча,
Мошиналар виз-виз кўп ойдин кеча.
Шошилади инсон, ҳамиша шошқин,
Барида бир дунё орзулар тошқин.

Тошкентда шоиру адиб ва замон,
Бир-бирига уйқаш яшайди ҳар он.
Ақл-заковати оламча бордир,
Оламча туганмас тафаккур ёрдир.

Мудом кўҳна Шошнинг ҳавоси ўзга,
Сирларимни сочдим мен дала-тўзга.
Далалар бағрида ҳайқиргим келар,
Намхуш шаббодалар бағримни тилар.

Севгининг розини куйлар мажнунтол,
Ошиқ юракларнинг умиди – висол.
Ғамгин соясини солмаса ҳижрон,
Ошиқлар юраги бўлмасди гирён.

Муниса Зулфия, Ҳамид Олимжон,
Танишдилар, не тонг, кулганда замон.
Икки қалбга гўзал саодат ёрдир,
Икки қалбда гўзал орзулар бисёр.

Тонг билан ошно бўлди шоира,
Тонгги гўзалликка тўлди шоира.
Қалбида чечаклар гуллади чунон,
Бир ажиб туйғулар қилар ғалаён.

Баҳор ҳавосидай сўлим беором,
Кўм-кўк далалари қилар эди ром.
Бинафша атридан маст эди кўнгил,
Дилбар наволарни куйлар эди дил.

Шеър ишқи, ёр ишқи кўнгилга тушди,
Олам гўзаллиги қалбга туташди.
Достонларга тенгсиз муҳаббати бор,
Вафо ва садоқат қалбида бисёр.

Гўзал туйғуларнинг бўлди асири,
Келди муҳаббатнинг сирли шивири.
Гуллар ифор сочди юрар йўлига,
Илоҳ қалам тутди унинг қўлига.

Қаламдан тўкилди ёрқин туйғулар,
Бир туйғуки, ундан гўзаллик унар.
Ғунчадай қалбида йўқолди ором,
Вафо фариштаси тутган эди жом.

«Сенга мафтун бўлиб севиб қолганим,
Ишқинг оловида ўртанганим рост.
Сенинг ёдинг билан нафас олганим,
Номинг такрорлашга ўрганганим рост».

Гўзал хулқи бирла гўзал сийрати,
Гўзал фаришталар чизди суратин.
Муҳаббат гулидан солиб пойандоз,
Севилди, севгани ҳам қилди эъзоз.

Денгиз тўлқинидай мавжланар юрак,
Туйғулар мусаффо, армонсиз тилак.
Севгани шоирдир, соҳиб истеъдод,
Абад кўнгил уйин айлағай обод.

Муҳаббат боғида яйради дилсоз,
Ҳар ғунча юз очди бўлиб сарафроз.
Яралди шеърият симфонияси,
Гуллади умрнинг ҳар сонияси.

Шоирни кўрди-ю бир ҳис уйғонди,
Юракда қандайдир ўйлар тўлғанди.
Осуда кунлари қайларда қолди,
Орзу тўлқинлари ичра йўқолди.

Кўрмаса кўришни истайди кўнгил,
Кўрса ҳаё бирла сўзлайди бу дил.
Шоир ишқи бирла ёнган кечалар,
Олов тўлқинида қолган кечалар.

Дафтарга тўкилди ажиб мисралар,
Марварид кўксида унган нуқралар.
Гуллаган чоғида учрашди улар,
Бир-бирин боғлади ширин туйғулар.

Қушлар ҳам алқади улар севгисин,
Булбул нағма қилди, тилаб гул исин.
Шоир совға этди шеърий гулдаста,
Ер, само ҳайратда, ҳамма ҳавасда.

Ана шундай севди, севилди алҳол,
Бунинг таърифига тил бўлади лол.
Умр риштасини боғлади бир-бир,
Чинакам бахт билан кулганда тақдир.

Ишқ сеҳри қоплади буткул вужудни,
На вужудким, балки билмас ҳудудни.
Дилга ором берар, сайратар тилни,
Оромижон туйғу яйратар дилни.

Бинафшани жондан севганмиш жуда,
Яйраб кетар эмиш гулласа жийда.
Ифорлар таралса фасли баҳорда,
Ғунчалар нозланса бир-бир гулзорда.

Гуллар хаёланиб боқса юзига,
Ой нур сочар тунда босган изига.
Қофия, вазн ҳам тушди йўлига,
Мафтун бўлиб боқди олча гулига.

Севги суруридан маст бўлди кўнгил,
Ошиқ бўлмаса гар тутармиди гул.
Ҳатто олча гули берарди илҳом,
Муҳаббат дунёси тутган эди жом.

Муҳаббат, муҳаббат, ширин муҳаббат,
Бир шарафли кунда топдим мен абад.
Баҳор боғларида кезганим замон,
Янгидан дилимга қайтасан омон.

Зулфияни кўрди Ҳамид Олимжон,
Ишқнинг оташидан йўқ жонга омон.
Шалолалар тошди, ғунча гул очди,
Бахтни куйлаш учун илҳоми тошди.

Севди-ю севилди, баҳор файз берди,
Йигитлик қувончи ҳеч сиғмас эрди.
Саодатли толе тақдир ёзиғи,
Муҳаббат гулшанин ўчмас чизиғи.

Илк бора учрашган куни мунаввар,
Кун эрди чарақлаб бошида аҳмар.
Тунлари тонг бўлди, тонги чароғон,
Ҳар ёғи ободдир, эли фаровон.

Ижод гулшанидан териб гулларни,
Зулфияга тутди нуқра дурларни.
Севги суруридан шод эди диллар,
Ёрқин лаҳзаларда ўтса умрлар.

Ўттизинчи йиллар, суронли йиллар,
Яратиш ишқида яшарди диллар.
Бир ёнда олиму бир ёнда шоир,
Куйлар эди тошқин дарёга доир.

Баҳор офтоби-ла яйраган кўнгил,
Шалоладек тошиб сайраган кўнгил.
Кўм-кўк водийларнинг ҳаволаридан,
Илҳом олди шоир наволаридан.

Жилғалар дарёга айланса агар,
Дилга қудрат солса, ҳар сўзки гавҳар.
Бир нур ҳосил бўлса фалак қўйнида,
Дилларга йўл солса нур ўйинида.²

Зам-зама қилади шоир юраги,
Ҳайқирар қалдироқ каби тилаги.
Чақалоқ каби туғилар илҳоми,
Дардли лаҳзаларсиз ўтмайди они.

Самимий туйғулар чарх урар дилда,
Нафис тонг куйлари акс этар шеърда.
Баҳорий кайфият, баҳорий қудрат,
Дилни яшнатувчи баҳорий талъат.

Тонгнинг насимидай шеърлар яралди,
Оқшом ёлқинидай нурлар таралди.
Бахтлар водийсидан у олди илҳом,
Бахтни куйламоқни айлар эди ком.

Асалари бол тўплар гулзори аро,
Гуллар атир сочар ажиб, дилрабо.
Шоир асар ёзар ҳаёт қўйнида,
Тунлари бедордир ишқнинг қўйида.

Тақдир туташтирди икки шоирни,
Юракда балқиган икки шивирни.
Ер, само қутлади улар ҳаётин,
Зарҳал харф бирла ёздилар отин.

Тўй бўлди ҳашамсиз, содда, беғубор,
Ҳамма ёқ чароғон, бўлди чаманзор.
Ҳавас бирла боқди дўстларнинг бари,
Келин шу ўлканинг гўзал дилбари.

Ўн беш кунлик ойдай ёнди келинчак,
Беғубор кўксида балқиди чечак.
Яшнади чаманзор, яшнади кўнгил,
Гуллар ифорида ором олди дил.

Тўнғич қизларини Хулкар атади,
Гўзалин, қувончин уқпар атади.
Сурайё юлдуздек бўлсин мунаввар,
Деди-да, топди-я, дур ичра гавҳар.

Икки фарзандидир дунё жаҳони,
Туғилди элининг омон – Омони.
Қувончи сиғмасдан дарёдек тошди.
Бундаин хушxabар доvonлар ошди.

Қайга борса ёрнинг хаёли бирга,
Яшади шоир қалби бир умрга.
Уйин фариштаси ёри кўзида,
Йўқса ҳаловатни топмас ўзида.

Соғинчи дарёдек тошганда агар,
Еллардан сўроқлаб Ойга ёлворар.
Сатрлари бир-бир дафтарга тушар,
Олам гулларидан пойандоз тўшар.


«Хаёлимда бўлдинг узун кун,
Сени излаб қирғоққа бордим.
Оч тўлқинлар пишқирган тунда,
Топиб бер, деб Ойга ёлвордим».³

Гўзал ўтар эди осуда кунлар,
Бахтдан сўзлагувчи сармаст кўнгиллар.
Шеъроят иккисин жон ичида жон,
Борин фидо этар Ҳамид Олимжон.

Навой созини мумтоз айлади,
Пушкин даҳосини эъзоз айлади.
Бальзакдан⁴ кам эмас шоир ижоди,
Ғазал дostonлари жаҳон гултожи.

Шундай ардоқлади шоир номини,
Эл аро кўтарди унинг шонини.
Беш юз йиллик тўйига бош-қош бўлди,
Назм жарангига тоғу тош тўлди.

Дўст эди Ойбегу Ғафур Ғуломлар,
Миртемир, Шайхзода эл севган номлар.
Халқ дostonларидан олди кўп сурур,
Алпомиш келбатли пок вужуд эрур.



Фарғона водийси зўр илҳом берди,
Бахмал водийлардан ғазаллар терди.
Баҳор офтобидек юрт ҳарорати,
Боғларга ярашар гул таровати.

Севимли эртаги «Ойгул билан Бахтиёр»,
Шеърга муҳаббатин уйғотди илк бор.
«Семурғ» эртагини куйлади тошиб,
Қалбига илоҳий ўтлар туташиб.

Яралди «Муқанна» зўр илҳом ила,
Элига тинчлик ва саодат тилаб.
Юртин осмонини чароғон этган,
Муқаннаси бор эл муродга етган.

«Муқанна» драмасин севиб ўқидим,
Ўзимча бир жаҳон эртак тўқидим.
Эртаклар олами мафтун айлади,
Жон элим мени ҳам шоир сайлади.

Тил билган эл билар дегани ростдир,
Бу қадим пур маъно бизларга хосдир.
Таржима асари зўр бойлик бўлди,
Ижодин гултожи чиройли бўлди.

Ўғлининг бахтидан масрурдир она,
Туф-туф кўз тегмасин асло бегона.
Келини шоиралар маликасидир,
Муштипар онанинг бир эркасидир.

Уруш синов бўлди миллатлар аро,
Жанговар руҳ кезди қалбларда аро.
Қардош ёзувчилар қўним топдилар,
Ватан тупроғини аста ўпдилар.

Ғалаба бонгига фурсат қолганди,
Бемаҳал бу ўлим чангал солганди.
Шоир кўролмади ғалаба кунин,
Шоира ёнди-я, мисоли жунун.

Қора булут келди ҳаддан зиёда,
Бундай ўлим бўлмас ҳеч бир дунёда.
Кўнгиллар вайрондир, самовот ҳайрон,
Ёғди-я, ёмғир ҳам бўлди-да, гирён.

Олмосдай ғубордан холи яшади,
Жилғалар кўшилса дарё тошади.
Меҳнат ва риёзат ошноси бўлди,
Китоб, дафтарлари ашёси бўлди.

Еру кўк йиғлади, йиғлади она,
Навбатсиз кетиши армон ягона.
«Жондан-да, азизим, вой жоним болам,
Ғамларга ўралди энди бу нолам.

Шоирлигингни айтиб йиғлаймикин,
Фарёд билан бағримни тиглаймикин.
Фарзандинг сўроқлаб отам деганда,
Нима дей, бўғзимга ёшлар келганда?

Навниҳол келиним сени сўроқлаб,
Ҳижрон дафтарини қолса варақлаб.
Очилмай қолмасми ўрик гуллари,
Еллар эсармикан баҳор кунлари.

Оқшом юлдузларда кўраман болам,
Бемаҳал юракдан узилган толам.
Порлайсан милтиллаб жуда олисда,
Бу жоним бўлганди сенга пайваста.

Ойдан тўкилган у шуъладай ёрқин,
Ашъорларингни-да, қилурлар талқин.
Мен учун, эл учун ўлмайсан болам,
Жигардан яралган сен жигарпорам».

Комила онага ҳамдарду ҳамроз,
Яшади келин ҳам қилди кўп эъзоз.
Ғам соя солганда суянган тоғи,
Йиқилмас қўрғони аламли чоғи.

Қайнона – келинга тақдир синови,
Бевақт келди-я, кўпмиди ёви?
Она йиғлай-йиғлай фарёд айлади;
Кўз ёшини дарё томон бойлади.

Шум хабар келтирдинг қарғайман сени,
Ўлим жудо этдинг жонимдан мени.
Хинали қўлларин букиб бечора,
Яширмоққа жойни топмай овора.

Шоира сочлари оппоқ оқарди,
Бир вақтлар гулдан чамбар тақарди.
Севганини жонсиз ҳолатда кўрди,
Вужудига бирдан ўтлар югурди.

Алам ва ғуссага тўлди юраги,
Наҳот завол топса унинг тилаги.
Йўқ, йўқ, йўқ, шоири барҳаёт доим,
Уни бунга ўзи берган Худойим.

Ёзилмай ашъори кўксида кетди,
Борса қайтмайдиган манзилга етди.
Не сабаб бундаин ўлимга кўнди,
Наҳот лириканинг ёлқини тинди.

Баҳор боғларида еллар паришон,
– Шоирим қайда, – деб сўроқлар ҳамон.
Гуллар юз очишга ийманар балки,
Уни ёдга олар ҳар севган дилки.

Унинг ёди билан яшайди энди,
Нуқра-нуқра ёши кўзига тўлди.
Икки илҳом бирга ижод этади,
Довруғи замонлар оша етади.

«Ҳаёт варақлари» – илк китобидир,
Қалбидан ундирган моҳитобидир.
Атак-чечак босган қадами қутлуғ.
Келди-я, зеро, бу юртимдир туғлуғ.

Оламга сиғмасди она қувончи,
Қизи шоирадир, унинг юпанчи.
Кўз ёшини сездирмай Хадича хола,
Қалбида пинҳона айлади нола.

Менинг қизим шоира бўлибди, дўстлар,
Ўн беш кунлик ойдек тўлибди, дўстлар.
Туққан эдим фасли келганда баҳор,
Сочин бир толига етмасин озор.

Кўзим қароғида асрайман уни,
Гўзалим, нозлигим, кўзимнинг нури.
Хазонсиз боғимда ўсган ниҳолим,
Ойдин тонгларимда унган иқболим.

Энди ушалармиш она армони,
Қизиди кўрди-да, Аллоҳ фармонин.
Отадай меҳнаткаш фарзанд бўлади,
Элу юрти суйган дилбанд бўлади.

Янги ҳаёт сари у дадил юриб,
 Акалар изидан мардона туриб.
 Илмга боғлади зўр учқур қанот,
 Олқишлаб кузатди бутун коинот.

Қонида жасорат намоён бўлди,
 Ватаннинг осмони чароғон бўлди.
 Она етолмаган бахт осмонида,
 Порлади юлдузлар жисм-жонида.

Муаллимлик ишқи йўлин ёритди,
 Мамлакатда нурли-нурли тонг отди.
 Сержилва саодат, бахтиёр турмуш,
 Ёр бўлди, ўлкада қайнар эди иш.

Паранжи-чачвонлар унга бегона,
 Мазлума аталмас орзу ягона.
 Жафолар қурбони бўлган оналар,
 Бахти ҳам бундадир, қилмас нолалар.

Юксак парвоз билан ўқиб, ўрганиб,
 Туйғулар ичида чиқди тўлғаниб.
 Келажак бизники, бизники иқбол,
 Қизларнинг бошига қўнибди ҳилол.

Кўкда порлаб турар ул моҳи анвар,
 Биз юрган йўллардан унади анбар.
 Меҳнат билан толе ярата олган,
 Дунёни ўзига қарата олган.

Асли қадим халқнинг фарзандидирмиз,
 Элга садоқатли дилбандидирмиз.
 Ойдин йўл чорлайди бизни доимо,
 Бахтимиз бизники, эмасдир рўё.

Шоира кундан-кун камол топди-да,
Ойнадай ярқироқ аъмол топди-да.
Шеърлари жаҳонни ларзага солди,
Дунё минбариди жаранги қолди.

«Саодат» журнали – аёл кўзгуси,
Энди аёл ҳар бир недан ўзгуси.
Аёл шон-шухрати ётади бунда,
Қисмати битилган ёп-ёруғ кунда.

Журналга муҳаррир бўлди шоира,
Эзгу туйғуларга тўлди шоира.
Аёл дарду ўйи юрт тўлғоғидир,
Уларнинг барчаси бир аймоғидир.

Журнал саҳифаси тонгнинг нуридай,
Ярақлар юракда онг-шууридай.
Қизлар латофати ақлинг олади,
Ибоси дилингга поклик солади.

Журналда акс этар гулларнинг ранги,
Аллоҳ қалам тутган қизлар жаранги.
Бири ҳурлиқо, гўзал, ажабо,
Тонгнинг насимидай санам дилрабо.

Тошкент кўчасига ярашган қомат,
Ўзи ҳур, кийими содда бағоят.
Ҳамиша кўнглида эзгу тилаги,
Гоҳ тўлиб, мавжланиб урар юраги.

Сарв бўй, кулдиргич ярашган чунон,
Шоира қизлари интизор ҳар он.
Аста сабо елар Ой келар гўё,
Жисмида ярқираб барқ урар ҳаё.

Файз кирар хонага, қизлар эса шод,
Неча кўнгил мулкин айлади обод.
Етима қизларнинг бошини силаб,
Устоз меҳри билан кўяр эркалаб.

Ойдиной⁵ севимли шогирди бўлди,
Боғлари муаттар ифорга тўлди.
Бир-бирин юз очди гуллар бетакрор,
Еллар насимини келтирар хумор.

Бу гуллар қалбидан тўкилгай ашъор,
Қалами сеҳридан гуллайди баҳор.
Ҳар ғунча юз очар боғлар қўйнида,
Боғларнинг безавол нур ўйинида.

Ғафур ал-Ғуломдан Олмос опамиз,
Насридан бизлар ҳам баҳра топамиз.
«Аммам» дея алқар устоз номини,
Унинг бирла кечган тонгу шомини⁶.

Шогирдлик туйғуси Қутлибекада,
Ҳар недан азиздир, юки елкада.
Муҳтарам чамани юз очди илк бор,
Чаманлар бағрида яшнади ашъор.⁷

Шоира, адиба қизлар жам бўлиб,
«Саодат» боғида чиройга тўлиб.
Устози бағрини гуллатди чунон,
Қайси элда устоз бундай меҳрибон.

Анвойи жаҳонни кўрди шоира,
Бир дoston яралди зўр «мушоира».
Тинчлик ва муҳаббат қилди тантана,
Ер юзи шоири қилар анъана.

Нафис оромижон куй келар дилга,
Ажаб мафтун бўлдим ҳинддайн элга.
Санъат, маҳоратдан сўйлайди ҳар дил,
Бир шеърий чаманга муштоқдир кўнгил.

Даврани эгаллар Ҳинд, Непал, Вьетнам,
Хитой, Тожик, Бенгал, ўқийди Рус ҳам.
Бир қўшиқ жаранглар ёрқин, мусаффо,
Севги каби майин эсарди сабо.

Шеърият байрами – нақ олтин мерос,
Қўшиғи жаранглар шарқликларга хос.
Озодлик ва тинчлик қўшиғин куйлаб,
Яшасин ҳар бир халқ кенг жаҳон бўйлаб.

Бухорога сафар қилган чоғида,
Табассум ялт этди ол ёноғида.
Зарифахонимга⁸ бўлди-да, йўлдош,
Олима ва шоира икки қаламқош.

Ойбек қаламидан тўкилди дурлар,
Келажакка сочган энг ёрқин нурлар.
Йўллари нурлидир, чинаккам нурли,
Романига сингган туйғу сурурли.

Сафар таассуроти берди бир дoston,
«Қуёшли қалам»ни ўқийман шодон.
Адабиёт юксал, доvonлардан ош,
Гурилла, ҳайқиргин толеинг Қуёш.

Нодира, Увайсий бўлдилар устоз,
Маҳзуна, Саида чамани кўп соз.⁹
Ойдин, Музаяна ижодин эъзоз,
Айлади шоира, бўлдилар мумтоз.¹⁰

Шеърят қалб мулки, ҳеч сотилмайди,
Тилла, ёқут сарфласанг ҳам топилмайди.
Жонлардан яралар мисоли дилбанд,
Унинг ҳар бандига у бўлди пайванд.

Аллоҳ инъом этган илоҳий неъмат,
Замирида меҳнат ҳамда риёзат.
Руҳинг ҳаволарда учаверади,
Гўзаллик тимсолин қучаверади.

Достон, таржималар марварид шода,
Мисоли тизилди гул очар боғда.
Барг ёзди, гуллади, ифори хушбўй,
Шеърдай насимдир ўзлари хушрўй.

Умр лаҳзалари бир-бир терилиб,
«Хотира синиғи»н ёзди берилиб.
Тонг билан ўртоқдир шоир ҳамиша,
Шеърлари яшайди замонлар оша.

Замон силсиласи шоир дилида,
Гоҳ ноҳақ забунлик кўрди элида.
Ватанин сотганлар, ор йўқотганлар,
Кўзида ёш эмас тупроқ қотганлар.

Тошкент кўчасида кезди паришон,
Ўғлин қисматиға бўлиб зор-нолон.
Хадича¹¹ она чин фарёд айлади,
Бу золим қисматдан минг дод айлади.

Шоира сўзлади ака қисматин,
Ёлғон айблову ҳам хусуматин.
Тош шаҳар қамоғин исканжасида,
Бўғизлашга тайёр ҳар панжасида.

Норғул йигитларга қазидилар гўр,
Мағрур турдилар-а, кетсаларда гўр.
Жон бағшиш қилдилар Ватанин дебон,
Оловнинг қаърида ёнса-да, забон.

Хурриятдан мадад олди шоира,
Гоҳида сукутдан толди шоира.
Хотира қатини титкилаб бир-бир,
Деди: «Меҳр билан ўқисин ҳар дил».

Ҳижрон кўчасида мардона турди,
Саксон йил бу дардни кўтариб юрди.
Доим божли деди ўзин Ватанга,
Йўқса ором йўқдир жисм ила танга.

Мудом ташна ўтди нуру зиёга,
Аста юзин тутди Каъбатиллоҳга.
Ёп-ёруғ юз билан ўтди оламдан,
Ер, само титради менинг ноламдан.

Шоирлик қисмати битмиш исмингда,
Яхши хулқ-атворинг гўзал жисмингда.
Бинафша бўйидан шуқуҳ олганинг,
Шеърият мулкида мангу қолганинг.

Ғурур ифтихор-ла кирдим боғингга,
Меҳр-ла боқдим мен ҳар бутоғингга.
Чаман-чаман гуллар ақлимни олур,
Хушбўй ифорлари зўр ғайрат солур.

Дунё шоирларин минбари узра,
Ўзбек шоирасин сўзи жаранглаб.
Вафо ва тинчликни тараннум этди,
Тонг юлдузидай у чарақлаб кетди.

Сўнмас шеърятнинг икки чироғи,
Вафодан яралган муҳаббат боғи.
Гулзори хазонсиз яшнар ҳамиша,
Яшагай номлари давронлар оша.

Севги маъбудаси – гўзал шоирам,
Гўзаллик тимсоли эдингиз бирам.
Тонгги шуъла каби чарақлаб турар,
Вафо фариштаси оламни безар.

Гўзал умр берди Аллоҳим сизга,
Ҳар жумла-сатрингиз сайқалдир сўзга.
Бу ташна дилларга илҳом соласиз,
Ўзбекнинг Зулфияси бўлиб қоласиз!

1.02.2012 – 7.09.2012

ИЗОҲЛАР

1. Шоиранинг шеъри.
2. Курсдошим Ҳакимжон Юсуповнинг шеърий сатри.
3. Ҳамид Олимжон сўзи.
4. Инглиз ёзувчиси.
5. Ойдин Ҳожиева – Ўзбекистон халқ шоираси.
6. Ғафур Ғулумнинг қизи.
7. Қутлибека ва Муҳтарама – шоиралар.
8. Ойбекнинг рафиқаси – олима.
9. Саида Зуннунова – шоира ва адиба.
10. Ёзувчи Ойдин Собирова ҳамда шоира ва олима Музаяна Алавия.
11. Шоиранинг онаси – Хадича хола.

ИҚБОЛ

Декабрнинг охирлари. Қиш ўз ҳукмини ўтказмоқда. Ям-яшил либосларини тарк этган дов-дарахтлар бир мунча сокин ва мунғайган. Йўл четларидаги тилла ранг барглар тупроққа бутун вужуди билан ёпишган. Уларни кимлардир сезиб-сезмасдан босиб ўтиб, ўз йўлида давом этар, кимлардир уларга ачинганнамо қараб қоларди.

Катта асфальт йўлдан эса мошиналар оқими узилмас, бир-бирларини қувиб ўтар, ҳамма ўз юмушларига шошилар эди.

Шундай кунларнинг бирида ўқувчим Ҳамидахонни йўқлаб, вилоят прокуратураси томон йўл олдим.

Бино олд қисмида асфальтни чегириб, икки-уч ерга дарахт экилган ва бу дарахт атрофларини кўм-кўк майсалар қоплаган эди. Ажабо, қишнинг қоқ чилласида майсалар ҳануз яшил либосини тарк этмаган. Бутун вужудини қиров қоплаган. Бу яшил оламга қараб туриб, алла нечук хаёллар билан прокуратура зиналарига қадам босар эканман, унинг қора ойнаванд эшиклари бироз кўнглимга ғашлик солди. «Ассалому алайкум, менга Ҳамидахон Мадаминова керак эди», дейман навбатчи милиционерларга. «Ваалейкум ассалом, нима иш билан келувдингиз?» «Ўқитувчиси бўламан». Дарҳол телефон рақамларини териб, рухсат олди шекилли, ҳалиги милиция ходими мени Ҳамидахоннинг хонаси томон бошлаб борди. Хонага кириб борар эканман, ўша мактаб ёшидаги беғуборлик ҳамон юзлари ва кўзларида сақланиб қолган, бўй-басти хўп ярашган аёл кутиб олди.

«Ассалому алайкум, опажон! Хуш келибсиз!» дея стулни тўғрилаб, жой кўрсатди. Эсон-тугалликдан сўнг бу ерга келиш мақсадимни айтдим ва ўзаро мулоқот асносида хонани кўздан кечирдим. Саранжон-саришта. Иш столида турли қоғозлар... Булар инсонлар тақдири десам хато бўлмаса керак. Мўъжазгина китоб жавонида

давлатимиз қонунлари. Уларнинг ёнидан менинг «Қалб нидолари» шеърий тўпламим жой олган. Бу фахрланиш туйғусимикан. Ажабо!

«Опажон! – Хаёлимни бўлди. – Сизлар бизга тўғри йўл кўрсатган экансизлар. Болалик ва ёшликни сизлар берган экансизлар. Нега дейсизми? Болалик ва ёшликнинг ўрнини ҳеч нарса билан алишиб бўлмас экан. Баъзан ишдан чарчаган пайтларимда сизнинг китобларингизга кўз югуртираман ва олис болалигим кўз олдимга келади. Юрагим энтикиб кетади. Бир қаватдан иборат мактабимиз биноти, унинг иссиқ бағри, ўқитувчиларимизнинг хушсуратлари, уларнинг ҳалоллиги ва поклиги гавдаланади. Биология фани ўқитувчиларимиз Искандарова Азиза опа, Мамажонов Муталлибжон ва Боротхўжаев Ҳабибулло акалар билан мактабнинг кичкина саҳнини чопиб, гуллар эканимиз, азим чинорлар қаторида бир тупгина ўрикнинг чамандай очилиши кўнгил кошонасига нур олиб кириб, ўша нур билан бизни ҳамини ҳимоя қилиб юрар экансизлар».

Ҳамидахон гапиряпти-ю, юрагимнинг туб-тубида мангу муҳрланиб қолган гўргина ёшлигим, мактабдаги дастлаб иш фаолиятим, китоб, дафтарини тўлиқ олиб келмаган ўқувчиларимни ўз ҳолига қўймаганим сингари хотиралар ёдимга тушмоқда.

Дарвоқе, азиз ўқувчим! Ҳамидахоннинг ким бўлиб ва қандай лавозимда ишлашини айтмадим чоғи. Ҳамидахон Мадаминаова вилоят прокуратураси судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими прокурори.

Осон иш эмас. Суд зали. Ҳамма ёқ сув сепгандай сокин. Бир томонда жабрланувчининг тақдири бўлса, иккинчи ёқда жиноятчи ва унинг орқасидаги ота-она, бегуноҳ гўдаклар... Ҳамидахон бундай ҳолатлар билан жуда кўп тўқнаш келади. Унинг сабрига, бардошига ва адолатига балли, дегим келади. Сабаби ўзингизга аён.

Одатда юқори синф ўқитувчилари ўқувчиларни 5-6-синфдан, яъни уларда ички ҳиссиётларнинг анча шаклланган пайтидан бошлаб ўқитардилар. Барибир улар бола... Турли фанлар оламига кириб борар экан, адабиёт фанининг, хусусан, бадий адабиётнинг таъсири улар дунёқарашининг шаклланишида ижобий таъсир кўрсатади. Севги олами, романтик туйғулар ёш қалбларни гуллар тўла чаманзорга етаклайди. Шу ўринда севиб ўқиганим атоқли адибимиз Пиримкул Қодировнинг «Уч илдиз» романидаги Очил ва Замира, Гавҳар ва Маҳкамларнинг муҳаббатлари ўқувчиларимнинг севиб бўстонларини яшнатганини ҳис қилиб, қувонаман. Бу сўзлар Янги йил, янги аср арафасида ёзилапти. Аллоҳга беадад шукур. Етказганига шукр. Бир неча соатлардан кейин яхшилик ва эзгулик тўла янги йил ва Янги аср кириб келади. Ҳадемай янги асрнинг мунаввар тонги отади. Истиқлолимиз янги асрга эш бўлган ҳолда узоқ йиллар яшайди. Зеро, бу халқимизнинг асрлар давомида қилган орзусидир. Зотан, юртбошимиз Янги йилни «Оналар ва болалар йили», деб бежиз номламадилар.

Азал-азалдан бизда аёллар севиб ва муҳаббат ардоғида яшаб келганлар. Ҳамидахон ҳам ана шундай истиқболи порлоқ аёллардан бири. Аллоҳ унга ёрқин иқбол ато этган.

Ҳар бир синфда ўттиз-қирқта бола ўқирди. «Ҳамид Олимжоннинг «Ўзбекистон» шеърини ёд олдингизми?» – деб сўрайман: мўйлови энди сабза ура бошлаган, бўлари узунгина, сочлари силлиқ таралган ўқувчим бурнини тортиброқ шеърни ифодали ўқийди.

*Водийларни яёв кезганда,
Бир ажиб ҳис бор эди манда.
Чанпар уриб гуллаган боғин,
Ўпар эдим Ватан тупроғин.*

Шеърнинг оҳанги, Ватан туйғусининг нозик иборалар билан тиниқ манзаралар билан ифодаланиши ўқувчи-

лар қалбида беғубор ҳиссиётларни уйғота олгани учунми, шеърни ҳаммаси ёд олган эди.

Айниқса, Ҳамидахоннинг жарангли ва ширали овози синфни сел қилиб юборди.

*Чиройлидир гўё ёш келин,
Икки дарё ювар кокилин.
Қорли тоғлар турар бошида,
Гул водийлар яшнар қошида.*

Унинг жарангдор овозидан ўзим ҳам завққа тўламан.

Эҳе, орадан чорак асрдан ортиқ вақт ўтибди. Мактабнинг қий-чувга тўла заллари, ўқитувчиларнинг баъзан синфдан ҳориб чиқишлари хаёл оғушига янада яқинроқ етаклади.

Хаёл борган сари ўз измига бўйсундириб, қаерда ўтирганимни ҳам унутаёздим.

Юқорида таърифлаганим, севимли шоиримиз Ҳамид Олимжоннинг «Ўзбекистон» шеъри асосида эркин мавзудаги иншони (шпаргалкаси) ёзганини Ҳамидахон тўлқинланиб гапирар экан: «Опажон, сиз иншо ёзганда кўпроқ шеърлардан мисоллар келтириб ёзинглар», дер эдингиз. Ҳамда тилимизнинг софлиги учун қайғурар эдингиз. Мен буларни ўз ҳаётимда, Тошкент Давлат университетининг юридик куллиётига ўқишга кираётганимда ҳис қилганман. Иншо мавзусини шунақа илҳом билан ёздимки, ўзим ҳам қувоним кетдим. Бошқа фанлардан оғзаки имтиҳонларда домлаларнинг ҳавасларини келтирганман. Бу ҳам Аллоҳ томонидан берилган истеъдод, иқтидор, сиз заҳматкаш муаллимларимдан олган илмимдан бўлса керак. Шундай қилиб, онам Санобархон ва дадам Садриддинбекларнинг орзулари ушалди. Оилада тўққиз фарзанд бўлсак, беш нафари адлия ходими. Кўриб турганингиздек, бундай юксак мартаба ва халқ ишончига сазоворлик сизларнинг болалиқдан сингдира олган ўғитларингиз, билимларингиз меваси эмасми...

Бугун кимнингдир юкини енгиллатган, адолат юзасидан иш олиб борган ёки кимнидир ноҳақликдан қутқариб қолган бўлсам, ўзимни гоёт енгил сезаман ва уйга бахтиёр ҳолда кириб бораман. Аксинча, одамларнинг тақдири ўйлантирса, менинг энг яқин маслаҳатгўйим онам Санобархон ва умр йўлдошим Тўрабак ака бўладилар. Онам ҳар гапида: «Болам, бу дунёга ҳеч ким устун бўлмайди. Ҳеч нарса олиб кетмайди. Савобли иш ва яхшилик сенга жаннат эшикларини очади», деб таъкидлайдилар.

Йўлдошбой ака менинг иш устозим. Ўзлари жуда камтар. Бу ерга келганимга 17 йил бўлган бўлса, ишимизнинг жуда нозик қирраларини ҳамон шу кишидан сўрайман, ўрганаман. Билим олишдан, ҳаёт мактабини ўрганишдан орланмоқлик, менимча, беҳуда кеккайишлик билан баробар».

Шу он Ҳамидахон андак лирик чекиниш қилиб, устоз Зулфияхонимнинг «Ўғлим, сира бўлмайди уруш» деб номланган шеърідан ўқиб берди.

*«Тўлишарми ўлкада баҳор.
Қуёш кезар осмон кўксиди.
Қалдирғочлар қанотин қоқар,
Ундан соя лаби устида.*

*Мана, ўғлим лаби устида,
Қалдирғочнинг майин қаноти.
Ўспириним тоза кўксиди,
Кунда ошар янги ҳис тотти.*

Ана шунақа. Икки ўғлим менинг суянчим ва давлатим опажон», деб менга юзланди.

2000 йил, 30-31 декабрь

*«Муҳаббат жуда оз йигитларга муяссар
бўладиган юрак жавҳаридир».*

Муаллифдан

КУМУШ НИДОСИ

Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романини ўқиб

I

Карвон келар жуда олисдан,
Манзиллари «Шош» деган шаҳар.
Бир-биридан ортда қолмасдан,
Етиб келди саройга саҳар.

Отдан тушди Отабек шу он,
Гўзал хулқу ва гўзал чирой.
Салом сенга, гўзал Марғилон,
Салом сенга, салом тўлин Ой!

Йигитлик ғурури қалбида,
Салом, деди она тупроққа.
Тиз чўкиб, ўйланиб қолди-да,
Аждодлар хокини ўпмоқда.

Ўтиб келди дала, чўллардан,
Кўзларида бир оз ҳорғинлик.
Довон йўлу сўқмоқ йўллардан,
Табиатда андак толғинлик.

Гув-гув қилиб чўлнинг шамоли,
Бурунларни чимчилаб ўтди.
Кўриниши, йигит аъмоли
Бугун бутун Марғилон етди.

II

Хужра тайин, йўқ бир ками-кўст,
Марғилонга илк бор келиши.
Ҳасанали энг қадирдон дўст,
Усиз унинг битмас юмуши.

Етимликнинг кўчалари тор,
Ҳасанали ўтди ноилож.
Фарзанд доғи қилди кўп хумор,
Отабекдир ягона қувонч.

Суянгани Отабек ҳамон,
Унинг учун жонин бергулик.
Яшай олмас усиз бирор он,
Йигит эрур, йигит дегулик.

Ҳасанали содиқ хизматкор,
Халолу пок чин мусулмондир.
Иззатига бўлгай сазовор,
Ҳақ йўлида тинчимас жондир.

III

Келганига икки кун бўлиб,
Отабек ҳам бозор айланди.
Виқор билан ёш кўнгли тўлиб,
Шу диёрга кўнгли боғланди.

Бир дарвоза эшигин қоқиб,
Ичкарига томон йўналди.
Хаёллари сув билан оқиб,
Бир замонда ўзин ўнглади.

Бир гўзалга дуч келди ногоҳ,
Айрилгандай эси ҳушидан.
Сўнг беҳосдан йигит урди оҳ,
Ажабланди кўрган тушидан.

Шу учрашув йигитнинг аста,
Сехрлади бугун борлигин.
Беморланди бўлиб у хаста,
Ўғирлатди бахтиёрлигин.

IV

Марғилонлик дўсти-ёронни,
Чорладилар хонаи-хосга.
Шам липиллар келмиш баёнлар,
Йўлатмасин Аллоҳ нокасга.

Об-ҳаво, савдо ҳақида,
Қизигандан қизиди суҳбат.
Ҳар соҳадан битиб ақида,
Ҳар бирлари битта бир қудрат.

Сиёсат ҳам қолмади четда,
Не гап «Шош»да, улус аҳволи.
Билмоқ хоҳлар улар, албатта,
Нелар эрур келтирган моли.

Ўрусларнинг давлат тизими,
Ёққанини баён айлади.
Ёқа ушлаб бу чин сўзими,
Отабекнинг оғзин пойлади.

Отабекнинг уйланмагани,
Қизиқтирди суҳбатдошларни.
Бу ҳақида ўйланмагани,
Қотирди-ку, азиз бошларни.

Марғилонда қизлар кўплигин,
Сулувлигин ҳамда хўплигин.
Қоматлари жуда кўрклиги,
Топилмайди бундай кўҳлиги.

Қутидорнинг ягона қизин,
Осмондаги Ойга менгзашди.
Юрагидан сўрамай изн,
Ғойибона ишқни сезмасди.

Бу сўзлардан Ҳомид тундлашди,
Юрагида рашк ўти ёнди.
Қаҳр-ғазаб бирла юзлашди,
Ёвлик ҳисси унда уйғонди.

Ошга дуо ўқилгач, аста,
Бир-бир уйга таклиф этдилар.
Йигит жавоб берар оҳиста,
Меҳмонлар кеч уйга қайтдилар.

V

Тақиллади таниш дарвоза,
Юраклари гупиллаб урар.
Кечагина бўлган овоза,
Ўшал гўзал шу уйда турар.

Қайта кўрса ой жамолини,
Термилсайди кўзи-кўзига.
Туширгайми кўк ҳилолини,
Севдим дебон айтса ўзига.

Қутидорнинг чорлови билан,
Келгандилар унга меҳмонга.
Таниш ариқ, у кўриб билган,
Бир калима келмас забонга.

Кўп иззатли меҳмони бўлиб,
Қутидорнинг ўтди тўрига.
Юрагида туйғулар тўлиб,
Учрагандай ёрнинг зўрига.

Паривашнинг мақтови уни,
Етаклади хаёлот томон.
Еб-ичарнинг йўқдир мазмуни,
Ошиқарди кўрмоққа ҳамон.

Кулгилари ҳамон жаранглар,
Деразадан боққиси келар.
У ён, бу ён аста аланглар,
У қиз ҳозир неларни ўйлар.

Кутидорга тўқнаш келганда,
Кўзларида ҳаяжон порлар.
Унинг кўнглин худди билгандай,
Меҳмонини емоққа чорлар.

VI

Отабекда хонанишинлик,
Ҳасанали безовта бўлар.
Қайдан юқди бунга мискинлик,
Нима қилса бек кўнгли тўлар.

Отабекка кўнглини очди:
«Бемормисиз ёки муҳаббат».
Қизариниб: «Сал мазам қочди,
У бир тенгсиз ажойиб хилқат».

«Муҳаббат – бу тоза жавоҳир,
Беморми», – деб фикрим қоришди.
«Сақламоққа фақат сиз қодир,
Минг бир шукур кўнглим ёришди».

VII

Поға-поға ёғиб қор кеча,
Йўлакларни музлатган эди.
Саволига савол берганча,
Ҳасанали таваккал деди.

Зиё шоҳчи иккаловлари,
Кумушойга совчи бўлишди.
Бир-бирова йўқ синовлари,
Бу ишидан кўнгли тўлишди.

Қутидор ҳам зўр орзу билан,
Офтобойим олдиға чопди:
«Қизимизнинг иқболи кулган,
Бу йигитни лойиқ деб топдим».

«Мусофир-ку, лойиқ десангиз,
Ёлғиз қизим кимларға тенгмас.
Хонадоним нури билсангиз,
Бу зоримни ҳеч ким тингламас».

«Хотирингни жам қилгин хотин,
Марғилондан уй қилиб берар.
Тушунмайман сиз аёл зотин,
Нима қилсам шу кўнглинг тўлар.

Насли биздан юқори эрур,
Юсуфбекнинг ягона ўғли.
Сўрасалар хон қизин берур,
Кел, қилайлик ишнинг йўриғин».

Қудаларға заррин чопонлар,
Кийдирилиб муборак қилди.
«Қутлуғ сизга куёв ўғлонлар»,
Зиё шоҳчи мулойим кулди.

VIII

Айтмоқликни аста кўзлади,
Ҳасанали ичига сиғмай.
Севинчини бекка сўзлади,
Юрагини у тиғлай-тиғлай.

«Ўғлим сизга қаллиқ муборак,
Қутидордек қайноталик ҳам.
Менга келин, сизга ёр керак»,
Думалади кўзларида нам.

IX

«Тушунмадим очик сўзлангиз,
Кутидорнинг қайси қизига?»
«Қоши – камон», – деган ўзингиз,
Кумушойнинг худди ўзига».

Отабек ҳам сезмаган бўлиб,
Севинчини этмади ошкор.
Ич-ичидан муҳаббат тўлиб,
Унинг учун бўлса жон нисор.

Яна хаёл оғуши олди,
Ариқ бўйи зилол сувлари.
Оҳ, кўққисдан қизга кўз солди,
Менгзармикан бу сулувлари.

Жиловланмас ахир туйғуси,
Жилдираган ариқ товуши.
Ўхшаши йўқ гўзал кулгиси,
Уни дейди юрак нолиши.

Бир қарашда кўнглини олган,
Гўзал ишқи бемор айлади.
Ўша уйда хаёли қолган,
Севгисини тумор айлади.

Учрашгани ариқ бўйида,
Охумиди ёки фаришта.
Тенгсиз гўзал унинг ўйида,
Чорасиздай ҳар бир юмушда.

X

«Севдим» дея айтолмас сўзнинг,
Хаёллари олиб қочганди.
Бир лаҳзалик учрашув қизнинг,
Вужудини севги қучганди.

Энди кимга ёр бўлмоқда, у,
Ота-она ихтиёр этмиш.
Кор қилмайди фиғон – нола-ю,
Хаёл ичра қиз ўздан кетмиш.

«Қадрдоним ариқ бўйлари,
Не маъвога ошно этдингиз.
Ажаб туйғу ширин ўйларни,
Ёш қалбимга солиб ўтдингиз.

Бу туйғуни ҳеч кимга бермай,
Ўзим бирла олиб кетурман.
Ардоқлигим севгим билдирмай,
Сағир мухаббат-ла ўтурман».

XI

Тўй бўлмоқда қиз кўнгли нолон,
Чуғур-чуғур қизлар мажлиси.
Қўшиқ, «ёр-ёр» таралар ҳар ён,
Атиргулу райҳоннинг иси.

Атлас, шойи кийинган қизлар,
Ўртоғининг кўнглин овлайди.
Севилишга лойиқ бу кўзлар,
Дилдорининг йўлин пойлайди.

Чилдирманинг «така-тум»лари,
Юракларни сел қилади-я.
Ноз ярашган ушбу кунлари,
Янгалар ҳам лол қолади-я.

Фақат Кумуш дили озорда,
Майин-майин йиғлар юраги.
Гул ёшлиги қолган гулзорда,
Гулга ҳамроҳ эди тилаги.

Тўй кечаси таниб ёрини,
«Сиз ўшами?!» дея қувонди.
Ёзиб солди дилда борини,
Иффат билан ҳаёда ёнди.

Икки кўнгил мисоли олов,
Ёнар эди севгидан шодон.
Отабеги ёнганда лов-лов,
Кумушойим сўзлайди бийрон.

Ошиқ кўнгил саодатини,
Сурардилар бахтиёр ўйнаб.
Кўриб қувнар алп қоматини,
Кутилмаган бахтидан қувнаб.

XII

Фақат Ҳомид васлига тўймоқ,
Бўлиб қаро ниятин қилди.
Муҳаббатнинг кўзларин ўймоқ,
Васвасаси юрагин тилди.

Кўрбошининг кўнглини олиб,
Олтин билан сийлади чунон.
Чақимчилик касбини қилиб,
Бахтларига чанг солди ёмон.

Қайнота-ю куёвни бирдан,
Зиндон банди қилиб қўйдилар.
Хабар топмай ҳеч ким бу сирдан,
Туҳмат билан бағрин ўйдилар.

Қушбегининг ҳукми ўқилгач,
Дор остига кетди икковлон.
Оҳ, бўлмағур иғво тўқилгач,
Сўз деёлмас бунда ҳеч аён.

Ҳукумдорнинг ҳукми бўлар ҳақ,
Ишонади аъёнларига.
Кетаверар бунда ҳақ-ноҳақ,
Қулоқ солмас нолонларига.

Шу пайт аёл зўр шижоат-ла,
Қушбегига таъзим айлади.
Сабр билан ҳам қаноат-ла,
Отабекнинг хатин йўллади.

Хатни ўқиб Қушбеги лолдир,
Аҳли аъён эса титроқда.
Сўзлай олмас бу қандай ҳолдир,
Ботинолмас нафас ютмоққа.

Қушбегининг ҳар бир саволи,
Ҳаёт-мамот жангидай бўлди.
Худо билар қизнинг аҳволи,
Умидсизлик ҳам умид бўлди.

Қайтарилсин дорнинг остидан,
Деганида ҳаяжон босди.
Садқа айлаб бор бисотидан,
Хаёлида тиллалар сочди.

Шалвираган қўлларда кишан,
Дор остидан қайтиб келдилар.
Така-пука қўрбоши ишон,
Қилар ишни қилиб қўйдилар.

Отабек-ла, савол-жавоблар,
Қўрбошининг сири-корини.
Шивирлашиб қолди аҳбоблар,
Билмасдилар ҳалоскорини.

Тиз чўкдилар иккиси ҳайрон,
Кишанларни ечдилар дарҳол.
Диллари ҳам бўлгандир вайрон,
Тушунолмас, ахир бу не ҳол?

Қутидорнинг ранглари сўнук,
Кишанларни титратар қўллар.
Бу ишлар-чи, хунукдан-хунук,
Ҳаёт йўли оҳ, узун йўллар.

Қушбеги-чи, қизга сўз қотди:
«Булар кимлар сўзлангиз қизим?»
Шунда Беги эс-ҳушин топди,
«Наҳот сенсан ёруғ юлдузим».

«Ҳалоскорим, жоним қизим» дер,
Ҳаёт суви юрди юзига.
Манглайдан оқаверди тер,
Севинч билан боқиб қизига.

Нажот фариштаси бу қизга,
Умрингизни берсангиз-да оз.
Мактуб билан келибди бизга,
Асраб қолди бир варақ қоғоз.

Наҳот ўша отам мактуби,
Кўзларида ўтларни ёқди.
Гул ҳаётга қайтардими у,
Қушбегига ҳайрат-ла боқди.

ХIII

Озодликка ҳукм ўқилди,
Дилда шодлик уйғонди бирдан.
Кишанларнинг чоки сўкилди,
Душманлардан кўрган жабрдан.

XIV

Отабек Тошкентга йўл олди,
Пойида шаҳар ва қишлоқлар.
Гул Марғилон ҳувиллаб қолди,
Борми мендай қалби ушоқлар.

Мисли ипак чувалар ўйи,
Ота-она орзусин ўйлар.
Боши қуйи эгилган қуйи.
Аста-секин оти йўрғалар.

Тошкент чорлар Отабегини,
Вужудида она соғинчи.
У қолдирди илк юрагини,
Атадилар уни ёлғончи.

Ҳеч иложсиз қолди йигит ҳам,
Ота-она орзусидан лол.
Дўстларидан кўргани ситам,
Йўлинг қийин душворсан иқбол.

XV

Юсуфбекнинг суянган тоғи,
Гулзорининг яшил япроғи.
Ишонгани қалбин ардоғи,
Отабекдир умр чироғи.

Тошкентдан зўр келин қилмоқлик,
Орзусида ёнди онаси.
Ота розилигин олмоқлик,
Ахир удир бахт нишонаси.

XVI

«Ёр-ёр» билан карнай-сурнайлар,
Зайнабойни кузатиб келди.
Дугоналар – юзлари ойлар,
Келинликка узатиб келди.

Юртнинг сара ҳофизлари жам,
Тўйхонами, нурхонами бу?
Мезбонларнинг қадами илдам,
Чехраларда шодон бир кулги.

XVII

Келинликни қўйиб ўрнига,
Кундан кунга чирой очади.
Қайнонаси ўтиб тўрига,
Келинига меҳрин сочади.

Аммо Бек, кўнгил қўёлмас,
Қийналади жону жаҳони.
Кумушдан умид узолмас,
Тушларида жон Марғилони.

Марғилонга бир неча бориб,
Кўролмади севган ёрини.
Билмоқ бўлди нома юбориб,
Йўлларида интизорини.

XVIII

Марғилондан қувилган куни,
Сизмас эди ёруғ оламга.
Нима эди хатоси унинг,
Қолгандайин сўнгсиз аламга.

Йўлдоши от – севган ҳамроҳи,
Ҳиргойиси далани тутди.
Кимсасиз чўл унмайди роҳи,
Неча гузар, қишлоқдан ўтди...

«Кузим келмай аё дўстлар баҳоримни йўқотганман,
Гули раъноданам ортиқ хуморимни йўқотганман.
Жон ичида жоним деган ўшал рухсори олидан,

Севолмасман бирор қизни туморимни йўқотганман.
Мусофирнинг куни курсин, кезарман Марғилон ичра,
Сулувлар ичра сардори нигоримни йўқотганман.
Ўқиб Тохир ва Зухрони, ачиндим ул ҳаётига,
Бошимга келди чун ғамлар, шароримни йўқотганман.
Манам ошиқ бўлибман, эй ёронлар, кулмангиз асло,
Фалак ҳайрон бу ишларга узоримни йўқотганман.
Йўлимда қанча ғовлар бор енгарман шиддатим бирла.
Менинг чун кўзлари муштоқи зоримни йўқотганман».

XIX

Ўтиб неча синов-синоат,
Марғилондан Кумушой келди.
Борми бундай бахт ва саодат,
Қайнонанинг орзуси кулди.

Аммо Зайнаб кўнгли ғалаён,
Қилаберди рақибларга хос.
Бўлар ошкор-ниҳон намоён,
Ружу қилар кундошларга мос.

Кундан кунга алам ўтида,
Ёнар руҳи, қалби беармон.
Бор захрин ичга ютди-да,
Жисм-жони топмасдан омон.

Ҳайҳот икки ёшга Зайнабой,
Талваса захрини ичирди.
Зиёли, киборли, зоти бой,
Ёвузлик шаробин симирди.

«Мендан гўзал Кумушой, тўғри,
Рашким менинг азобим бўлсин.
Сезилмасин бори ва йўғи,
Отабегим меники бўлсин.

Отабек кўз очиб кўргоним,
Бунча менга бефарқ бўлдинг-а.
Кумушми мендан-да, суйгонинг,
Иззатим ерларга кўмдинг-а.

Муҳаббат истайман, истайман,
Севилмоқ бахт экан, мен нечун?
Вожаб ҳамроҳим пушаймон,
Қалбингда кўрмадим бир учқун.

Бу йўлнинг юки хўп оғирдир,
Бу иқбол, бу бахтни бермайман.
Ичимга ёққан ул ёмғирдир,
Шериклик гулларин термайман!»

Кўзидан чақнарди даҳшатли,
Қалди роқ гулди раб сел бўлди.
Оғуни ичирди ваҳшатли,
Япроқдан айрилиб гул сўлди.

XX

«Оҳ, Марғилон, жоним Марғилон,
Она шаҳрим, – дея тўлғонар.
– Болалигим қайтингиз бир он,
Видолашай», дебон қийналар.

Ариқ бўйи жамбилу райҳон,
Ифорингиз боғни тутдими.
Кулгиларим қани мен ҳайрон,
Ҳалинчақда учиб кетдими?

Чақалоғин қўлига олмай,
Видолашиш они етибди.
Тўйиб-тўйиб назар ҳам солмай,
Осмонидан юлдуз учибди.

Марғилон йўлида кўзлари,
«Онам» дейди ягона тилак.
«Бегим» деган ширин сўзлари,
Бир «оҳ» дея тинчиди юрак.

XXI

Ойдин кеча Отабек ҳайрон,
Айрилди севикли ёридан.
Сиғмасди оламга дил вайрон,
Чечаклар гул очган боғидан.

Хувиллайди қабристон алҳол,
Юрак ўртар, вужуд ҳам ёнар.
Турар экан Отабек беҳол,
Сағонага аста суянар.

Қабристондан чиқаркан эвоҳ,
Ҳеч чорасиз қолар Кумуши.
Пашша учса билинган даргоҳ,
Сукут сақлаш энг улуғ иши.

XXII

Онаизор «жон болам» деди,
– Кумушойим, оҳ тўлин ойим.
Бу дунёда ягонам эдинг,
Шўр тупроқдан қорганми лойим?

Шундай гўзал олам сен учун,
Торлик қилса, болам, мен нетай?!
Заҳар менга кўрсатсин кучин,
Болам, сен-ла мен бирга кетай.

Сени тилаб, сўраб олгандим,
Додим эшит, эй қодир Худо.
Бўлганимча оҳ, бўлган эдим,
Айрилиқни кўрдингми раво?

Қани гүзал Кумушим менинг,
Жавоб беринг, азиз халойиқ?!
Икки азиз севгучи дилнинг,
Туйғулари шунчами лойиқ.

XXIII

Ғазал ўқиб гоҳ Фузулийдан,
Эзгуликдан олганди сабоқ.
Ҳарзат бобом деб Бобурийдан,
Ташна қалбин қондирган мутлақ.

Жоним болам, ғафлатда қўйдинг,
Ниҳолгинам, гүзал малагим.
Юрагимнинг туб-тубин ўйдинг,
Вужудимдан унган бўлагим».


Бу оҳлардан зириллаб юрак,
Барча тенгдан уввос солдилар.
Зайнаб телба билмас не керак,
Аламини ёшдан олдилар.¹ (кўз ёши)

Сочлар оппоқ бўлди-я, бирдан,
Оҳ, онажон, жоним она-я.
Ўзга чора йўқдир сабрдан,
Авайлагин қолган жонни-я.

XXIV

Нафратли кўзида ёш қатор,
Лаблари неларни пичирлар.
Юлдузи сўнди-я, тонг отар,
Ғазабдан муштрали қисирлар.

Майин шамол қанотингга ол,
Юрагимнинг сирларин сочай.
Қаро кўнгил сен нарида қол,
Беғуборлик дунёсин очай.



Севган кунгил шунча хор бўлса,
Онаизор истаги учун.
Гул умрини хазонлар кўмса,
Севмоқликни яратдинг нечун?

Йигит умри хазон япроғи,
Бирла қариб сўлди-ю, бирдан.
Сабр бермас алами, доғи,
Келмай қолди шўрлик қабрдан.

Лолалари унган қабрда,
Рангпар бир гул юз очмиш бугун.
Юлиб ташлай қилган жабрингдан,
Тинч ухласин нобакор юлғин.

«Атиргулнинг энг сарасидан,
Келтирибман жоним не қилай?
Тердим шабнам гул орасидан,
Муҳаббатим рамзи деб билай.

Кўз ёшлари томиб гулларга,
Кумушгинам, мен келдим яна.
«Сиз ўшами», деган сўзларга,
Ўрганувдим бўлмас деб таъна.

XXV

Жимжитгина маҳзун масканнинг,
Хур малаги бўлиб ётибсан.
Қули айлаб энди таскиннинг,
Ғамни менга ташлаб кетибсан.

Бу ғам эзар бутун вужудим,
Йиғлолмайман овозим қўйиб.
Булутларга ўрмалар дудим,
Тупроғингга боқайин тўйиб».

Бир шарпа кезарди ортидан,
«Йўқол, Зайнаб, кўзимдан йўқол».
Бўлсанг ҳам сен инсон зотидан,
Ёвузликнинг рамзи бўлиб қол.

Жирканади сендан одамлар,
Гулгун ҳаёт сенга бегона.
Чекинади аста қадамлар,
Бу дунёда Зайнаб ягона.

XXVI

Эшитинглар Зайнаб ноласи,
Шитирлайди барги хазонлар.
Оқар аста кўздан жоласи,
Ётар неча-неча сўзонлар.

«Мен ҳам умид бирлар сенга ёр бўлувдим, Отабегим,
Лаънатларга тўлиб кетди бу нотавон жоним менинг.
Кибр қурғур адаштирди кечир мени, жоним бегим,
Телбадурман дилдор учун туганмас достоним менинг.
Ихтиёрим ўзда эмас, отам-онам илкидадир,
Бундай кунга қолмасмидим бўлса насиб севишмоқлик.
Ёш умримни хазон қилдим ҳамма мендан кулгидадир,
Оҳ, қанчалар оғир экан ёр уйдан қувилмоқлик.
Мен сеники бўлолмадим, сен меники бўлолмасдинг,
Орзулари сароб бўлди Тошкентимнинг Беги учун.
Боғларимга зоғлар кўнди булбул тилин билолмасдинг,
Сени бегим деганларни қандай суяй, куймай нечун.
Юрагимга тушди ғулу, рашк ўтида вужуд ёнди,
Билиб-кўриб рози бўлдим чиқмасмиди менинг тенгим».

XXVII

Ўзи ёзиб Абдулла Қодир,
Кумуш дея хун-хун йиғлади.
Ёзиб китоб севгига доир,
Мухлисларнинг бағрин тиғлади.

XXVIII

Вой-вой Зайнаб нени ўйладинг,
Заҳри қотил ўз ишин қилди.
Бағринг қурум, олов ўйнадинг,
Қабрга ой бўлиб кўмилди.

Шу-шу Кумуш нидоси бўлиб,
Севишганлар энтикиб олар.
Соф туйғудан бағирлар тўлиб,
Ёшлик завқи гулдурос солар.

27.08.2003 йил,

25. 04.2004 йил

КЎНГИЛНИНГ ҲЕЧ КИМ ЭШИТМАЙДИГАН НИДОЛАРИ

Гоҳо хизмат юзасидан, гоҳо турли сабабларга кўра касблари турлича, дунёқарашлари ҳар хил бўлган аёллар даврасида бўлганман. Уларнинг ички нидоларини, ҳеч кимга айтмайдиган сирларини кўзларидан, чеҳраларидан беихтиёр тинглашга мушарраф бўлдим. Бу манзумани ёзишимга шифохонада даволанаётган уч аёл (Р.Д.Ҳ.) нинг суҳбати туртки бўлди.

«Ассалому алайкум...

Мен сизга жуда кўп озорлар етказдим. Балки ундай ҳам эмасдир. Сизни кунда ва тунда ўйлайман. Усиз яшашнинг иложи йўқ.

Муҳаббат ташқи қиёфага қарамас экан. Билмадим? Чиндан ҳам шундайми? Ҳайманг, осмондаги Ой эканман, деб. Асло ундай эмас. Аммо инсоннинг инсонлигини билдирувчи одабийлик, инсонийлик деган улуғ фазилатлари бор. Тафаккур деган буюк тушунча бор. Сизда ана шундай фазилатлар жамулжам эди. Истайманки, орадан ўтган чорак асрлик вақт сиздаги бу фазилатларга дарз етказмаган, бўлсин. Зеро, юқори лавозимларда ишлаш, пул, одамлар, давр сизни ўзига тобеъ этмаган бўлсин. Мен сизнинг ўша ўзлигингизча қолишингизни жуда-жуда истайман. Зотан, дунёқарашингиз андак ўзгарган бўлса, (севги бобида) мен учун нақадар оғир. Бировларнинг сизни севмайди деган сўзини эшитишни асло хоҳламайман. Бизнинг муҳаббатимиз шундай беғуборки, унга анча-мунча бўронлар ва шамоллар гард юқтира олмайди. Бизнинг муҳаббатимиз шу қадар самимийки, уни юзма-юз келиб изҳор қилишдан иймандингиз, унга завола етиб қолмасмикан, деб андиша қилдингиз. Бизни юракларимиз тушунар эди. Одамлардан ҳаё қилар эдик. Атрофдаги кўзлардан тортинардик, улар нима деркин деган сўз устун эди. Сизнинг бу ҳаётда борлигингизни, катта ҳаёт қўйнида эканлигингизни билсам бўлди. Менга шунинг ўзи кифоя.

Севги – муқаддас туйғу. Бундай туйғу ёлғиз Аллоҳга ва севган кишингизгагина бўлши мумкин. Бундай эҳтиромга сазовор бўлишнинг ўзи бир бахт», дея давом этади аёллардан бири. Иккинчи суҳбатдошим эса: «Инсон феъли қизиқ бўлар экан, ўзи етмаган нарсага интилиб яшаркан. Кўнгилнинг ҳеч ким билмайдиган, ҳеч ким эшитмайдиган, эшитиши ҳам мумкин бўлмайдиган нидалари бўлади. Аммо шундай пайтлар бўлади-ки, кўзингизнинг бир чеккасида яширинган бу мунгни кимдир илғаб олишини, дардингизга шерик бўлишини истайдиган вақтларингиз ҳам келади. Кошки эди бундай ҳолатни ҳамма ҳам англайверса. Афсус...», деганча дилидагиларини тўкиб солади.

«Балки бирга бўлмасликнинг ўзи ҳам бахтдир, – давом этади учинчи суҳбатдошим. – Ҳаётда кимнидир ўйлаб, кимнингдир ишқи билан ёниб яшашнинг ўзи буюк бир саодат эмасми. Тўғри, ҳаётингиз гоҳ мунгли, гоҳо завқли-шавқли кечади. Ҳаммасига чидайсиз. Чунки, ўз бахтингизни ўз қўлингиз билан ўзга қизга бердингиз. У қизга гоҳо ҳавасингиз, гоҳо ҳасадингиз келади. Унинг кўзлари сиз учун кўряпти, унинг қулоқлари сиз учун эшитяпти. Юлдуз тўла осмонингиз, ризқ-рўзингизни ўзингиз бердингиз. Тортинчоқлик қилдингиз. Онангиз томонидан сингдирилган таълим-тарбиянинг нишонаси бу. Гоҳо у ҳам мени ўйлармикан, деган андишага бориб қоласиз. Ҳамон ундан ниманидир кутасиз. Нега шундай бўлди, деган савол ҳамон қийнайди... Яна ҳаёт ўз домига тортади. Ўзга илож йўқ.

Ёш улғайган сари ёшликнинг олтин дамлари янада буюкроқ, янада қўл етиб бўлмайдиган чўққи бўлиб кўринади. Гоҳо оромини йўқотади. Барибир, у тотли дамларни эслайди. Чунки, сиз уларнинг юрагига бир умрга муҳрлангансиз. Аммо юрагингиз қийналган вақтларда индамай ич-ичингиздан йиғлаб оласиз. Шоир айтганидек: «Қайданам кўрдим сени», деб уришиб ҳам оласиз. Балки учратмасам бир умрга етгудай дард ошмасмиди, дейсиз. Ҳақиқатан, дил дарди ёмон экан. Буни кимга ҳам тушунтира олардик. Тўғри, бир-иккита сирдош дугонанг бўлиши мумкин. Аммо ҳамма вақт ҳам унга суяниб бўлармиди». Ўйга толаман; улар қалб йўқотишларини гўё ёшларга айтаётгандай. «Севгини, инсонни, ҳамма нарсани ўз вақтида қадрланг, пушаймон бўлмайсиз», деяётгандай туюларди уларнинг қалб саслари.

4.12.1991 йил.

ҚИЗЛАР МУШОИРАСИ

Ёзувчи Мирзакарим Пирматовнинг
«Моҳларойим» романи асосида бир кўринишли пьеса

Қ а т н а ш у в ч и л а р :

1. *Кўқон хони Амир Умархоннинг рафиқаси – Нодирабегим – шоира, малика, 30 ёшларда.*
2. *Жаҳон отин Увайсий – шоира. Нодирабегимнинг устози, 40 ёшларда.*
3. *Маҳзуна – шоира, 35 ёшларда.*
4. *Олима отин – Нодирабегимнинг яқин кишиси, 40 ёшларда.*
5. *Мастон ойим – лапарчи, 35 ёшларда.*
6. *Шоира – Дилшод Барнонинг шогирдлари: Фидоия, Ҳафиза отин, Моҳинбону, Тўтиқиз.*
7. *Канизлар, санамлар, раққосалар.*

Ўрданинг баҳаво жойларидан бири Олти қиррали мрамар ҳовуз бўйларида қўйилган сўрилар мисоли гулшан чаманининг ўзи. Бир ёнда райҳон, жамбил, ўсма, хина, иккинчи ёнда раъногул, атиргул, сафсаргул бўй таратаётир. Канизлар иззат-икром ила ойимларни қаршилар, уларнинг мартабаси, ёшига қараб таклиф этар, айрим санамлар қуйироқдан нақ ҳовузнинг бўйига, шундоққина мажнунтол соясига ўрнатилган сўри томон йўл олишарди.

Санамлар: Ассалому алайкум (эгилиб салом берадилар).

Канизлар: Ваалайкум ассалом (кўришадилар).

Канизлар: (қўллари кўксида) Қани, юқорига марҳамат.

Орқадан Жаҳон Отин ва Маҳзуна биби ташриф буюрадилар. Улар ёнма-ён келишмоқда эди.

Хўқанднинг эътиборли шоираларидан ҳисобланмиш Жаҳон отин қадди бироз тик, Маҳзуна бибига нисбатан

улуғроқ кўринар, шу сабабли унга кўпроқ хурмат ва иззат кўрсатилмоқда эди.

Маҳзуна биби ўрта бўйли, юмалоқ юзли, майда қилиб ўрилган сочлари тақимини ўлар, билакс юзини шодонликдан кўра, аллақандай маҳзунлик эгаллагандай эди.

Мастон ойим: Қани юқорига марҳамат қилсинлар.

Санамлар дув этиб ўринларидан турадилар. Эгилиб салом берадилар. Уларнинг хурматини жойига қўйиб, тўрга ўтқазадилар. Жаҳон отин билан Маҳзуна биби ўртасида битта жой бўш қолади. Бироқ ҳали гуллар баҳси бошлангани йўқ.

Олима отин: Қани қизлар Нодирабегим ташриф буюргунларича Мастон ойимдан бир кўшиқ эшитсак.

Жаҳон биби: Мастон ойим давраларнинг гули, тўйларнинг булбули эмасми. Қани, Мастон ойим.

Мастон ойим: Бош устига шоирам.

*Тоғ-тошдан келади шаршаранинг овозаси,
Бевафо дилдор учун бўлдим жаҳон овораси.
Тоғда юрган ул кийикка мен нечун занжир солай,
Сен бировнинг ёри бўлсанг, мен нечук кўнгил қўяй.*

(Ўтирганлар кўшиқ давомида аста тебраниб, бир-бирларига қараб, маъкул дегандай бош қимирлатадилар.)

Ҳалиги овоз: Маликамиз Нодираи-даврон ташриф буюрдилар.

Санамлар дув этиб ўринларидан туришди. Икки канизи ёнида сарвқад Моҳларойим мағрур ва масрур қадам ташлаб келмоқда эди. Жаҳон отин билан Маҳзуна биби уч-тўрт қадам ташлаб, олдинга юришди. Улар бир-бирини бағрига босиб, иззат-хурмат кўрсатиб, жойларига ўтиришди.

Нодира: (дарров кўз югуртиради) Олима отин мана бу меҳмонлар кимлар экан?

Олима отин: Маликам! Булар Дилшод Барнонинг шоғирдлари: Фидоия, Ҳафиза отин, Моҳинбону, Тўтиқиз-

лардир. (Улар ўринларидан туриб, ҳурмат билдирадилар)

Олима отин: Маликам, Тўтиқиз сизнинг девонингизни хитойи қоғозга кўчириб, мусаввир билан ҳамоҳанг нақш бермишлар, бугун эрталаб саҳҳоб муқовалаган эрмиш. Рухсат берсангиз, Тўтиқиз китобни ўз қўллари билан топширса.

Нодира: Марҳамат!

Тўтиқиз юзлари ёниб, икки қўллаб китобни узатади.

Нодира: (китобни қўлига олар экан) Миннатдорман жоним қизим, ёшинг нечада? – сўрайди.

Тўтиқиз: (зўрға) Ўн тўрттда, – дея олади.

Нодира: Бахтинг ойдаи порлоқ бўлсин! (пешонасидан ўпади)

Шу пайт доира жўрлигида Мастон ойим лапар бошлайди. Санамлар беихтиёр Мастон ойимга жўр бўлишадди. Сулувлар рақс бошлайдилар.

*Ёрим кетаман дейди,
Кетказгани қўймайман.
Ўтар йўлини тўсиб,
Ўтказгани қўймайман.
Кетсанг кетавер ёрим,
Кетсанг нима парвойим.
Бу жоним эсон бўлса,
Қайтиб келасан ёрим.*

Рақс ниҳоясида раққосалар давра тўрига томон юришиб, Нодира ва унинг атрофида ўтирган шоирларга салом беришади. Шу пайт давра бироз жим қолади.

Нодира: (Қўлини кўксига қўйганича Жаҳон отинга илтифот кўрсатади) Қани устоз, мушоирани бошлаб берсангиз.

Жаҳон отин: (такаллуф билан) Ўзларидан ойим, ўзларидан. (Маҳзуна биби ҳам бошини эгиб, тасдиқ қилади)

Нодира: (бир оз ўйга ботиб)

*Кел , сенга эй шаҳи жаҳон, мамлакати жаҳон фидо,
Дийдоларимга қўй қадам, ҳар қадамингга жон фидо.
Лаъли лабинг фироқида хуни жигар ғизо менга,
Сарв қадинг ҳавосида жон этарам равон фидо.*

Нодира Жаҳон отинга узланади.

Жаҳон отин:

*Хиром айлар гулистон ичра ул мастона, мастона,
Табассумдин намоён айлабон дурдона, дурдона.
Тамошо чоғида монеъдурур кўздин юрак қони,
Бу ҳасратдин тўкар мардумларим маржона, маржона.*

Жаҳон отин Маҳзунага табассум қилади.

Маҳзуна:

*Дўстлар бир ҳусни бе ҳамтоя ошиқ бўлмишам,
Хур пайкар бир малак сиймоя ошиқ бўлмишам.
Нутқи ширин, лаъли руҳ афзоя ошиқ бўлмишам,
Ғамзаси қотил, кўзи шахлоя ошиқ бўлмишам.
Ҳусин элининг шоҳи бир мирзоя ошиқ бўлмишам.*

Маҳзуна таъзим қилади. Нодира ҳам, Жаҳон отин ҳам қойил дегандек табрик этишади.

Даврани яна Мастон ойим лапарчи илиб кетади.

*Гули сафсарни қаранг,
Сувга қараб термилади-е.
Бевафо ёрни кўринг,
Ўлмай туриб айрилади-е.
Охо-хо жоним ялла-е.
Ялло, ялло, ялло, ялло, демасманей,
Атлас қуйлак обермасанг ёрим демасман-е.*

Ўтирганлар: Яшанг! Мастона опа, сиз борсизу биз бормиз. Давраларнинг гулисиз, гули! – деб олқишлайдилар.

Шу пайт Моҳларойимнинг нигоҳи Тўтиқиз томон тушади. Буни пайқаган Мастон ойим меҳмонлар ҳузурида тўхтади.

Мастон ойим: Меҳмон қизлардан бўлсин!

Моҳинбону: Маликам! Келибоқ кўзингиз бехосдан Тўтиқизга тушгани йўқ. Тўтиқиз хусни-хат соҳиби бўлиш билан бирга ўзбек ва тожик тилида қалам тебратувчи шоиралардан. Ўзбек ва тожик тилини мукамал эгаллаган фозила қиздир.

Тўтиқиз: (шоирага таъзим қилади)

Нодира: Бағоят хурсандман, адабиётимиз чаманида яна бир гул юз очаётганидан. Балли қизим! Энди тўтиқиздан эшитсак!

Тўтиқиз:

*Маризи ишқа дармон йўқ, висоли ёрдин бошқа,
Кўзим кўрмас билоди ишқ аро дилдордин бошқа.*

*Қачонким ишқ домина гирифтор ўлди қуш кўнглим,
Халос ўлмоқ умидим йўқ фиғону зордин бошқа.*

*Умиди васл ила шому сабо андоқки, толибман,
Табиб олдиға бормас мутлақо бемордин бошқа.*

*Шарафдур ишқ элиға ёр тупроғида жон бермак,
Нечукким, ҳамдами йўқ гулларнинг бир хордин бошқа.*

*Замонлар кечди ҳоло кечмаюр ҳою-ҳавас биздин,
Магар йўқтур жаҳонда гумбази даввордан бошқа.*

(Ғазални ўқиб бўлгач, Тўтиқиз қўли кўксида таъзим қилади)

Нодира: Балли қизим! Ижодинг бундан-да гуркирасин! Гуллар боғининг малаги бўлгин!

Тўтиқиз ибo билан жойига бoриб ўтиради.

Нодира ҳиёл хаёлга берилади. Бу аснода шоира ўзининг ўн тўрт ёшини эсладими ёки устози Ҳафиза отин ёдига келдими...

Сукунатни Моҳинбону бузади. Шоирага таъзим қилиб, ижозат сўрайди:

Аз ҳақими нўрсидан:

– Биродар бектараст ё ёр

Гуфт:

– Агар биродар ёр бошад.

Ҳар томондан «яшанг», «баракалла» деган овозлар келади.

Моҳинбону: (сўзини давом эттиради) Азиз маликамиз Нодирабегимнинг инон-ихтиёрлари ила биз сингари ғарибу ғураболарнинг боши бир жойга тўпланганлигидан шодмиз. Бу янглиғ ҳар бир саъй-ҳаракат салтанатимизнинг ҳамиша офтобров бўлишига ишончдир. Ижод гулбоғининг беназир боғбони бўлмиш Нодирабегим, Жаҳон отин, Маҳзуна бибилар ҳузурида ваъз айтмоқ ҳам маъсулиятли, ҳам муътабардир. Довотдан эндигина қалам олмоқ ниятида ҳавас ила юрган биз сингри шоираларнинг қувончи осмон қадар десам муболаға бўлмас. Афсус ва надоматлар билан қайд этишим керакки, бугунги мажлис бизнинг устоди аввалимиз Дилшод Барнога насиб этмади. Ижозатларингиз ила устози аввалимизнинг бир ғазалларини баён айласам.

Моҳинбону эркин нафас олиб, ўзини ўнглаган ҳолда ғазал ўқий бошлади. Ҳамманинг бутун эътибори унда бўлади.

*Бу муҳаббат жомидур деб даҳрдин чиқди нидо,
Ёр аксин майда кўр деб жомдин чиқди нидо.*

*Хонақоҳ аҳлиға айттим: алвидо эй сўфилар,
Дайра кирдим риндлиқни эмди қилгум ибтидо.*

*Ман ичиб ишқ бодасини бой бердим масҳабим,
Ҳар на бўлса кўрса кўзим жон анга бўлсин фидо.*

*Бу қадаҳ ичра кўринди орази ул ёрнинг,
Занжири ишқини солди бўйнима эрмиш ридо.*

*Ошиқини ғул уруб банд айласа маъшуқ агар,
Шукур қилғай бўлмасам деб бандидин ҳаргиз жудо.*

Ғазални ўқиб бўлгач, Нодирабегимга қуллуқ қилиб,
ўнг қўли кўксида жойига бориб ўтиради.

Нодира: (ўнг қўли кўксида) Шоирам, сиз менга олис
Андижонимни, Куйган ёрдаги чорбоғимни ёдимга солиб
қўйдингиз. Ёдингиздами, Олима отин...? (Олима отин шои-
рага қарайди) Ўтган йили кузда Андижонга сафар қилга-
нимиз. Болалигим ўтган жойларни тавоф айлаган эдик.
Онам Ойша хонимнинг эркалаганлари ҳануз кўз ўнгимда.
Онажонимнинг юзларига тўйиб-тўйиб боққан эдим.

Болалик. Оҳ, сен мендан қанчалар йироқдасан. Сени
соғинмай бўладими.

Ғазал ўқийди:

*Ёр лаълин ёд этарман, ғунчаи хандон кўруб,
Сабзаи хат соғинурман, боғ аро райҳон кўруб.*

*Сабзаи хат лаъл нобинг узри маъво айлади,
Ҳизр қилғондек ватан сарчашмаи ҳайвон кўруб.*

*Дард жонкоҳу дамо-дам оҳ, аҳволим табоҳ,
Раҳми келгайму менга бу ҳол ила султон кўруб.*

*Соверулурман ҳажр водийси аро, Мажнун мени,
Гирдоб айлар гумон, дашт узра саргардон кўруб.*

*Кеча лаъли хажридин ўлмоқ менга душвор эди,
Юз таҳайюр бирла илгин тишлади жанон кўруб.*

*Рашқдин юз фитна барпо айлади даврон фалак,
Кўзларим ойнаси ёр олида ҳайрон кўруб.*

*Тонг эмасдур бўлса оз муддатда устоди суҳан,
Нодира ашъорига таҳсин этар, салмон кўруб.*

Шоира ажаб бир гўзаллик ва хуш тавозе билан ғазал-ни тугатади.

Ўтирганлар: Яшанг, шоирам! Ҳамиша омон бўлинг, – деб ҳурмат билдирадилар. Шу пайт:

Мастон ойим: Маликам! Боғ сайрига марҳамат қилсангиз, – деб тавозе ила таклиф билдиради.

Меҳмонлар аста-секин боққа равона бўладилар.

ҚУШЛАР МАКТАБИ

Масал

Сўлим сой қирғоғида,
Гўзал ўрмон бағрида.
Бир мактаб очилибди,
Билимлар сочилибди.
Бунда тартиб интизом,
Йўлга қўйилган мудом.
Мактабнинг бошлиғи бор,
Қарғажонга иқбол ёр.
Илмий мудир ҳаққажон,
Ўзи андак қақажон.
Ўринбосар лайлаквой,
Ҳар нарсага зийраквой.
Еқтирар ширин сўзни,
Йўқса очирмас кўзни.

Мусичаи беозор,
Барча хислат унга ёр.
Кўп заҳматкаш ўзлари,
Бирам майин сўзлари.
Берар ишнинг ҳалимин,
Бошланғичнинг таълимин.
Аммо кўрмас рўшнолик,
Қилмас сира ошнолик.

Чет тили муаллими,
Чумчуқ берар таълимин.
Кўпдир оға-иниси,
Келар гоҳо буниси.
Мақтовларнинг зўрини,
Олар гоҳо қўрини.

Булбул, майна боласи,
Қолдирмас иш чаласин.
Тинмай сайрар каккужон,
Сайрашлари бир жаҳон.
Севар аъло баҳони,
Ўз тилида навони.
Ундан-бундан куй термас,
Ёлғончини ёқтирмас.

Мажлислар бўлар тез-тез,
Юраклар қилар без-без.
Бир муаллим олди сўз,
Унга боқар неча кўз.
«Менсимас бизни ёшлар,
Кўпаймоқда бебошлар.

Ўрмонлар ҳам бад ҳаво,
Эҳ, эсмас боди сабо.
Бунда ахлат уюми,
Шамол элтар куюнни.
Қандай олай нафасни,
Кўрмам бундай қафасни.
Ачинаман тун-куни,
Ўйламай қўйдик шуни.
Дарахтлар кесилмоқда,
Юрагим эзилмоқда.
Бирни кесиб ўн экмоқ,
Келажак ғамин емоқ.
Керак дейман мен албат,
Сўзим бўлса ҳам ғалат».

Яна бири сўз олиб,
Дедилар завққа тўлиб:
«Тозаликка риоя,
Ўзни айлаб ҳимоя.
Қилсак дейман жон ўртоқ,
Йўқса ишимиз чатоқ.
Полапонлар ўлмоқда,
Гулғунчалар сўлмоқда.
Синфларда қолоқлик,
Тартибсиз бош-бошдоқлик.
Ошиб бормоқда қаранг,
Болалар ўқир аранг.
Билимга йўқ эҳтиёж,
Пулдан ясагайлар тож.
Патлари гўзал бўлса,
Егани асал бўлса.
Осмонда қилса парвоз,
Десалар «яша шоввоз».
Ўзлари-чи, зўр бўлса,
Ёққан чўғи қўр бўлса.

Сўз навбати каккуга,
Берилиб у туйғуга.
Сўзин шундай бошлади,
Бир-бир назар ташлади:
«Читтаквой олди унвон,
Кезиб чиқди у жаҳон.
Унинг айтгани-айтган,
Каттаси раҳбар ўтган.
Аммасига қариндош,
Бошлиғи унга қондош».
Кимлардир хўп мақталар,
Кимгадир сўз ниқталар.
Ҳамманинг боши тушган,
Кимга мақтов ёпишган.
Йўқдан бор қиладилар,
Борни ўлдирадилар.
Муаллимлар йиғини,
Ўткир сўзнинг тиғини.
Санчар муҳтарам бошлиқ,
Сукутда гўё борлиқ.
Ҳар сафар фалон домла,
Номига қилар ҳамла.
Қачонгача бедодлик,
Давом этар вот-вотлик.
Қадрини билмоқ керак,
Сувсиз ҳеч ўсмас терак.
Кимдир муҳаббатга зор,
Меҳнати бўлмоқда хор.
Унга ким қилар парво,
Ширин сўз унга раво.

Қалдирғоч ҳам сўз олди,
Атрофга разм солди:


«Япалоққуш, бойўғли,
Кулонкир¹ бўлиб ўғли.
Гунашбону ойимга,
Сўзлари мулойимга.
Қуда-қудағай бўлди,
Икки кўнгиллар тўлди.
Тўёнага вайрона,
Яйрасин деб жанона.
Сўрадилар бердилар,
Қуда кўксин кердилар».
Бу ўтган замон эди,
Аҳвол кўп ёмон эди.
Энди ҳаёт бошқача,
Кексадан то ёшгача.
Ўқингизлар дўстларим,
Ерда қўйманг сўзларим.
Булбулой булбул билан,
Тоза соф кўнгил билан.
Меҳрдан сарпо қилиб,
Вафо тўёна бўлиб.
Кўрсинлар ширин турмуш,
Топгани тотли емиш.
Эксак янги ниҳоллар,
Бўлар кўнгил баҳорлар.
Келажакка пойдевор,
Қўйган бўламиз алҳол.
Беҳуда текширувлар,
Раҳбарга етказувлар.
Жонларнинг эговидир,
Кимларни-чи, овидир.
Ўтган сафар фалончи,
Мақтовлари ёлғончи.
Яна олди у унвон,
Энсам қотади ҳамон.

¹ Гулханийнинг «Зарбулмасал» асари қаҳрамонлари.

Муаллимлар юрагин,
Ҳар нарсадан керагин.
Ишдан чиққанин билмас,
Ўз ишлари билан маст.
Ёши улуғ қушларни,
Бажарган юмушларни.
Биз назарга олайлик,
Эътибордан қўймайлик.

Шу он савалаб ёмғир,
Шаббода эсиб ғир-ғир.
Чақмоқ чақа бошлади,
Осмон кўзин ёшлади.
Ёришиб кетди ўрмон,
Қушлар боқди ҳар томон.
Жала урар қамчисин,
Анҳор йўқотган учин.
Тушиб саросимага,
Ўрмон бағри кемага.
Ўхшаб қолди шу замон,
Аҳвол бўлди кўп ёмон.
Давом этарди мажлис,
Она қушлар-чи, без-без.
Полапонин ўйларди,
Деразадан бўйларди.
Шу вақт ҳоким бободан,
Хабар келди ҳаводан.
Ҳаммага рухсат бўлди,
Оналар бағри тўлди.
Полапонин кучдилар,
Ҳар томонга учдилар.
Қушлар ҳам омон қолди,
Эртагим тамом бўлди.

09.03.1997 йил



МАЛИКАХОННИНГ ИШЛАРИ

Куз келди. Табиат бирам сўлим ва чиройлики, боқиб тўймайсан. Деразамизнинг олдидаги бир туп теракнинг барглари аста сарғая бошлади. Бундай ҳолатни кўриб, кўнглинг бироз завқланса-да, вужудингни маҳзунлик қоплаб олаётгандай бўлади.

Маҳалламиз бошидаги ариқнинг сувлари тиниқлашиб, унинг тагидаги турли хас-хашак ва ахлатлар кўнглимни беҳузур қилади. Дадам ҳар куни саҳарда туриб ҳовли супуриш ва кўчаларни озода қилиш ҳақида кўп гапирдилар. Эмишки, кимнинг ҳовлиси ва дарвоза остонаси тоза бўлса, осмондан фаришталар томоша қилиб турар экан ва шу уйга барака ёғилиб, ўша қизга бахт тилар экан. Кимки, ухлаб қолса, бу бахтдан бебахра қолар экан.

Ҳалима холанинг қизлари улғайиб, турмушга чиқиб кетгач, холага ёрдамчи керак бўлиб қолди. Келини бўлса ора кунда онасиникига кетгани-кетган. Уларга раҳмим келиб, дарвозасининг тагига сув сепиб, супуриб қўяман. Бундан хола миннатдор бўлиб, узоқ дуо қилади.

Ҳадемай, кузги таътил ҳам бошланади. Барчамиз маза қилиб дам олгач, мактаб бағрига қайтамиз. Меҳрибон ўқитувчиларимизнинг берган билимларини тинглаб, юракка жо қиламиз.

15.10.2010 йил

МУҲАББАТ ВА ВАФО КУЙЧИСИ

*Муҳаббат доғини изҳор этарга,
Юракда Нодира бир қатра хун бас.*

Ўзбек мумтоз шеърятининг ёрқин намоёндаларидан бири Нодирабегимдир. Нодирабегимнинг асли исми Моҳларойим бўлиб, шоира XVIII асрнинг охирида Андижонда таваллуд топган. Шоиранинг номини тилга олар

эканмиз, вужудимизда қандайдир фахр ва ифтихор туйғуси уйғонади. Чунки, у – Андижон фарзанди. Нодирабегимнинг пок сийрати ва сурати авлодлар қалбида ҳамиша ардоқдадир.

Нодирабегим Андижон ҳокими Раҳмонқули бийнинг ҳуснда тенгсиз ақл-заковатли ягона фарзанди эди. Фарғона ҳукмдори Олимхон тоғаси Раҳмонқули бийнинг қизи Моҳларойимни укаси – Марғилон ҳокими Умархонга олиб беради. 1810 йилда Амир Умархон тахтга чиқади. Шу тариқа Моҳларойим мамлакат маликасига айланади.

Шоира ўз шеърларини дастлаб «Комила», кейинчалик «Нодира» тахаллуси билан ёзиб, эл орасида Нодираи-даврон номи билан шуҳрат қозонган.

Амир Умархон ҳукмронлиги даврида Қўқонда адабиёт ва санъат равнақ топган. Саройда тез-тез мушоиралар ўтказилиб турилар, хон шоиру шуаролар, олиму фузалоларга эътибор билан қарар, уларга хайрихоҳ ва ҳомийлик қилар эди.

1822 йилида Амир Умархон вафот этгач, унинг ўғли, ўн тўрт ёшли Муҳаммад Алихон тахтга ўтиради. Улкан ҳудудни ўз ичига олган Қўқон хонлигини бошқаришда Моҳларойим унга кўмак беради, давлат ишларини бошқаради. Умархон даври анъаналарини давом эттириб, адабиёт ва санъат аҳлига ҳомийлик қилади. Нодирабегим шоирларга ҳам маънавий, ҳам моддий ёрдам кўрсатади, уларни китоб ёзишга ундайди. Ўзи эса ҳаммом, мадраса, саройлар барпо қилдиради.

Маъдалихон (1822-1843) 21 йил ҳукмдорлик қилади. Ўз давлатини Қашқар ва Қора Тегин (Тожикистон) вилояти ҳисобига кенгайтиради.

Маъдалихон сиёсий ишларни юргизишда, афсуски, ота йўлидан бормади. У дин пешволари билан чиқиша олмади. Умархон даврида Қўқон хонлигида хўжалар, сайидлар, умуман, дин пешволарининг роли катта бўлиб, улар саройдаги юқори мансабларда хизмат қилишарди.

Маъдалихон уларга қарши сиёсат олиб борди. Уларнинг кўпларини ўз амалларидан четлатди ва мамлакатдан қувғин қилди. Қувилганларнинг кўпчилиги Бухорода Амир Насрулло саройидан паноҳ топдилар. Тарихда «Насрулло қассоб» деб ном чиқарган Амир Насруллога ариза ёздилар. Маъдалихон отаси уйланаман деган қизга уйланди деб, уни кофирликда айбладилар.

Бухоро амири ана шу вазиятдан фойдаланиб, Қўқон хонлигини ўзига тобеъ қилиш мақсадида уруш бошлади ва бу урушда унинг қўли баланд келди.

Насрулло Қўқонга комил мусулмонликни даъво қилиб юриш қилган экан, нега бунга, аввало, ўзи амал қилмади? Негаки, унга ер-сув, давлат керак эди. Маълумки, Нодирабегим тож-тахт ишларини юргизишда ўғлига катта ёрдамчи бўлди. У адолатли сиёсат юритди. Бундан чўчиган Амир Насрулло шоирани фарзандлари қатори қатл эттиради.

Эй, Худо! Эй самоват! Бу сўзларни битиш учун шоирга ва ёзувчига катта бардош керак. Андижоннинг гўзал, оқила ва дилбар қизи, шоира қизи нега бундай қисмат топди? Ўтмишда аёллар нега бунчалар хўрланган? Шукур, бизнинг замонада аёл иззат-хурматда. Аёлнинг мартабаси улуғ.

Гарчи ўтмишда аёлларимиз ўз ҳуқуқларидан маҳрум бўлиб, тутқунликда яшаган бўлсалар-да, шунга қарамай, жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшдилар. Адабиёт ва санъат хазинасини дурдона асарлари билан бойитдилар. Бу соҳада шоира Жаҳон Отин Увайсий Нодирабегимга ҳамкор ва яқин дўст бўлди. Уларнинг ўрталарида ботиний меҳр-муҳаббат қарор топди. Улар эгачи-сингил бўлдилар.

Шоира Увайсий Амир Умархон саройида ардоқли ва иззатли кишилардан бирига айланди. Демак, Нодирабегимнинг ғазаллари аввал Амир Умархон назаридан ўтса, энди шоира Увайсийнинг эътиборида бўлиб, маслаҳат-

ларига амал қилар эди. Амир Умархоннинг забардаст шоир эканлигини эътироф этиш керак. У «Амирий» тахаллуси билан ғазаллар ёзган. Шу ғазалларидан бирини ўқиб кўрайлик-чи!

*... Ҳусн шоҳисан, жоно, бу ҳазин гадоларға,
Кўз учи ила боқиб хайр айла, эҳсон қил.
Иҳтисоб учун зоҳид кирса дайр аро, соқи,
Бир қадаҳ била онинг зуҳдидин пушаймон қил.
Истасанг кўнгулларни ғамза ёйиға қурбон,
Қошларинг ҳилолими моҳи ийди қурбон қил.*

Умархон Нодирабегим учун севимли ёргина эмас, балки ғамхўр ва меҳрибон устоз ҳам эди. Уларнинг бахти тарихда жуда кам учрайдиган масъуд бахт эди. У севиб-севилганини ҳис қилган ҳолда куйлади. Шоира шеъриятида дард бор, алам бор. Аламли севгининг садоси, парчаланган дилнинг нидоси бор. У аёл армонини, аёл ноласини куйлади. Шунинг учун ҳам унинг ғазаллари ошиқ кўнгилларга куч-қувват бағишлайди.

Нодирабегим ўз ғазалларида ошиқ кўнгилларни жуда кучли севишга, шу севги ўй-хаёли билан яшашга чорлайди. Севган кўнгилларга фақат яхшилик ва эзгулик ҳамроҳдир.

*Жаҳондин кеч, хаёли васли ёр эт,
На гул сайр айла, на фикри баҳор эт.
Муҳаббатсиз киши одам эмасдир,
Гар одамсан муҳаббат ихтиёр эт.*

У Саъдий, Ҳофиз, Навоий, Бобур, Фузулий, Бедил, Машраб каби буюк Шарқ шоирларининг асарларини тинмай ўқиди ва улардан ўрганди.

Шоира бахт ва муҳаббатни куйлар экан, унинг тори ўлим ханжарига тегди-ю синди. Нодира ҳали ёш экан, унинг севимли ёри, устози Амир Умархон вафот этди. Энди унинг шеърлари маъюслик тусини ола бошлади.

Ғам-ғусса билан тўлган бу ғазалларда вафодор ёр тимсолини яратди.

*...Шод эди ул шоҳи даврон васли бирла хотирим,
Айш даврониға солди, даври гардун инқилоб.*

*Бевафолардек сени ҳаргиз фаромуш айламай,
Нодира ёдингни айлар, то дами явмул-ҳисоб.*

Нодиранинг кейинги шеърларида қалб изтироблари, ҳаяжонлар, мушараклик, маъюслик кайфиятини ҳазин руҳ қоплаб олади.

*Васл уйин обод қилдим, бузди ҳижрон оқибат,
Сели ғамдин бу иморат бўлди вайрон оқибат.*

*...Орзу қилдим тутармен деб висоли доманин,
Пора бўлди ҳажр илкида ғарибон оқибат.*

*...Нодира булбул каби то нола иншо айладим,
Навбаҳор ўтди, хазон ўлди гулистон оқибат.*

Ёхуд мана бу шеърида ғам, алам ва мотам шоира вужудини қоплаб олганлигини кўраимиз.

*Вафо шаҳбозидурман, гар мени сайд этмоқ истарсан,
Муҳаббат риштасидан қилғосен, зинҳор домимни.*

*...Муриди ишқи оламсўз ман ушшоқ базмида,
Навою нолаи найдек баланд этди мақомимни.*

*...Жавоби шоҳ байти Нодира, ул нодири даврон,
Тегиб санги ажал сундурди мийно бирла жомимни.*

Бундай шеърларни ўқиганда ва куйлаганда ўқувчи қалбида беихтиёр севги дардини ҳис этади. Шоира дунёвий муҳаббатни олқишлади ва ардоқлади. Ҳар бир аса-рида Умархонга бўлган ҳурмати ва муҳаббати ўз акси-

ни топган. Чунончи, Умархон вафотидан кейинги вафо, соғинч ҳақидаги ғазалларни ўқиб, беихтиёр шоирани вафо куйчиси, деб айтгинг келади.

*Муҳаббат кунлари меҳри дурахшонимни соғиндим,
Мушибат тунлари шаъми шабистонимни соғиндим.
Қародур рўзгорим меҳри тобонимни соғиндим,
Ситамлар жона етти, баски жанонимни соғиндим.
Амири кажкулаҳ жамшиди давронимни соғиндим,
Зарофат бобида ноёб султонимни соғиндим.*

Шоира болалигида устози Ҳафиза отин кўлида таълим олади. Болаликнинг қайтмас онлари ёдига тушганда, уни кўмсаб-кўмсаб, яна ижод лаззатидан бахраманд бўлади.

Андижоннинг боғлари, далалари кўз ўнгидан бирма-бир ўтади. Дугоналарининг беғубор орзулари, бокира хаёллари туйғуларини жунбишга келтиради. Шўх қизларнинг ботиний тилаклари хаёлот дарёсига етаклайди. Онаси Оишахонимнинг гўзал рухсорини соғинар экан, кўз қорачиқларини ёш қоқлайди. Андижонга келган чоғлари, албатта, устозини йўқлайди ва унинг дуосини олади. Устоз ҳузурда ўтирар экан, илк сабоқ олган чоғлари ҳамда ғазал бўстонининг сир-синаотларига ошно бўлаётган кезлари ёдига тушади.

Дастлаб ёзган ғазалларини ҳеч кимга кўрсатмасдан ўқиганлари, унинг кўнглини юксакликка кўтарувчи ширин изтиробидан ҳузурланган ҳолатлари кўз ўнгида жонланади.

Нодирабегим форс-тожик тилида Макнуна тахаллуси билан ғазаллар ёзди. Демак, шоира икки тилда ижод қилди.

Жумладан:


*Интизорам боту эй сарви хиромоним биё,
Чон ба каф истодаам, барҳез чононам биё.
Аз хаёли зулфи ў Макнуна пур ошуфтам,
Соати бор пурсиши ҳоли паришонам биё.*

Нодира Комила ва Макнуна тахаллуслари билан ўзбек ва тожик тилларида ижод этди.

Нодирабегим ҳаёти ва ижодини ўрганиш борасида муайян ишлар қилинган. Турли даврларда қатор асарлар яратилди. Ҳошимжон Раззоқовнинг «Нодира» пьесаси, Мирза Каримнинг «Моҳларойим» романи ана шулар жумласидандир.

Шу ўринда бир ижодкор сифатида улуғ шоирамизнинг ижодини ўрганиш, унинг номини абадийлаштириш борасида яна кўплаб янгиликлар қилишимиз зарурлигини айтиб ўтмоқчиман. Яна вилоятимизда Нодира сиймосини акс эттирувчи ҳайкал ўрнатилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бугунги ёш авлод халқимизнинг шундай мард ва жасур улуғ фарзандларидан ўрнак олса, улардай бўлишга интилса дейман. Бу саъй-ҳаракат ёш авлодни тарихимизга ҳурмат билан қарашга, Нодирабегимнинг юксак фазилатларидан ибрат олиб яшашга ўргатиш билан катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлади, албатта.

10 июнь, 2010 йил



НУР САРИ ЧОРЛАБ

Тун... Ҳамма ёқ осуда. Жамики жонзот ширин уйкуда. Февралнинг ўртаси бўлса-да, Ҳхво уқадар совуқ эмасди. Ажаб, бу қиш фақат бир марта қор ёғди. Газ ва свет(электр чироғи) танқислигига ўрганиб ҳам қолдик.

Энам ҳақидаги узуқ-юлуқ хотиралар туни билан тинчлик бермади. Албатта, менинг энг яқин ҳамроҳим – қалам ва дафтаримни қўлга олдим. Аллоҳим яхшиям шуларга ошно қилгани.

Энам (Отамнинг онаси) Тожибуви отин узун бўйли, оппоқ юзли, сочлари узун, чиройли аёл эди. Энам ҳақида сўзламаслик, ўйламасликнинг иложи йўқ. Ҳа, ёш ўтгани сари яқинларинг, жигарларинг ҳақида кам ўйлайдиган бўлиб қоларкансан. Аммо улар сенинг қалбингда, юрагингнинг энг тўрисида яшаётганини билармикансан? Биласан... Ҳаётнинг ўз юмушлари сени банд қилиб қўйган, холос.

Энам билан бирга ухлаб ажойиб эртақларини тинглар эканман, у кишининг ҳидларига сира тўймасдим. Юз ёшни қоралаб қолган энам тоат-ибодатларини канда қилмас, таҳорат ва бошқа юмушларни ўзи (ётиб олиб буюравермас эди) бажарарди. Албатта, мен ҳар ишида у кишига ёрдам беришни чин дилимдан хоҳлар эдим. Аммо бунга унамас эдилар. У даврларда, эслашимча, (1940-1950) атир-упа ва бошқа эҳтиёж моллари ҳозиргидай сероб бўлмаса-да, уларнинг ораста юришлари аёл сиймосини янада улуғларди.

Ҳозир мени бир нарса ўйлантиради. Балоғат ёшига етмаган қизларнинг кийинишлари, соч турмаклашлари, қолаверса, юзлари ва лабларига чаплаган упа ва лаб бўёқлари ярашадими ёки ярашмайдими, улар учун аҳамияти йўқ. Тўғри, ҳозир ривожланган даврда яшаяпмиз. Аммо гул гуллигини қилиши керак-ку! На ҳожат, гулга ортиқча пардоз, ортиқча безанишлик.

Энам бобомдан жуда эрта бева қолган. Мен бобомни кўрмаганман. Болаларини ўзи катта қилиб, элга қўшди. Борига сабр-тоқат ва қаноат қилиб яшар экан, бизга ҳам шундай таълим ва тарбия берди. Соч ўриш ва турмак-лашни ҳам ўргатар, ҳеч нарса назаридан четда қолмас эди.

Энамнинг табобат илмидан хабардорлиги, ғазални чиройли ўқиши, зиёли эканлиги менда орзулар сари поёни йўқ йўлларни очар, қалбим аллақандай гўзал ҳис-туйғуларга ошно қилиб борарди. Бу туйғулар баҳор ҳавосидай соф ва беғубор, гуллар каби нафис ва оромижондир. Улар мени адабиёт, хусусан, шеър деб аталувчи буюк маъвога етаклади, унинг дарди билан яшашга ундади.

Энам тез-тез хонадонимизда кўплаб диний маросимларни ўтказар, уларни кўриб ва тинглаб, улғая борар эканман, албатта, бу яхшилик ва эзгулик сари қилинаётган маросимлар менинг мурғак қалбимда нозик туйғуларни уйғотарди.

Орадан бир қанча вақтлар ўтди. Ўқидим ва болаларга сабоқ бердим. Менинг ҳам шеърларим ўз мухлисларини топди. Энамдан олган таълим ва тарбиям ҳаётимда маёқ каби йўлимни ёритди, ҳар битта шеър яратилган кунда энамнинг руҳлари шод бўлгандир. Энам пиширган (шинни марварток тутдан тайёрланар эди. Чунки бу тутнинг шираси ўткир) шинни ва сумалагини ташиган бола пайтларим қалбимда ўчмас из қолдирган.

Онам энамнинг қўлига (1942 йил) ўн етти ёшида келин бўлиб тушган экан. Жуда ҳам ёш... Худди шу йили кичик амаким Турғунбой урушга (Иккинчи жаҳон уруши) кетиб, қайтиб келмаган. Оилани бошқариш қанчалар қийин бўлган, онажоним тенгли ёш келинлар эса келинлик даврини суролмаганлар. Мамлакатда урушнинг авжи қизиган пайти эди. «Қора хат»ларни ўқийвериб, одамларнинг юраги зада бўлган. Амакимдан Чирчиқ бўйларига кетяпмиз, деган мазмундаги хат келганича

бошқа ҳеч нарса келмаган. Энам эса «Турғунбойимни тушумда, туманлар ортида қоронғиликда кўрдим», деб йиғлаганча кенг енгларининг учи билан кўз ёшларини артиб, тақдирга тан берар эди. Туманлар орти, бу албатта, жанг даҳшатлари, мамлакат ўғлонларининг бевақт ўлимлари эмасми? Бу қирғинбарот йилларни биз ҳам китоблардан ўқиб, кинолардан кўриб билганмиз. Катталарнинг мунгли ҳикоялари, албатта, бизнинг қалбимизда душманга, хусусан, фашизм зулмига чексиз нафрат уйғотар эди. Ҳозирги телеканаллар орқали берилаётган ур-йиқит кинолари асаб торларимизни таранг қилиб қўймоқда. Бошқа миллат ва мамлакатларда бўлганидек, Хитой, Корея, Япония каби мамлакатларнинг киноларини томоша қилиб, инсон қадр-қимматини ўйлайман. Бўлар-бўлмасга инсоннинг боши кесилади. Баъзан шуларни бермаса нима бўлар экан, деб ўйлаб қоламан. Инсон зоти доимо яхшиликка ва эзгуликка ташна. Албатта, ҳар бир асарнинг мақсади, туб моҳияти яхшилик ва эзгуликни тараннум қилишдан иборат бўлиши керак.

Фашизм дунёга келибдики, ҳаммани ўзига қул қилишни, ўзига тобе бўлишни, онгсиз ҳайвон сингари буюрган ишини бажаришни мақсад қилиб олган эди. «Кимки, бировнинг юртига қилич кўтариб кирар экан, ўзи шу қиличнинг зарбидан ҳалок бўлади», деган пур маъноли гап бор. Албатта, шундай бўлди. Буни унутмоқ мумкин эмас..!

Ана шундай қийинчиликларга чидаб турмуш кечи-раётган энамнинг бошига яна азобли кунлар тушди. Турли раҳбарлик лавозимларида ишлаб келаётган катта ўғли мулла Умарали икки ўғли ва хотини вафотидан кейин асаб касаллигига учрайди. Мулла сўзи ҳар қандай одамнинг исмига қўшилмас эди. Чунки, дадам (амакимни дада, деб айтардик) қасидахон домла бўлган. Албатта, дадам, энам ва отамни оқ ювиб, оқ тараш онамнинг зиммасида эди. Қайси келин қайиноғасига шундай самимий

меҳр билан ғамхўрлик қилади. Онажонимнинг жойлари жаннатларда бўлсин! Қўшниларнинг айтишича, дадажонимнинг илми ғолиб келган эмиш, ҳар нечук юрагидаги дардларни дафтарга тушира олмаганми, билмадим.

Отам ғазал ўқиб, ҳиргойи қилиб юргучи эди. Мен уларни ҳавас ва ифтихор билан тинглар эдим. Ўша қўшиқ ва ғазаллар юрагимнинг туб-тубига ўрнашиб қолган. Яхшиямки, отамдан биз ёдгор бўлиб қолдик. Унинг чироғини ёқувчи, авлодлар сулоласини давом эттирувчи укам Абдуҳалимжон қолди. Абдуҳалимжонни, айниқса, дадам еру кўкка ишонмас эди. Инсон ҳаёти бир текис ўтмас, яхши ва ёмон кунлар ҳеч кимни четлаб ўтмас экан.

Отам – Акбарали ўша даврларда элликбоши лавози-мида ишлар экан. Урушдан тинкаси қуриган халқ бутун куч-қувватини пахта фронтига қаратади. Шундай кунларнинг бирида отам шаҳарлик ҳашарчиларни қайсидир колхозга олиб боради. Бир неча кун уйқу нималигини билмаган отам шийпонда ухлаб қолади. Ўшанда 1947 – 1948 йиллар экан. Худди шу куни Андижонда қаттиқ зилзила бўлиб, шаҳар ва қишлоқлар вайрон бўлади. Уйқуси ичида бундай воқеадан кўрқиб кетган отам, шийпон эшигини очиб, ташқарига чиқолмайдди. Чунки, ҳаммаёқ зимистон эди. Мана шу кўрқувдан отамнинг кўзларига зарар етади ва икки кўзи кўрмай қолади. Электр нури ҳали бу ерларга етиб келмаган, халқ урушдан кейин бор куч-ғайратини ишга солиб, кўтаринки руҳ билан меҳнат қилиб, турмуш шароитини яхшилашга сарф этар эди.

Одамларнинг уст-боши ҳозиргидай башанг бўлмай, борини озода қилиб кияр, ортиқча сарф-харажатга берилавермас эди.

Мана, орадан йиллар ўтди. Мустақиллик йиллари бизга насиб этди. Минг шукур! Ёшларимиз келажаги бундан-да ёруғ ва ёрқинроқ бўлади, иншааллоҳ. Нафс деган бало уларни ўзига қул қилиб олмаса бўлгани.

Ҳозирги ёшлар тимсолида ўзимнинг ёшлигимни кўргим келади. Содда ва бегубор эдик. Юзларимиз ва лабларимиз ҳар хил бўёқлар билан чапланмаганди. Ҳозир эса ҳаддан ортиқ бўяниб-чирманиш, моданинг кетидан қувиш ҳатто мен тенги ва мендан ёш аёллар орасида куп учрамоқда.

Уйқуси ичида юз берган бундай даҳшатли воқеадан кўрқиб кетган отам солиғини йўқотади ва икки кўзи кўрмай қолади. Бу сўзларни ачиниш ва армон билан битяпман. Кўзимда ёш... Дилим вайрон... Юрагимнинг туб-тубида бир оғриқ бор. Ана энди қайиноға, турмуш ўртоқ ва кексайиб қолган қайнонанинг хизматида бўлиш, уларга ғамхўрлик кўрсатиш онамнинг зиммасига юклатилди.

Қариндош-уруғ, маҳалла-қўйга энам доя эна бўлиб танилганди. Ҳозирги фан тили билан айтганда, акушер-гинеколог вазифасини ҳам уддаларди. Шу ўринда ўша кунлардан бир эпизод келтирмоқчиман. Кўшнимизнинг қизи энамга «Қулоғимни тешиб қўйинг», деб кўрпа қавийдиган 10-рақамли игнани кўтариб чиққанини энам кула-кула эсалаб юради.

Бизнинг ҳовлимизда уч-тўрт эшик нарида боғимиз бўлиб, бу ер жаннатнинг ўзгинаси эди. Шу боғда ўсувчи ғайлона (ҳозир бу мева йўқолиш арафасида. Унинг данаги узун ва нозиккина бўлар эди. Меванинг ранги кўкимтир, тўқ сафсар рангда эди)нинг лойидан олдириб, энам биқинига қўярди. Бу қандай касалликка дорилигини билмайман. Яна қандайдир санчиққа жавонимизнинг ғаладониди турувчи кийикнинг шохини қўйгучи эди.

Уйимиздан келди-кетти аримас, икки хона, икки даҳлиз ва айвон ҳамда меҳмонхонадан иборат бўлган ҳовлимиздан чиройлироқ гўша йўқ эди мен учун. Бу ҳовли ўзининг қандайдир файзи билан, дастурхоннинг тўкинлиги билан ажралиб турарди. Эҳе, бу хонадондан неча-неча улуғ инсонлар ўтди.

Бобом Тиллабой ўзбек, амаким мулла Умарали, унинг умр йўлдоши Ҳалимахон момом ва болалари Абдуман-

ноб, Адҳамжон, Бухажал аммам, кичик амаким (Иккинчи жаҳон уруши қурбони) Турғунбой, отам Акбарали, онам Муҳаррамой, укам Абдуҳалимжон, синглим Мавжудахон. Уларни ҳеч қачон унутмайман. Ўтганларни Аллоҳ раҳмат қилсин, дея дуо қиламан.

Энамнинг ўқиган китоблари кўз олдимда поёни йўқ кенгликни очар, адабиётнинг сир-синуатини тезроқ уқиб олгим келар, бола қалбим олам гўзаллигига ошно бўлиб борар эди.

«Хурилиқо» ҳақидаги эртаги ва китоби, китобнинг чеккасига чизилган расм кўз олдимдан сира кетмайди.

Китоб-китоб экан-да... Маънавий озуқани китобдан олганга не етсин. Орадан қанча йиллар ўтмасин, у қалбининг аллақарида нур сочиб тураверар экан.

*Бола эдик, жуда ёш эдик,
Энам қўшиқ қуйларди бизга.
Қарашлари бақувват-тетик,
Ҳар жумбоқни соларди изга.*

Ана шундай... Энамнинг қўшиқларини тинглаб улғайдик. Энам бир юз икки (102) ёшда оламдан ўтди. Аллоҳ раҳмат қилсин!

30 апрель, 2009 йил

ОНА НИДОСИ

Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган амаким Турғунбой Тиллабоевнинг ёрқин хотирасига бағишлайман.

Чимилдиқни кўрмадинг-да, жоним болам,
Ёринг қўлин сўрмадинг-да, жоним болам.
Турғунбой деб қўйгандим-а, болам отинг,
Армонларга тўлди ажаб гул ҳаётинг.

Ризқинг қайтсин дебон нонни тишлатувдим,
Қулуниму тойчоғим деб кишнатувдим.
Эркалатсам қиқир-қиқир кулар эдинг,
Яратгандан иқболингни тилар эдим.

Туғилгандинг илк баҳорнинг кечасида,
Шалолалар тошган наҳор эртасида.
Шўхликларинг сойлар каби тошар эди,
Шодликларим дунёлардан ошар эди.

Қадамларинг уйларимга ярашарди,
Бўйларингни отангга чун менгзашарди.
Сармаст эдим туғёнларим тошар эди,
Орзуларим олам аро яшар эди.

Полвон ўғил ўстирдим деб ғурурландим,
Бўйинг кўриб қалбим билан сурурландим.
Асалтойим отанг ўрнин босиб қолгин,
Ардоқлигим сўзларимга қулоқ солгин.

Ўн тўққизга тўлган кунинг видолашдинг,
Фарзанд доғи билан кўксимни доғлашди.
Бўғзим аро ёмон оғриқ солиб ўтди,
Қай манзилга билмай қолдим поезд элтди.

Ватан учун олға дўстлар деган нидо,
Юракларга бир муҳаббат солди Худо.
Тупроқ ялаб, қон кечганда онам дединг,
Титраб-титраб бир оҳ билан жонни бердинг.

Билмам фашист деган бало қайдан чиқди,
Йигитларни гул вақтида гўрга тикди.
Энди кўнгил боғларида гул очмасми,
Ифорларин ҳар ён-ҳар ён эламасми.

Севган қизинг сочларига оқ оралаб,
Шеърлар ёзар юракларни садпоралаб.
У ҳам сендай хур қизларга ошно бўлди,
Чаккасига таққан гули аста сўлди.

Тенгдошлари алла айтиб тонг оттирар,
Бешикларин теграсида тун оқарар.
Оҳ, қанчалар майин-майин алла сўзи,
Бола учун посбон эрур она ўзи.

Мана, ёр-ёр эшитилди у ҳовлидан,
Бироз тушгандайин бўлдим мен ҳовримдан.
Чилдирманинг бака-банги дилим хушлар,
Куймайман-у, аммо юрак баъзан хушлар.

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,
Ўланчи қиз ёр-ёр.
Ваъдасида турмаган,
Ёлғончи қиз ёр-ёр.

Уйларимда янграмади ёр-ёр жаранги,
Қўшиқларга солдим нетай юрак оҳанги.
Майин еллар шивирлаши дил ёқади,
Ушбу еллар қанотида меҳр оқади.

Сенинг билан бутун меҳрим ғариб бўлди,
«Қора хат»инг олган куним руҳим ўлди.
Аллаларни, ёр-ёрларни айтолмайман,
Энди мен ҳам бу ҳаётга қайтолмайман.

Укаларинг кетди бирдан сен томонга,
Туғёнларим ўртаниб қолди нолонга.
Шеърларимнинг қати тўлди ғам-андуҳга,
Юрагим толалари тўлди чандиққа.

Қайси бирингни айтайин, жоним болам,
Юлдуз учган куни минг бор ёндим болам.
Фарзанд доғи солганларнинг уйи куйсин,
Уларнинг ҳам кўзларига тупроқ тўлсин.

Болам дедим, жоним болам, жоним болам,
Кўзларимга тўлди найлай, жоним болам.
Хиром айлаб ўйнаганда ўйнар эдим,
Шодлигимдан сармаст бўлиб куйлар эдим.

Украина ери муқаддас, мўътабар,
«Қора хат» олганда топдим-да, хабар.
Жанглар борар эди шиддатли беаёв,
На қушлар хониши эшитилар бирров.

Днепр йиғлади сув ўрнида қон,
Тўлқин-тўлқин бўлиб оқарди чунон.
Тарас Шевченко ёди кўнглим йиғлатди,
Гул чоғи сўлган қиз бағрим тиғлатди.

Яраланган шаҳарлар, мажруҳ кўнгиллар,
Доғини куйласам етмасми унлар.
Пайҳон бўлган далалар барги хазонлар,
Бу ерда ётмишлар неча сўзонлар.

Қайси номард отган ўқи кўксинг кучди,
Ўша куни осмонимдан юлдуз учди.
Оймома ҳам парда ёпди булутлардан,
Тоғларимиз айрилмасин бургутлардан.

Билолмайман болам сенинг қабринг қайда,
Нолаларим етиб борсин чалган найда.
Оромингни бузгим келмас полапоним,
Орзулардан яралганим, бир жаҳоним.

Тушларимга кириб чиқар рус ўрмони,
Қайинзорлар шовуллаши ҳар томони.
Сўқмоқ йўллар манзилингга етказарми,
Жим-жит ҳаёт ўз ҳукмини ўтказарми.

Анов дарахт тепасида бир қуш сайрар,
Яшил олам бағрим очай вужуд яйрар.
Зангор қўлнинг замзамаси дилим овлар,
Уйғотмангиз бунда менинг болам ухлар.

Қалдирғочнинг қанотига хат ёзгандим,
Хафа бўлма биров озиб, ҳам тўзгандим.
Турналардан сўрай десам «қурей» дейди,
Кўрмадик деб астагина бошин эгди.

Шундан бери ҳар баҳорда боғлар кезгум,
Ярим кўнгил соғинчи-ла дилни эзгум.
Намозшомгул, садарайҳон ифоридан.
Сени ўйлаб бирпас чиқай хуморимдан.

Осмонимда қарчиғайлар учиб ўтса,
Талпинаман зора менинг қўлим етса.
Боғларимда нашъу намо энди ўзга,
Қалам ожиз борин тўкиб солса сўзга.

Укаларинг кириб келди, уйим тўлди,
Боз устига байрам билан тўйлар бўлди.
Ҳамма менга ҳавас билан қарар бўлди,
Не бўлса-да, бўлди шукур ғаним ўлди.

Хувиллаган хонадоним файзли бўлди,
Кечалари бир ажойиб нурга тўлди.
Қадамлари хосиятли ўғлонларим,
Боғларимни яшнатувчи боғбонларим.

Паҳлавоним душманни ер тишлатибди,
Босиб олиб қулундайин кишнатибди.
«Ура» дебон фашистларни қувиб солди,
Кечиргайсиз андаккина хаёл олди.

Ватан деган садода меҳр оқади,
Меҳр бирла қўшилиб Қуёш балқади.
Шукур дейман ҳар кишининг бордир ватани,
Руҳи бирла ҳамоҳанг қўшилган тани.

Хаёлларим жонланиб яшай бошладим,
Янги орзу-ҳаваслар тўрин ташлади.
Қанотимнинг бир томони синган эрса,
Наҳот бахт бирла бахтсизлик бирга юрса.

Ғалабанинг бонги бирдан жаранглади,
Эллар аро тинчлик сўзи боз янгради.
Кўнгил йиғлар болам дебон отганда тонг,
Ғалабанинг садолари урганда бонг.

Дунё бўйлаб тинчлик деган кўприк қурдик,
Ёлғон эмас, сўзимизда собит турдик.
Ўтганларнинг яшамоқлик ҳаққи бизда,
Тинчлик йўли борар мудом битта изда.

Хазонрезнинг кўрпаси қабринг ёпдими,
Ҳур йигитлар орасидан сени топдими.
Ҳур қизларга етишмоқлик душвор бўлди,
Йиғлай-йиғлай анолдайин юзим сўлди.

Хотирамнинг бисотида сўз қолмади,
Сенинг учун ўлай дедим ўлим олмади.
Қурбонлар ёдига қўйилган ҳайкал,
Менинг қалбим аро ёқилган машъал!

Мана тонг отмоқдадир, олам мунаввар,
Бола эзрур онага нур ичра гавҳар.
Бузилмасин ҳеч қачон садаф кўрғонинг,
Шу бўлсин-да, охирги уруш кўрганинг!

1 сентябрь, 2019 йил

ОТАМ ВА ОНАМ СУРАТИГА ЧИЗГИЛАР

Суратлар, суратлар, суратлар...

Укам, синглим, онам, отам ва мен...

Ўртоқларим...

Ажаб туйғулар... Гоҳ ғашлик, гоҳ шодлик, гоҳ армонли туйғулар...

Бу суратларни томоша қилсам киприklarим устида дона-дона марваридлар пайдо бўлади. Эътибор қилмайман. Томоша қилишда давом этаман. Аммо ичимдан хўрсиниш отилиб чиқади. Унга ҳам парво қилмасдан, суратларга бир-бир разм соламан. Ҳалиги хўрсиниш ёшга айланиб, дафтарим юзига тўкилади.

«Сизлар мени ҳеч ҳоли қўймадинглар», деб тўйгунимча улар билан дардлашаман. Бироздан кейин улар ҳам, мен ҳам енгил тортамыз. Кўзлар андак қизаради. Хўрсиниб, хўрсиниб нафас олиб, нега, қандай қилиб, деган саволлар қуршовида қоламан.

Онамнинг мунис чехраси, отамнинг беғубор қиёфаси бирма-бир кўз ўнгимда намоён бўлади. Яна кўз ёши, яна хўрсиниш. Мени булар ҳақида арзирли бирор нарса ёзолмаслигим анчадан бери қийнаётганди. Кўз ёшларим, ўтинаман сизлардан, мени бир дам холи қўйинг. Уларнинг таъриф ва тавсифини топиб олай, уларнинг бири меҳр билан боқиб турибди, бири эса ҳолимни сўрамоқда. Менинг ҳолимни булардан бошқа ким тушунади, дардимга ким дармон бўлади.

Онажон, отажон, ўғил-қизим бўйига етди. Маслаҳат беринг. Адашиб қолмайин. Бу болаларни кўриш сизлар-

га насиб этди. Ҳозир сизларнинг доно ўғитларингиз роса керак бўлмоқда. Аммо...

Ўйлайман. Булар қандай қилиб ўғил-қизларига сеп-сидирға қилиб, ўқитиб, яна ўз тенгига узатиб, уйлаб-жойлашган экан? Бу сўзлар бир қарашда жуда оддий ва эриш туюлади. Аммо унинг замирида беқиёс меҳнат, муҳаббат ва садоқат ётади. Оталик, оналик меҳр-муҳаббати бор бунда. Уларнинг муҳаббатлари биздан болаларимизга ўтганмикан? Бўлмаса топган дунёимиз фақат болаларимизга демас эдик, чоғи.

Ўйлайман... Ўйларимнинг поёни йўқ. Ўйларимни чексиз далаларга ирғитгим келади. Яна акс садо келади. Менинг ўйларимдан баланд тоғлар кичрайгандай, адирлар зангори тўнлари остига яширингандай бўлади.

Ўйларимни дарёлар турли ирмоқларга бўлиб юборади. Шунда биттаси дарё қирғоғидаги дарахт шохига илиниб қолади. Улар мени асло тарк этмайди. Уларнинг бири отам, бири онамдир.

Оқар дарё, ўйларимдай тошқинсан жуда. Сўзларим шу ерга келгач, ниҳоя топди, шекилли, қуйидаги мисрани ёзгим келди.

Йиллар – бу армонли, аламли йиллар.

18.02.1998 йил

СЕВГИ ИЗТИРОБИ

Ҳофиз йигит ноласи

Севги – энг тотли туйғу.

Севги, сеvgи, сеvgи... Бунчалар нозик туйғусан. Сенга қай куни ошно бўлдим экан. Ўша кун Аллоҳ ярлақанган кунмиди. Чунки, менинг қалбимга сен ташриф буюрдинг. Сенга ошно бўлибгина қолмасдан, юрагимнинг энг нозик торларига бир умрга муҳрландинг.

Севги деган садодан инсонийлик ва эзгулик тушунчалари жаранглаб туради. У шундай пок туйғуки, қалбинг ришталарини нурга йўғрилтиради. Бу нур сен босиб ўтадиган йўлларни ёритиб тургусидир. Олислардан маёқ каби порлаб, сени буюк ишлар сари чорлайверади.

Қушларнинг чуғур-чуғурларидан борлиғим яйрамоқда. Улар сен бўлиб куйламоқдалар. Она табиат булбул учун гулга ошиқлик ҳиссини берган экан. Атиргул ғунчасида не сир-синоат ётган бўлса, сенинг қалбингда мен англаб етмайдиган беқиёс туйғулар хониш қилмоқда. Наҳот шу туйғуларни юзага чиқариш мушкул эрур.

Азизам... Севгилим... Баҳорда илк кўз очган бойчечакдай қалбимда кўз очдинг. Қалбим кўзгусини ойнадай мунаввар этдинг. Шу кундан ҳаётим зарварақларида хушнуд дамлар бошланди. Сенинг борлигингга беадад шукроналар бўлсин. Сен билан ҳаётим мазмунли ва сержилвадир.

Сени ишқ маъбудасига ўхшатгим келади. Сабабини излай-излай топмадим. Бу сўз авваллари ҳам жуда кўп ошиқлар тилида такрорланган, ўша сўзга, ўша таҳсинга лойиқ бўлган одамларга ҳавасим келади. чунки улар маънан бой, руҳан пок инсонлардир. Бировнинг муҳаббатини қозониш осон эмас, ҳамиша мусаффолигича қолаверади, шундай эмасми азизим...

Ошиқлик дарди дунёдаги энг бебаҳо неъмат экан. Бу дард қалбимга шундай кириб келдики, баҳорда эркаланиб, нозланиб юз очадиган ўрик гулларини олма чечаклари ифорини, шафтоли гулининг нафислигини бахш этди. Мен бундан миннатдорман. Ваҳоланки, ҳаётда шу гулларнинг муаттар ҳидини сезмайдиган, уни ҳис қилмайдиган инсонлар ҳам бор-ку.

*Гўзал баҳор боғларида дилбарим қолди,
Ёшлигимнинг ғўр тунда кўздан йўқолди.
Вужудимга дард-аламни у бисёр солди,
Гўзал ёрим, қайтармисан, мен билмай қолдим.*

*Алам билан, армон билан куйлайман энди,
Кипригимга марвариддай ёшларим инди.
Севгим бирла армон ила аламлар ёнди,
Гузал ёрим, қайтармисан, мен билмай қолдим.*

*Шууримда пок бир туйғу севги ҳукмрон,
У чорласа нурга тўлар гўё бу жаҳон.
Қийналганин сезмай қолди бу ошуфта жон,
Гузал ёрим, қайтармисан, мен билмай қолдим.*

*Қалбда оққан қўшиқларим сенга ҳавола,
Тонгда эсган шаббодада борган ҳар нола.
Томчи бўлиб юзинг ўпган у гузал лола,
Ўшал менман, қайтармисан, мен билмай қолдим.*

*Гузал баҳор боғларида дилбарим қолди,
Ёшлигимнинг ғўр тунда кўздан йўқолди.
Вужудимга дард-аламни у бисёр солди,
Гузал ёрим, қайтармисан, мен билмай қолдим.*

Бу безовта жонимни қайларга сиғдирай. Нечун қийнайсан? Борлиқ олам торлик қилади. Бу қийноқ, бу армонлар энди менинг қўшиқларимда акс этади. Ҳофиз йигит куйлаганда, бир хўрсиниб қўйсанг, шунинг ўзи етарли.

Сен билан биз бирга бўлсак, тоғлардан акс садо келар, дарё тўлқинлари қирғоқларга урилиб, боғлардан ширингина сабо елиб, гулларнинг рақсидан вужудимиз енгил тортмасмиди? Сен ана шуни истамадинг севгилим! Кечир мени!!!

25.03.2005 йил

СОҒИНЧ ДАРЁСИ

Достон

«Алвидо, қалбимнинг сўнмас ҳайкали!»
Сайр этиб ўтдинг чамандан,
Севганим ёр билмадинг.
Ташнадир шундан буён,
Боғу гулзор билмадинг.

Севганим бахтим десам,
Сен келмадинг ҳолим сўраб.
Умри оромимни олдинг,
Эй жафокор, билмадинг.

(Қўшиқдан)

I

Ўзича ҳиргойи қилар Муҳаррам,
Нигоҳи бехосдан Акбарга тушди.
На бир дўст, дугона беролмас ёрдам,
Қалбига тўсатдан оташ туташди.

Акбар ҳам кўрди-ю кўнглидаги қиз,
Рўбарў турарди қошлари камон.
Эҳтирос қоплади, деёлмай бир сўз,
Яшаш ҳисси ортди йўқ жонга омон.

Бир-бирига зимдан талпинар юрак,
Эҳ, ўша муҳаббат оташи янги.
Ёниш ўзгача, ўзгача тилак,
Дунё кўрган эмас бундайин тенгни.

Қабул ҳайъатидан кўнгиллари чоғ,
Оламга сиғмайин чиқди-я, улар.
Бу бахтдан энтикиб куларди бироқ,
Икки юрак фақат севгидан сўзлар.

Танишди институт остонасида,
У бир гул, у бир чўғ таърифга тил лол.
Севилмоқ бор экан пешонасида,
Толейи ёрқиндир кулмишдир иқбол.

Кўм-кўк далаларда йиғим авжида,
Осмоннинг бепоён кенглиги аро.
Шўх-шодон кулгилар ярашар жуда,
Қалбларнинг қалбларга кўприги аро.

Саф тортган тераклар сафланиб гўё,
Хаёл фариштасин чақирар эмиш.
Бепоён даладан яралган дунё,
Наздимда севгидан яралдим дермиш.

Борлиғи ризқ-рўзу сеҳргар дала,
Не-не севгиларга бўлгандир макон.
Олмазор боғларда куйланар ялла,
Аларнинг гулидир ҳазрати инсон.

Жийда гулларида севги бор эмиш,
Ифори дилларга илҳом бўлибди.
Шу сабаб чўллар ҳам фусункор эмиш,
Ошиқлар қалбига кўшиқ тўлибди.

Кўшиққа боғланар ҳар тенгу тўшинг,
Ажиб бир кўшиқдир авжлари баланд.
Руҳингга киргач, ул, элитар ҳушинг,
Ўн саккиз ёшлилар бўлгуси пайванд.

II

Ўн саккиз ёшида гўзал муҳаррам,
Муҳаббат туйғуси оташ солибди.
Бу не ҳол, қандай сир ўйлаб дамодам,
Поёнинг тополмай ўйга толибди.

Ўқиркан қадрдон олий даргоҳда,
Ҳар куни – бир дoston – гул очар боғда.
Гузалик истабон ҳар хил нигоҳда,
Ишқ сеҳрин топарди гулу япроқда.

Гуллардай ёнади чиройида нур,
Кифтига терилган кокил ҳисобсиз.
Оҳ, майин товланар дудоғида дур,
Ҳеч бир гул яшнамас, унмас офтобсиз.

Ўйчан кўларида бўлар намоён,
Қиз кўнгли нозикдир, жуда ҳам нозик.
Гар қалби севгига бўлса ошён,
Унинг ҳам чарақлаб юрмоғи тузук.

Нурсиз соҳилларга элтмасин севги,
Юракда жўш урсин бўлмай бешафқат.
Ёшликда бўлмайди ундан буюги,
Ёнар дил, куяр дил кўрмаса шафқат.

III

Курсдоши Акбрни илк бора кўриб,
Вужуди оҳиста титрай бошлади.
Бирдан юрагини садпора кўриб,
Бу не ҳол деди-ю дилин ғашлади.

Ўшал кун юракка тушди-да бир чўғ,
Умрга етгудай дард бўлди ошно.
Сўроқсиз, жавобсиз қадалган бир ўқ,
Зарбидан ҳамоно яшайди ташна.

Ўй, хаёл энг яхши ҳамроҳи эрур,
Кўрганда лол қолар, кўрмаса-чи зор.
Соғиниб, зориқиб кутган кун келур,
Бир ширин туйғуга айлади-я, ёр.

Курсдош дугоналар ҳавас-ла боқар,
Йигитлар кўзида ойдаи жамоли.
Соғинч дарёсида бетиним оқар,
Бўлмасин ҳеч қачон севги уволи.

IV

Акбар ҳам кўрди-ю энтикди бирдан,
Навниҳол вужудга тўлди ғалаён.
Ҳайрондир ўзи ҳам энди бу сирдан,
Қалбига ишқ сеҳри қурмиш ошиён.

Бу сирни кимга, деб кўнглини очсин,
Ё ўзи қоврилсин, бир ўзи ёнсин.
Ҳайрондир не қилсин, қийноқдан қочсин,
Юракни эзгилаб бу ўйдан топсин.

Кўрмаса кўришни истаиди кўнгил,
Кечалар шеър ўқиб Ойга сўзлайди.
Ошкор этмоқни қистайди кўнгил,
Пинҳона ёнади, пинҳон бўзлайди.

Кўзлар кўзлар билан учрашса агар,
Боқолмас бемалол бир ўт туташар.
Шунда бутун олам бўлиб мунаввар,
Энг нурли тонглари отганга ўхшар.

Дўстлар ҳам тек турмас, зимдан боқишар,
Ҳавас ва хасад-ла, кўнгил олишар.
Эҳ, ёнган кўнгилга олов ёқишар,
Билиб-билмай дилга қутқу солишар.

Нима ҳам бўлди-ю Акбаржон бир кун,
Муҳаррам йўлини пойлади зимдан.
Безовта дукиллар, юрак олмас тин,
Шод эди қайтгандай худди базмдан.

Илк бора кўрдим-у сени рухсорим,
Чечаклар юз очди чаман боғимда.
Сўроқсиз қалбимга кирган озорим,
Сени авайлайман кўз қароғимда.

Ўйларинг, хаёлинг мен билан бирга,
Ошуфта ҳолимни етказсин сабо.
Мен имкон берайин энди сабрга,
Куйсам, куяман-у, бўлмайман адо.

Бундан муҳаррамни кўриб жонланди,
Юзлари ёришди, кўзлари ёнди.
Гўё вужудига ўт қаловланди,
Гуллар йиғилди-ю рангин товланди.

V

Муҳаррам ўзига жой тополмайди,
Оёғи чалишар, қўлин яширар.
Бир сўз бордир, буни ҳеч айтолмайди,
Шу сўз илинжида қувониб яшар.

Ассалом Акбаржон, салом Муҳаррам,
Қандайсиз, кутяпман дарсга кирмасдан.
Юрингиз бўлмаса кечикмай бир дам,
«Кеч қолдинг», деб домла қовоқ уймасдан.

Бирин-кетин дарсга кириб келдилар,
Яна ўша ҳол-у илмга шўнғиш.
Дўстларнинг баъзиси бундан кулдилар,
Дардин ичга ютиб кўтармай нолиш.

VI

Хаёл оғушида яшар муҳаррам,
Ичини кемирар сирли туйғулар.
Фалакда Ой эрур энг яхши ҳамдам,
Ўйлашнинг зарбидан қочган уйқулар.

Сен, сен, сен,
Дарёмидинг сен..
Мен етмаган иқболимидинг!?
Жуда олис манзилда порлаб
Нур сочувчи зиёмидинг сен!
Рўёмидинг сен,
Хаёлимни умрингга боғлаб,
Вафоси йўқ дунёмидинг сен,
Тўлқин бўлиб хайқириб оққан
Қалбимдаги садомидинг сен!?
Сатрлари ҳижронни ёзган
Ажаб мунгли навомидинг сен!?
Жафомидинг сен,
Билмам
Дилдан садоқатимга
Жазомидинг сен!?

Ҳа, шундай туйғусин шеърга солади,
Тинмайин ўқийди дилда бир сурур.
Шеър тинглаб, шеър ёзиб баъзан толади,
Ўзи пок, дили пок, пок эрур ғурур.

Муаллим бўлмоқлик ишқида ёниб,
Фанларни титкилаб солар измига.
Тунлари бедор-у, эрта уйғониб,
Гоҳо лол қолади кўнгил азмига.

VII

Бир неча келди-да, пахта мавсуми,
Кўнглига дард солар таниш пахтазор.
Тонгнинг энг севикли эрка насими,
У кунлардан фақат топмаса озор.

Қалбим қалбингизга туташди бирдан,
Мени лол қолдирди сиздаги ибо.

Сўзингиз жаранги келарди қирдан,
Чин дилдан севдим-у, қилмадим парво.

Туну кун хаёлим сиз-ла бўлди банд,
Ўзгани кўз кўрмас, тилар васлингиз.
Иқрори дил оғир уринсам ҳарчанд,
Муносиб сўз йўқдир айтсам васфингиз.

Севди-ю севилди бечора қалбим,
Севги остонасида оҳ йиқилди.
Меҳрингдан яшнамай бу пора қалбим,
Пойингга хазондай аста тўкилди.

Баҳорим қайтмади кутдим неча йил,
Юракда доғлари авж олаверди.
Унутдим десам кўнмайди бу дил,
Шамоли олисдан боз келаверди.

Бу шундай туйғудир Еру осмон бир,
Фалақдан тушгайми, илоҳийми у.
Маконим бўлса дер майли қир, адир,
Сиғмагай оламга бу шундай туйғу.

Севди-ю севилди бечора қалбим,
Севги остонасида оҳ, йиқилди.
Меҳрингдан яшнолмай бу пора қалбим,
Пойингга хазондай аста тўкилди.

Шу зайил шеър айтиб бўлди ҳаваскор,
Ич-ичидан куйди-ю тўкди борини.
Чин дилдан ишқига бўлса-да иқрор,
Ҳеч кимга алишмас у дилдорини.

VIII

Акбаржон хомушдир, она ҳайрона,
Не десин, қандай сўз бўлар тасалли.
Бу сирли севгидан ёна ва ёна,
Чорасин топсайди бунинг ақалли.

Она, она экан пайқаб бу ҳолни,
Ўйланиб бир чора излай бошлади.
Ўғли сўлиб борар ёмон аҳволи,
Ўғлига ачиниб кўзин ёшлади.

IX

Она дер: «Кўй болам, мени қийнама,
Шаҳарлик қизлар-чи, нозик бўлурлар.
Ўзингча тенг бўлиб ҳарчанд синама,
Меҳнатга чидамас тезда сўлурлар.

Жон болам унашай қишлоқ қизига,
Чиройда тенгсизин мўлжаллаганман.
Суқ билан боқурман унинг юзига,
Бахтингни шунда деб ўзим билганман.

Сен менинг фарзандим, дилбанди жоним,
Ёмонликни раво кўрмасман асло.
Уримнинг зийнати руҳи-равоним,
Кимим бор дунёда ўзингдан аъло».

X

Акбаржон қолди-я ўй гирдобида,
Осмондан ёғилди гўё ташвишлар.
Адашмайман, дерди, севги бобида,
Бошландими дейман энди нолишлар.

Кўнгли чироқ ёқса ёнмайди ҳаргиз,
Менинг Муҳаррагим қайда қолди.
Қалбингга қулоқ сол, кечир гўзал қиз,
Усиз менинг қалбим фарёд солади.

Муҳаррамни кўрдим, тинчим йўқолди,
Қалбимнинг тубига ажиб нур инди.
Ўшал кун юракда мангуга қолди,
Чайқала-чайқала гўё сув тинди.

Муҳаббат мен сени изладим,
Сукунат қаъридан нарида.
Дардимни кечага сўзладим,
У дейди: «Кечақол баридан».

Муҳаббат бунчалар йироқсан,
Ойдинда тўкилган шуъладай.
Ошиқлар ичмаган булоқсан,
Мен ўқиб етмаган сурадай.

Муҳаббат – жонимга қасд қилган,
Армонсан, нолонсан, фигонсан.
Умримни аламга тўлдирган,
Мен учун ёлғонсан, ёлғонсан.

XI

Ишқ ила қолгай маломатга бу кун бошим менинг,
Не учун келмас ёнимга яқин сирдошим менинг.
Сен кезарсан пахтазорда, эй азиз барно йигит,
Мен кўриб қоматларинг қолмайди бардошим менинг.

Шу замон бир қайрилиб йўл устида гулшанга боқ,
Бунда соф севгига учрар навқирон ёшим менинг.
Неча севганларни кўрдим тингладим ишқ куйини,
Куйласам мен сен учун тинмайди кўз ёшим менинг.

(Қушиқдан)

Қушиқнинг сеҳридан мастдир Муҳаррам,
Юракдан чиққан бу наво ким учун.
Тинглагин қалбимни, эй гўзал ҳамдам,
Кундан-кун бу оташ кўрсатар кучин.

Шоир ҳақ, хонанда куйлар борини,
Тушунмоқ осонмас қизнинг қалбини.
Не тахлит билдирай кўнгил зорини,
Кўтариш осонмас севги зарбини.

XII

Пахтазорда меҳнат симфонияси,
Баралла куйлашар қизлар, йигитлар.
Эх, ёшлик умрнинг ҳар сонияси,
Парвозга шай турар мисли бургутлар.

XIII

Даладан қайтаркан; «Муҳаррам, шошманг,
Бироз ортда қолинг, гапим бор, – деди.
На мунча тез юрмоқ, дарёдай тошманг,
Мавриди кўнглимни очайин энди».

Шу онда узоқдан кулиб Нигора,
Яйраб, яйраб келиб орага кирди.
Акбаржон ичида ёнди тобора,
Айтар сўзларининг қулфи бекилди.

Акбаржоннинг гапи оғзида қолди,
Бундай ҳол неча бор такрорланса-да.
Тинмайин ўйлашдан Муҳаррам толди,
Бутун ўй-хаёли озорланса-да.

XIV

Кундан-кун чиройи очилар қизнинг,
Кўкдаги ҳилол ҳам ҳусн талашар.
Мағзи пуч бўлмасин мақтовли сўзнинг,
Бундай пари-рўйни кўрмади башар.

Хумор кўзларида севги яширин,
Бир оз паришонҳол бўлиб кўринар.
Қувалаб ўтади йил ҳам бир-бирин,
Севги сўзин тан олмасга уринар.

XV

Она яна қистаб қўймади аҳвол:
«Қани у нозанин ақлингни олган?
Ҳой бола, гапимга энди қулоқ сол,
Энди фақат менинг билганим-билган».

XVI

«О, онажон нечун қийнайсиз мени,
Севмоқ, севилмоққа берингиз изн.
Орзуим сўнмасин топтаб туйғумни,
Севгисиз ҳаётим бўлмасин ҳазин».

Бунда Муҳаррамдан садо бўлмасди,
Икки ўт куйдирар, танда тоқат йўқ.
Муҳаррамни деса, она кўнмасди,
Кўксида ўрмалар куйдиргувчи чўғ.

Мунчалар тундсан-а, Муҳаррам айтгин,
Севганим гуноҳми, мунча қочасан.
Ғурурнинг бефойда йўлидан қайтгин,
Қаролмам кўзингни олиб қочасан.

Бемалол сўзлашга изн бермайсан,
Пинҳона нигоҳ-ла мени тергайсан.
Бунда онажоним истагин вожиб,
Келтирмоқлик билгин ўзи ҳам ажиб.

Бахтингга шунчалар лоқайд қарайсан,
Қачон бўлар сенда севги иқрори.
Туйғунгни ҳаёга нега ўртайсан,
Баъзида устундир йигитнинг ори.

XVII

Акбаржон бир куни шахд бирла деди,
Муҳаррамга тўкай дилда борини.
Тортинишга асло ўрин йўқ энди,
Берилиб тингласин кўнгил зорини.

«Муҳаррам, Муҳаррам, гўзал Муҳаррам,
Эшитгин дил тўла армонларимни.
Ха, дегин бир бора очилгин сен ҳам,
Айтайин кел энди афгонларимни.

Ишқинг тушибди бизнинг кўнгилга,
Бечора дилнинг зорини кўрдим.
Қай куни, меҳр берибман ё раб,
Қилмай тараҳхум хорини кўрдим.

Юз ғамза бирла ақлимни олдинг,
Ошкор этгали балки уялдин.
Бошимга бунча жафони солдин,
Ишқ борасида орини кўрдим.

Келса навбаҳор боғларда лола,
Юзи қизармиш биздан уяла.
Ажиб туйғулар қалбимга сола,
Гулларнинг кўрки борини кўрдим.

Ям-яшил олам хумори ўзим,
Кечиргин мени нолондир сўзим.
Соғинчим ортар берсин-да, тўзим,
Сендай жафокаш ёрини кўрдим.

Ишқнинг гадоси бўлса-да, Акбар,
Гулзор ичинда таралса анбар.
Сенсан ягона, ул моҳи анвар,
Гулнинг бағрида хорини кўрдим».

XVIII

Муҳаррам тортинди дўст-ёрларидан,
Бахт қушин учирди ўзга қиз томон.
Қийналди юракнинг озорларидан,
Туй куни аҳволи бўлди кўп ёмон.

Йўргакланган орзулар,
Йўргагида қолдилар.
Икки кўнгил хувиллар,
Ўйлашдан ҳам толдилар.
Ўтар кўп даври-даврон,
Ўртадаги бу армон.

Иккисини эзадир,
Буни юрак сезадир.
Аммо юрак яраси,
Эх, бу дарддан асрасин.

XIX

Тўй бўлди, курсдошлар хизмат қилдилар,
Чимилдиқ ярашди янги уйларга.
Мангуга бир қизнинг бағрин тилдилар,
Менда ҳам мажол йўқ буни сўзларга.

Аммо йигит қалбида,
Севмоқликнинг зарбида.
Бир муз бор эримайди,
Не қиларин билмайди.
Она айтгани бўлди,
Уйи чечакка тўлди.

Ишқинг билан гирёнаман, ёниб-ёнаман,
Ширин сўзинг гадосиман, мен бир донаман.
Садаф ичра ёнган гавҳар, оҳ дурдонаман,
Қалбинг аро нур истаган бир парвонаман.

Эх, эркалаб ел ўйнайди чексиз самода,
Вафолигим номи дилда қолмас ҳавода.
Севгим ёнар, қалбим ёнар чинман вафода,
Ёшлик берган бахти менинг куйлай навода.

Оҳ, бунчалар оташ бўлар, оташ муҳаббат,
Ҳижрони ҳам гўзал экан армон қатма-қат.
Ошиқ аҳлин интилгани бўлмасин ғурбат,
Кўнглим сенда садоқат-ла, севдим то абад.

Баҳор чоғи учрашдик биз олам дилрабо,
Сен юрган у гулзорларда топдим бир наво.
Хуш келдинг-а, руҳим аро, эй боди сабо,
Оппоқ-оппоқ тонглар каби кўксимда ҳаё.

Гул чечаклар унган ўша йўлимда қолдинг,
Меҳрлардан топдим сени дилимда қолдинг.
Қуйларимнинг жаранглиги тилимда қолдинг,
Пок беғубор муҳаббат-ла элимда қолдинг.

Изҳорсиз севгига бўдилар дучор,
Одобни гўзаллик рамзи билдилар.
Дил тубида қолди ниҳону ошкор,
Ҳаёни улуғлаб кўнгил тилдилар.
Аммо юрак яраси,
Эҳ, бу дарддан асрасин.

XX

Муҳаррамга ички бир нидо келди,
Йиғлади, кўнглини дафтарга тўкди.
Борлиққа сиғмайин беқарор елди,
Гўёки, шу онда қаддини букди.

Қиз қалби озордан тўлибон тошди,
Дунё тор келдими унга шу асно.
Ҳайқирди, садоси тоғлардан ошди,
Муҳаббат дардига бўлибон ошно.

Юраги бир ҳаво симириб олди,
Кўз ёши юзига жуда ярашди.
У келар йўлларда хаёли толди,
Сочини паёндоз қилиб тарашди.

Шунда шеър ўқиди, дардли аламли,
Ҳар мисра йўғрилган садоқат рамзи.
Қалбида дард тўла, кўзлари намли,
Қиз ўзи беғубор – муҳаббат рамзи.

XXI

Бахт қушингни учирдинг дерлар,
Шунчалар ҳам лоқайдлик нечун.

Дилга ишқин кучирдинг дерлар,
Афсус кейин сезасан кучин.

Наҳот қайтмас бўлса баҳорим,
Гул очмаса қайтиб у ғунча.
Ҳар баҳорда тўлса анҳорим,
Ечилмаса қалбда тугунча.

Чечаклардан кулса дала-тўз,
Хушсуратинг ҳозиру нозир.
Остонамни хатламасдан куз,
Борим айтай эмасдир ҳазил.

Ҳаёт севмас экан ҳазилни,
Лоқайдликка йўқ экан тоби.
Мен эъзоз айлаган бир сирни,
Ёзажакдир умр китоби.

Иккимиз гар бўлганда бирга,
Бўлармидик шодликдан сармаст.
Туғилажак жарангли куйга,
Илҳомимга бўлардинг пайваст.

Бўлганингда умрлик ҳамдард,
Қолмасмиди қўлида гулим.
Бир умрга етгудайин дард,
Бағишладинг менга севгилим.

XXII

Алвидо айтмоққа шошдинг-а, кўнгил,
Муҳаббат шаробин ичдинг-а, кўнгил.
Вўрлигинг панд бериб қўйдими дейман,
Синов довонидан ошдинг-а кўнгил.

Ўйладинг, ўйлатдинг, поён топмадинг,
Бир кўнгил боғида ошён топмадинг.
Шунчалар ношудман дединг-да, кўниб,
Бардош кўчасида исён топмадинг.

Мангуга портладинг жуда кеч бўлди,
Муҳаббат розига энди ҳеч бўлди.
У сенинг бойлигинг – ажиб бир туйғу,
Шу туйғу ҳамроҳинг эрта-кеч бўлди.

XXIII

Сени ойларга-да, ишонмас эдим,
У менинг юлдузим ҳеч сўнмас дедим.
Шеърга туширмоқнинг келибди гали,
«Алвидо, қалбимнинг сўнмас ҳайкали!»
Алвидо... Алвидо... Алвидо...!

14 май - 11 июнь, 2009 йил

ТИЛЛАСИНИ КУТИБ

Зафаржоннинг қишлоғи мўъжазгина. Далалари ям-яшил. Қишлоқ гузарига экилган азим чинорлар бу ерга салобат бахш этиб турибди. Ёз ойлари жуда ҳам сўлим ва оромижон бўлади. Сой бўйларини айтмайсизми...

Ҳар баҳор Зафаржон бобоси билан қишлоқ марказидан четроқда бўлган боғига кўчиб кетишади. Боғда ўрик, олма, шафтоли, узум, ғайлона, ёнғоқ, қўйингки, ҳамма мевалар мавжуд.

Зафаржон бобоси билан дарахтларнинг тагини юмшатиб, янги кўчатлар ўтказди.

«Мана бу гулнинг номи нима? Мана бу дарахт нега гулламаяпти? Сиз ҳам мендака пайтингизда бобонгиз билан бирга яшармидингиз?» деб сўрайвериб, бобосини зериктирмайди.

Зафаржон ўзи қанақа бола дейсизми? Кўзлари катта-катта, буғдой ранг, бўйлари узунгина. Гапирганда бурнининг учини қашлаб қўяди.

Баҳор келиб, олам гулга тўлганда уларнинг боғи жаннатга айланади. Асаларилар, капалаклар, тиллақўнғизлар дейсизми, Зафаржон билан дўст тутинишади. Чунки, Зафаржон уларни қувлаб, озор бермайди-да.

Бобоси Зафаржон ухлаётганида сой бўйларини айланишни яхши кўради. Зафаржон ҳам ирғиб ўрnidан туриб, боғда сайраётган қушларга жўр бўлиб, юз-қўлини ювиб, қўйларга емиш солади. Бунни кўрган бобоси: «Балли ўғлим!» деб эркалатади. Зафаржоннинг бир ёмон одати бор. У ширинликка жуда ўч. Шунинг учун ҳам ҳали мактабга бормаи туриб, тишлари сарғайиб, қурт ея бошлади. «Вой тишим, вой тишим», деб баъзан кечалари бобосини ухлатмайди.

Бир куни Зафаржон бобосига:

– Менга ҳам сумка олиб берасизми? Мен ҳам мактабга бораманми? Ўқиш, ёзишни қачон ўрганаман? – деб бобосининг ҳоли-жонига қўймади.

Бобоси:

– Қанд ейишни бас қилсанг, сариқ тишларинг ўрнига тилла тиш ўсиб чиқса, сўнг мактабга борасан, – деди кулиб.

Шундан бери Зафаржон тишининг тилла бўлишини кутмоқда.

28.07.1998 йил

Тўй

(Эртак-масал)

Бор экан-да, йўқ экан,
Оч эканда, тўқ экан.
Қадим ўтган замонда,
Ўш, Фарғона томонда.
Сичқоной бўлган экан,
Чиройга тўлган экан.
Ўсибди нозик-ниҳол,
Ҳеч кимдан кўрмай завол.
Уйнинг эркаси ҳам у,
Ота эртаси ҳам у.
Сандиқ-сандиқ сеплари,
Ошиқ бўлган кўплари.
Янги чиққан матолар,

Сичқонойга аталар.
Она бир куни деди,
Қизининг ғамин еди:
«Фалончи сичқонбойдан,
Ўзлари хотамтойдан.
Совчи келди қизгинам,
Менинг ёруғ юзгинам.
Кўпдир уйи, қўрғони,
Хўп меҳнаткаш ўғлони.
Кезар шаҳар, қишлоқни,
Текширади ҳар боғни.
Тошиб келар нон, буғдой,
Оч қолмайсан хойнахой».

Қизи деди нозланиб,
Кўзин сузиб солланиб:
«Энди тўлдим ўн бешга,
Йўқ дегайман бу ишга».
«Қизим нима деяпсан,
Жоним, эсингни ебсан.
Сандиқ тўла буюмлар,
Атлас, кимхоб кийимлар.
Қуда катта амалдор,
Уйларида хизматкор.
Сен қийналмай яшайсан,
Катта-катта ошайсан.
Куёв бўлса бўлгудек,
Ғанимларим кўргулик.
Отанг жавобин берган,
Унинг билгани-билган».

Тўй бошланди вадаванг,
Карнайлар қилди гаранг.
Завққа тўлиб мезбонлар,
Чийиллашиб меҳмонлар.

Сўзларини мен аранг,
Тушундим буни қаранг.
Майли бахтли бўлингиз,
Эртак билан қолингиз.

Лекин ўн беш ёшда у,
Бемор бўлиб ёнди-ку.
Тўлмайин балоғатга,
Қолди-ку, маломатга.
Бўлса соз орзу-ҳавас,
Ёшида олсин нафас.

26.03.1998 йил

ЎЛМАСЛИК ҚЎШИҒИ

Достон

*Устозим, муаллимим, шоир ва драматург
Низом Умарийнинг порлоқ хотирасига бағишлайман*

Тонг отди кўп дилбар қирмизи,
Шафақ-ла, уйғонди Ер юзи.
Вужудим дилбарлик истайди,
Гўзал шеър ёзгин деб қистайди.

Ўлкамда янгидан яратиш,
Ишлари авжида зўр юмуш.
Эркинлик, ҳуррият барқарор,
Сўз эрки қаламга бўлди ёр.

Тошқин сув мисоли илҳомни,
Ушлайман эл берсин баҳони.
Устозлар пойида мен турдим,
Янги бир асарга қўл урдим.

Алифбони ўргатган устоз,
Хотирасин қанча қилсам оз.
Ёзай дейман бир гўзал достон,
Чин кўнгилдан келтириб имон.

Мактаб экан билимнинг кони,
Ўқитувчи тоза виждони.
Табаррукдир пойи остона,
Дунё ичра азиз ягона.


Эзгуликка ҳамиша муҳтож,
Болалари бўлмасин-да, кож.
Ўқиб, уқиб дунё танисин,
Қалбга қўйсин китоб маънисин.

Китоб экан энг яхши ҳамроҳ,
Яхшиликка етакловчи роҳ.
У зулматни енгувчи чироқ,
Юрагингга энг яқин ўртоқ.

Бир қизчаман сочим жамбалак,
Ўртоқларим бариси малак.
Ўқитувчим қўлимдан тутди,
Эҳ, шунга ҳам не замон ўтди.

Сентябрнинг қутлуғ кунда,
Қадам босдим нур тўлқинида.
Муаллимлар нурли юзларин,
Кўриб завқим ортган кезларим.

Кечагидек ёдимда бари,
Кунлар экан куннинг дилбари.
У кунларни қўмсаган чоғим,
Кўргим келар болалик боғим.



Сўнги кўнғироқнинг жаранги,
Кўп беғубор отарди тонги.
Фанлар билан боғланар онгим,
Уйғотарди юртимнинг бонги.

Шеъриятнинг олтин калитин,
Тушда кўрдим гўзал талъатин.
Илк тингловчим онам йиғлади,
Чин юракдан бахтим тилади.

Мен шу зайл шеърий маъвога,
Ошно бўлдим гўзал дунёга.
Устозларга қилдим кўп ҳавас,
Улар руҳи кўллаб ҳар нафас.

Вақти келди Низомжон устод,
Таърифини мен айлайин ёд.
Билими ва меҳри уммондир,
Шогирдларга бағри осмондир.

Талабасин дилдан эъзозлаб,
Билимдан кўр қалбига қалаб.
Тарих дарсин олиб борарди,
Ўқувчисин йўлга соларди.

Тоқати тоғчадир устознинг,
Ўзгача жаранги ҳар сознинг.
Қофия нелигин билдим-да,
Ҳар сўзин қулоққа илдим-да.

У зотга эҳтиром бўлсин деб,
Сўзларга билганча бердим зеб.
Яратган кўлласин илоҳим,
Яхшилик, эзгулик дилхоҳим.

Яралсин бир дoston, ўқувчим,
Қофия, сўз, мисра тўқувчим.
Ҳар сўзим меҳридан эшилсин,
Дилларнинг тугуни ечилсин.

Сўз бошладим устоз номидан,
Ҳам баҳори ҳамда шомидан.
Йўлга солди мени мактабим,
Ўрни келди энди мақтайин.

Икки қават истараси зўр,
Аммо ўзим ҳали жуда ғўр.
Чопа-чопа чиқиб ўқийман,
Қофиясиз мисра тўқийман.

Уйимизга жуда ҳам яқин,
Қалбимиздан чақнайди чақин.
Болалигим яқин ҳамроҳи,
Шеър битардим гоҳи ва гоҳи.

Ота-онам бағрида ўсдим,
Зулматларнинг йўлини тўсдим.
Чанқоқ бўлдим илмга доим,
Билдирганди буни Худойим.

Муаллимим Низомжон устод,
Рухларини айлагайман шод.
Ҳамиша у эди жонкуяр,
Талабасин жонидан суяр.

Йиллар ичра устодни бир бор,
Йўқлолмадим қалбимда озор.
Тирикликнинг кўйида елиб,
Юрабердим бағримни тилиб.

Устоз деса дегулик эди,
Ҳар бир дарси тарихий эрди.
Билими-чи, мисоли уммон,
Тенг келарди шаксиз бегумон.

Шоир десам, муаллимлиги,
Ишларининг зўр ҳалимлиги.
Ҳавасларим орттитар эди,
Раҳбарликни қотитар эди.

Раҳбар бўлди бир неча йиллар,
Беш баҳо-ла барчани сийлар.
Синфимиз-ла очдик биз музей,
Таърифига келмас бир сўзей.

Ўтганлардан ягона ёдгор,
Қолсин дебон очдик биз илк бор.
Хаккар кавуш, паранжи-чачвон,
Берди халқим не бўлса имкон.

Ватаннинг бир парчаси бўлиб,
Хона турар яшнабон тўлиб.
Сўзлар гоҳи қадим Турондан,
Армонлари ўтарди жондан.
Афросиёб қўшиғи тилдан,
Тушмас эди асло бу элдан.

Жангу жадал кўрган халқим-а,
Жасоратинг етмас ақлим-а.
Не ситамлар кўрган ўзбексан,
Шунинг учун ўзига бексан.

Ватан ишқи кўпчитар қонни,
Уйғотади тоза виждонни.
Ғафлатлини Ватан ҳам суймас,
Ватансиз юрт ишқида куймас.

Истиқболинг ўйлайин Ватан,
Сен тинч бўлсанг ҳар ёним чаман.
Ҳар тонг сара гуллар кучаман,
Тоза булоғингдан ичаман.

Саҳар пайти ўғил туғилди,
Туғилди-ю нурга йўғрилди.
Оқ йўргакка ўради она,
Берганидан бўлиб мастона.

Отани-да, шодлиги чексиз,
Армонлари ушалди шаксиз.
Уйи тўлди нуру зиёга,
Сигмас эди ҳечам дунёга.

Бағри тўлди, қалби тин олди,
Ҳаяжонин ичига солди.
У ёрига миннатдор боқди,
Олтин, кумуш зираклар тақди.

Эганида низом шамоли,
Янада кўрк очар жамоли.
Кўқонда тонг ёришиб кетди,
Не инсонлар муродга етди.

Бир тонг отди, тонгки, мусаффо,
Гуллар унга бермишдир жило.
Нурлари-чи, олтиндан эмиш,
Яна шоир дунёга келмиш.

Низомжон деб исм қўйдилар,
Яхши тилакларга йўйдилар.
Ота-она бўлди кўп хурсанд,
Зурриёди алпларга монанд.

Оймома ҳам чиқди ярақлаб,
Сувлар тошди гўё шарақлаб.
Олам бўлди мисли гулхона,
Хонадони худди тўйхона.

Аллаларни айтарди она,
Доим бедор гўдак бор хона.
Кунлар ботиб ойлар чиқар, алла болам, алла,
Ойлар билан сойлар чиқар, алла болам, алла.

Менинг дардим айтар бўлсам, алла болам, алла,
Чақмоғидан ёйлар чиқар, алла болам, алла.
Сой бўйида юрган нима, алла болам, алла,
Қулунгинам тойлар чиқар, алла болам, алла.
Қулунгинам сен ўзингсан, алла болам, алла,
Туришингдан бойлар чиқар, алла болам, алла.

Бола аста қадам ташлади,
Бийрон тил-ла сўзлай бошлади.
Илк бор айтди она номини,
Унутмади ошиёнини.

Ҳар қадамда шоир кўргони,
Ушалармиш бунда армони.
Шоирларга бешиқдир бу юрт,
Дунёда йўқ бундайин ҳудуд.

Алломалар ўсди бу элда,
Сўз қудрати бормиш бу тилда.
Моҳлар ойим¹ шунда ётибди,
Ўлмаслик қўшиғин битибди.

Қанча шоир ва олимларга,
Ҳар бир ишда муаллимларга,
Бешиқ бўлди эҳ, она Қўқон,
Нурли тонглар отсин ҳар қачон.

¹ Шоира – Нодирабегим.

Минг тўққиз юз ўттизинчи йил,
Ўй-хаёлни сурибон дадил.
Йўл олдилар Андижон томон,
Алғов-далғов бўлганда замон.

Ички ишлар ходими бўлиб,
Иш юритди Нўъмонжон тўлиб.
Отасининг фахри Низомжон,
Энди унга Ватан Андижон.

Андижонни севгандай одам,
Қуш қанотин қоқарди ҳар дам.
Юртимизнинг бордир қудрати,
Қудрати-ла бордир ҳиммати.

Ўттизинчи қадрдон мактаб,
Низомжонга бўлди зўр матлаб.
Ўқиб илмин ошираверди,
Билимларин тошираверди.

Устозликка тушди иштиёқ,
Адабиёт – ажойиб маёқ,
Шоирликнинг нури ёритди,
Алломалар илмин ёд этди.

Тушларига кирди устозлар,
Кўрган тушин шоир эъзозлар.
Ғалати рух, ғалати ҳолат,
Эгаллади шоирни абад.

Дўстларида бу ҳолни кўрмас,
Гоҳо шодон, гоҳида маъюс.
Майсани ҳам ардоқлар чунон,
Шундай яшар шоир бегумон.

Бир кун ёзди ажойиб бир шеър,
Шодлигидан манглайда тер.
Қувончини сиғдира олмай,
Онасига ўқиди толмай.

Тили бийрон шеър дерди,
Шеъри мана бу эрди.

(Устознинг бу шеърини синглиси Ойхон опадан ёзиб олдим.)

«Маҳалламиз боғи бор,¹
Боғ ёнида тоғи бор.
Тоғ эмас, баланд мактаб²
Унинг кенг қучоғи бор.

Маҳалламиз кўп обод,
Хур ва эрур хўп озод.
Мактабим қучоғида,
Ўйнаб дарсим қилай ёд!»

Шу зайлда ўқиб, ўрганиб,
Кечалари чиқар тўлғониб.
Ушбу ҳолат ўзига аён,
Юрагида қилди ғалаён.

Болаликни қўйиб бир ёнга,
Отам солди ошуфта жонга.
Севги ташриф буюрди дилга,
Ҳамроз бўлди тоза кўнгилга.

Овозлари дўриллаб қолди,
Ҳар кун ўзин ойнага солди.
Жуда нозик ҳиссиёт ёрдир,
Энди унинг кўнгли баҳордир.

¹ А.Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғи.

² Икки қаватли 30-мактаб.

Яшил-яшил гуллар ифори,
Ҳеч кетмаса кўнгил баҳори.
Шудринглардан марварид тизиб,
Тонг елидан оҳанглар тузиб.

Совға этса гўзал ёрига,
Йўл кўймаса дил озорига.
Мана шундай севди Низомжон,
Ўз сўзидан қайтмайди бир он.

Адолат қиз жуда тортинчоқ,
Гул-лолалар бўлди овунчоқ.
Ўсди ота ҳимоясида,
Ярим кўнгилнинг соясида.

Онасилик бўлди кўп душвор,
Укаларга оналик даркор.
Бу ишларни эплаб-эпложмай,
Узун тунлар тонг оттиролмай.

Болишларга айтди сирини,
Авайлади бири-бирини.
Отасининг кўзига қарар,
Ота учун у мисли гавҳар.

Қиз кўнглида ғалати ўйлар,
Гулу солиб недандир сўйлар.
Бу нимадир баҳорий туйғу,
Ширин хаёл бермайди уйқи.

Ўн саккизим, хуш, хуш келибсан,
Муҳаббатдан оташ солибсан.
Салом баҳор, гулбаҳор ёшим,
Пешонамда кулган куёшим.

Минг тўққиз юз қирқ биринчи йил¹,
Авлодларим шуни яхши бил!
Фашизмдан қақшади эллар,
Эсмай қўйди ҳаттоки еллар.

Сафарбарлик кучайди элда,
Наъра тортди куч бўлса белда.
Тун-кун демай душманга ҳужум,
Айладилар чиндир ҳар сўзим.

Ватан фронт орти учун,
Сарфлади ёшлар бор кучин.
Низомжон ҳам ишлади тинмай,
Душманларга асло юкинмай.

Ва ниҳоят Ғалаба бонги,
Садосидан уйғонди тонги.
Тўй устига тўй мамлакатда,
Ҳар бир овул, ҳар бир элатда.

Ойхон сингил тилмоч акага,
Гулдастасин элтар паккага.
Шундай қилиб қиз кўнглин олди,
Бахт сўзидан поёндоз солди.

Икки кўнгил зўр боғланибди,
Чин севги-ла ардоқланибди.
Дуо берди Ғафур Ғуломлар²,
Улфатийлар қилди инъомлар³.

¹ 1941–1945 (Иккинчи жаҳон уруши) йиллари.

² Ўзбекистон халқ шоири.

³ Ғазалнавис шоир.

Шаҳримизда¹ биринчи бўлиб,
 Вужудимиз гулларга тўлиб.
 Талабалик сўнгги «Оқ тун»ин,
 Ўтказгандик ўргилмай нечун.

Шодлигимиз сиғмай жаҳонга,
 На жаҳонким, балки бу жонга.
 Ўзимизча бўлдик бир олам,
 Изҳорини этолмас қалам.

Шод ва қувноқ болалар эдик,
 Илм дурин мисқоллаб тердик.
 Ғам, аламлар биздан бегона,
 Ўқиб, ишлаш орзу ягона.

Болаликнинг салтанатида,
 Ота-она тилла тахтида.
 Ўйнадик, ҳам қулдик, куйладик,
 Болаликка сира тўймадик.

Ўн бир йиллаб олдик билимни,
 Илм учун чоғлаб дилимни.
 Ҳаракатин сўндирмай асло,
 Барчамиз ҳам ўқидик аъло.

Илм-фаннинг остонасида,
 Нурга тўлган кошонасида.
 Илк қадамни ташладик шунда,
 Бошланиши бир нурли кунда.

Янграганда «Карнавал» вальси,
 Хўп берилиб тушардик рақсга.
 Мана шундай ўтди ёшлигим,
 Қўзи хумор, қалам қошлигим.

¹ Андижон шаҳри.

«Оқшом қўнар гуллар аро,
Рақс бошланар, о, дилрабо.
Ҳар ён гўзал, ҳар ён баёз,
Карнавалда янграр соз.

Кел, эй дилором, дилларга ором,
Базмимизга бергин оро.
Қўшиғимиздан янграйди боғлар,
Дўстлигимиз ардоқлар».

Мана шундай қўшиқ авжида,
Хаёлларнинг тошқин мавжида.
Эркин, эркин куйлаб, ўйнадик,
Севги бўстонига бўйладик.

Севгимизни тутиб пинҳона,
Шеър ўқирдик ёна ва ёна.
Қўп беғубор бўлди бу йиллар,
Ёшлик куйин чалганда диллар.

Шундай зотлар нурли чехрасин,
Қўрдим қўшиқлари янграсин.
Олам бўйлаб, тинчликка чорлаб,
Шеърларида туради порлаб.

Андижоним – жоним Андижон,
Пахтазорда яшнар шараф-шон.
Қаҳрамонлар диёрисан сен,
Қайси бир эл келармикан тенг.

Андижонин боғу ҳавосин,
Шоир куйлар қушлар навосин.
Мана, унинг қўшиғин тингланг.
Андижонга меҳрини англанг.

АНДИЖОНИМ

(Қўшиқ)¹

Тўлди жаҳонга шонинг,
Кўпайди қаҳрамонинг.
Достон тилларда номинг,
Орденли Андижоним.

Кулди яшнаб пахтазор,
Эл меҳри дилда такрор.
Зафарларга бошлайди,
Ватанимиз мададкор.

Дўстлар мардона, мағрур,
«Олтин юлдуз» сочар нур.
Қаҳрамонлар диёри,
Номимиз элга машҳур.

Андижонлик қаҳрамон,
Сенга олқиш, сенга шон.
«Оқ олтин»дан тоғ килдинг,
Яша, заҳматкаш деҳқон.

Нақарот:

Тўлди жаҳонга шонинг,
Кўпайди қаҳрамонинг.
Достон тилларда номинг,
Орденли Андижоним.

Юртни куйлаш муқаддас орзу,
Қўшиқларда самимий туйғу.
Болалиги боғу баҳорин,
Қишлоғи-ю ҳам чаманзорин.

¹ Қўшиқ – устозники.

Дўстлик сўзи байроғида бор,
Ўз сўзига собит вафодор.
Хур Ватаннинг фарзанди эрур,
Устоз деган ажаб сўз қолур.

Тоға эрди Собир Абдулла¹,
Тингла, юрак нидосин тингла!
Бола қалбин сеҳрига олди,
Ғазал шавқин юракка солди.

Тоғасининг хизматин қилди,
Буни улуғ шараф деб билди.
Йиғилганда шоири замон,
Кўзу қулоқ бўларди чунон.

Узумлар ғарқ пишган маҳали,
Боғларига бериб сайқални.
Меҳмонларга тўлар хонадон,
Кўнгиллар ҳам яшнар бегумон.

Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон²,
Бўлар эди тоғага меҳмон.
Сайфий, Улфат ҳамда Маҳжурий³,
Шеърхонликка бўларди жўр-ей.

Ҳабиби-ю Анисий⁴ хуррам,
Покдомонлар бари жамул-жам.
Мушоира қилиб, синашиб,
Қай бирига бўларди насиб.

Шулар бўлди устози аввал,
Илмни ҳам олди мукаммал.
Шогирдлиги балки чин бўлди,
Байту ғазал осмони тўлди.

¹ Ўзбекистон халқ шоири.

² Ўзбекистон халқ шоири, бахт ва шодлик куйчиси.

³ Андижонлик ғазалнавис шоирлар.

⁴ Андижонлик шоирлар.

Ватан ишқи соз берди унга,
Шеърин битди ёш ёруғ кунга.
Камтарин-у хокисор бўлиб,
Эзгуликни шеърга тўлдириб.

Баҳорлардан оларди илҳом,
Ватан меҳри айлар эди ром.
Пьесаларни ёзди мукаммал,
Топа олди сўз ичра гавҳар.

Газетамиз номланди «Ҳавас»¹,
Мактаб шаъни ёритилса бас.
Ўзим бўлдим унга муҳаррир,
Ўқидим хўп сийлади тақдир.

Қолоқ ҳамда икки олувчи,
Интизомдан ортда қолувчи.
Ўқир яйраб ва яна яйраб,
Танқиддан сўнг ўзини ўнглаб.

Яхши, аъло баҳони ўйлаб,
Ҳар бир фанни тафаккур айлаб.
Ана шундай домлам бор эди,
Тафаккурга хўп бисёр эди.

У йиллардан ягона ёдгор,
Хотиралар қолибди бисёр.
Муаллимлар ўтди оламдан,
Акс садо келар ноламдан.

Йиғламайман дейман-у, нетай,
Ўлмас сатрларни мен битай.
Ҳар бириси битта бир дoston,
Ёзай дейман бўлсам гар омон.

¹ Мактаб (32-мактаб) деворий газетаси.

Яна баҳор, қирларда лола,
Менга тутмиш ёкут пиёла.
Булоқларда сувлар шарақлаб,
Оймома ҳам чиқар ярақлаб.

Дала-даштнинг кўрки ўзгача,
Яшил олам бўлар кузгача.
Эртамиз ҳам бундан мунаввар,
Яна унар дур ичра гавҳар.

Низомжонлар келар дунёга,
Тўлдиради нури-зиёга.
Бири шоир, бири муаллим,
Бўлгусидир бирлари олим.

Бизнинг шундай халқимиз бордир,
Меҳнат билан толейи ёрдир.
Мангуликка қўйишиб ҳайкал,
Меҳнатлари берибди сайқал.

У ўлмаслик қўшигин куйлаб,
Яшаш сўзи келар жаранглаб!

20 ноябрь, 2009 йил

УЛУҒНОР ЧЎЛЛАРИДАГИ ЎЙЛАР

Асрий қумликлар... Бу ерлар аввал нима бўлган экан?
Денгиз ё дарё... Ёхуд тоғ ва адир... Ҳар сафар бу ерга кел-
ганимда шундай жумбоқлар мени кўп ўйлантиради.

Қум тепаликлари. Катта қум майдонини иккига ажра-
тиб турувчи текис ва равон асфальт йўл. Йўлнинг бир
томонида сокин оқувчи муъжазгина ариқ. Йўлнинг ҳар
иккала чеккасига турли дарахтлар экилган. Бундан ўн

йиллар бурун чўл бағрини яшнатиб, одамларга ҳузур-ҳаловат берган бу дарахтларнинг кўпи кесилган. Уларнинг ўрни эса одамларни умидсизликка етаклагандай хувиллаб ётибди. Қум тепаликларида ўсган юлфинлар ҳам баҳорда яшнаб, янгиланади.

Уларнинг ҳам ўзига яраша жозибаси ва ҳусни бор. Буни сезиш керак, холос.

Ҳамроҳларим, қаламкаш дўстларим – Одилжон Олимов, Усмонжон Шукуров ва Фарид Усмонларнинг беғубор, самимий ҳазиллари, суҳбат давомида ўзининг мулоҳазали фикрлари билан қўшилиб, ҳар учала ижодкорнинг кадрдон дўстига айланган умр йўлдошим Шохиджон Охунжоновлардир. Шохиджон акам шоир дўстларим билан жуда кўп ижодий сафарларда бўлган. У киши мошинани ниҳоятда хушёр ва моҳирлик билан ҳайдаши, ички ва ташқи маданияти, айтилган жойга вақтида етиб келиши билан ижодкорлар эътиборига тушган.

Ййдоқ чўл бағрида кетаяпмиз. Онда-сонда қовун-тарвуз етиштирувчи деҳқонларнинг чайлалари кўриниб қолар, ариқ бўйларига экилган жийдаларнинг бошқа гуллардан ажралиб турувчи хушбўй, нафис ҳиди димоққа уриларди. Бундан сархуш бўлган дилларнинг сукунати-ни Одилжоннинг болаларча эркалик ва шўхлик билан қилган ҳазиллари бузиб юборарди.

«Мунаввархон, меҳнаткаш халқим деб шаҳар ичида куйинавергунча, мана буларни кўринг, шуларни ёзинг», деб чайла ва вагон уйларни кўрсатдилар.

Дарҳақиқат, бу вагон уйларда пахта, буғдой, қовун-тарвуз, қўйингки, халқнинг ризқ-рўзи, бойлигини яратувчи метин иродалар яшайди. Уларнинг матонатига, меҳнатига, ҳалоллигига ҳамиша таъзим қилгумдир. Негаки, эркакларни қўйинг, жонлари қирқта эмас, мингтадан қилиб яратилган опа-сингилларимиз, қизларимиз ҳаётда нима қилиш зарур бўлса, бошларидан кечириб яшайдилар. Нега уларни севмайин, нега уларни ёзмайин.

Уларнинг қора кўзлари, сунбул сочлари таърифимдадир. Уларни севиб туриб ёзаман. Қишлоқ аёлларига хос соддаликларини айтмайсизми? Чўлларда ўз қўллари билан жаннат яратаётган бу аёлларга таъзим қилгинг келади.

Бир галги сафаримиз 8-март байрами арафасида, бир шоир укамизнинг илк тўплами нашр юзини кўрган пайтга тўғри келди. Дастурхонда ортиқча ноз-неъматдан кўра, меҳр ва самимийлик кўпроқ эди. Қадаҳ кўтариш борасида Усмонжон анча вазмин. Одилжон нима деса: «Катталар билади», деб тураверарди. Бу орадаги бир ёки икки ёш ўртасидаги фарққа нисбатан айтилишими ёки ҳурмат юзасиданми билмадим. Шу билан бирга, Одилжоннинг ҳар қанча эркалигини кўтараверарди. Дўстларнинг бу шўхликлари болаларча беғубор ва самимий эди. Чунки, уларнинг қалбида яхшилик ва эзгулик ин қурган. Улар ноҳақлик, адолатсизлик, манмансирашлик, худбинлик каби иллатлар билан чиқиша олмайдилар.

Олислардан тракторнинг сеҳрли овози эшитилар, унга жўр бўлган тол ва теракларнинг майин новдалари шабадада енгил-енгил тебраниб кўярди. Сув баҳона чеклак кўтарган қизларнинг шўх-шодон кулгилари чўлнинг кенгликлари ичра сингиб кетади.

Мен ҳам суҳбатдошларимнинг мулоҳазаларига ора-сира кўшилар эканман, қалбимни нимадир безовта қилар, хаёлларим узоқ-узоқларга олиб кетарди. Бир вақтлар «Комсомолобод» номи билан машҳур бўлган бу чўлда ҳашаматли бинолар билан бир қаторда, аҳоли истиқомат қилиши учун бир хил услубда қурилган уйлар, маҳалла ва гузарлар беихтиёр эътиборингизни тортади. Буларни кўриб бу қора кўзлар нечун қувонмасин, дегинг келади. Полизнинг ўзидан хандалак, қовун-тарвуз узиб еганларимиз ёдимга тушади. Бунинг гашти тамоман ўзгача...

Аммо шундайликка шундайку-я. Ердан ўнни олиб, бирни бермаса, дарахтларни бешавқат кесса, табиатнинг эртанги тақдири ҳақида ўйламаса, бундай инсон-

ларни не деб атайин?! Бундайларни кўрсам, жиндаккина юрагим яна ҳам торайиб кетади. Хаёллар қуршовида қоламан. Қалбимдан садо келади. Ёз дейди. Чўлқуварларнинг ҳиммати, садоқати ҳақида кўп-кўп ёзгим келади. Ахир уларнинг заминга бўлган муҳаббатидан чўл бағри гуллар водийсига айлангани сир эмас.

Ҳаммамизнинг хаёлимиз чўлнинг тақдири ҳақида эканми, бирдан Фариджоннинг «Меҳнаткаш халқим, жоним халқим», деган сўзлари хушёр торттирди. Орада самимий кулги кўтарилди. Одилжон: «Ҳалидан бери Фариджон нега жимиб кетди десам, меҳнаткаш халқини уйлаб келаётган экан-да», деди, яна кулги кўтарилди.

Мошинамиз бир маромда юрар экан, чўл шабадаси юзларимизни силаб, вужудимизга роҳат ва ором олиб кирарди.

Қани энди имкон бўлса-ю чўл бағрида югурсам, ҳайқирсам. Шу зарра-зарра қумларга меҳрим, муҳаббатимни баён қилсам. Ватаннинг ҳар зарра тупроғи, шу оддий гиёҳлари, осмони, ҳавоси мен учун дунёда топилмас бойлик, бахт эканлигини ифодаласам. Бу азиз Ватаннинг ҳар томчи суви, нони, виқорли тоғлари жонимга пайванддир.

18.03.1997 йил

ҲАЁТ

Мен сени севаман, мунаввар ҳаёт!

Дунёда сендан-да қимматлироқ, сендан-да ширинроқ нарса йўқ.

Баҳор ва куз фаслида олис далалардан эшитилаётган тракторларнинг гуриллаган товушлари ҳам нақадар жонга туташ. Улар инсонлар қалбида ҳаётга ташналик туйғуларини уйғотади. Чунки улар қуриш ва яратиш билан банддирлар.

Сочларимни ўйнаб, юзларимни силаган тонг насими-ни айтмайсанми? Улар гулларнинг атрини ҳар томонга сочадилар. Азим дарахтлар бағрида эркаланиб ўйнайдилар, уларнинг кўксига енгиллик олиб кирадилар.

Баъзан хавотирга тушиб қоламан. Нега дейсанми? Бойликка сира-сира тўймаётган одамларни кўриб, эшитиб қоламан. Ёмон одамларнинг қилмишлари қулоғимга чалинади. Ҳа, яна бир нарсани айтайин, «Зангори экран» орқали жуда ваҳимали киноларни бериш урф бўлиб кетди. Уларни андак кўриб қолсам, наҳотки, бу кўҳна олам шундай ёмонликлар билан тўлиб-тошган бўлса, дея ўйлаб қоламан. Агар дунё ҳақиқатан мана шундай ярамас одамлар комида қолган бўлса, денгизлар ҳайқириб, қадимий музликлар эриб, дунёни сув босиб кетса керак, дейман. Ҳай-ҳай, Аллоҳ ўзи асрасин! Ҳали инсоният қалбида меҳр-муҳаббат, яхшилик, эзгулик деган тушунчалар барқарордир. Ўзимизнинг ҳалиги «Мафтунингман», «Маҳаллада дув-дув гап», яна ҳиндларнинг Раж Капур ўйнаган «Дайди», «Жаноб 420» каби киноларини мириқиб томоша қиламан. Негаки, бу кинолардан муҳаббат сурурини туяман, ўқиб билим олиш, яхши ҳаёт сари интилиш, табиат тасвири, миллий анъаналар яхши ифодаланган. Ижро этилган куй ва кўшиқлар сеҳрига ошуфта бўламан.

Гиёҳларни яхши кўраман. Чунки улар ҳаётимизнинг бир зарраси. Уларни сира юлиб ташлагим келмайди. Одамлар эса устимдан куладилар.

Мана шунақа, ҳаётжон. Сени қанчалар яхши кўришимни англагандирсан.

СЎЗЛАРДА ВАТАН РАНГИ

БИНАФШАЖОН

Бинафшажон очилди,
Қишнинг қаҳри ечилди.
Севиб-севиб ўстирдим,
Дилга меҳрин кўчирдим.

Ҳар баҳорда боғимга,
Беназир тупроғимга.
Ўзи кўрк бағишлайди,
Очилмоқни бошлайди.

Бири сафсар, бири оқ,
Иккаламиз чин ўртоқ.
Узиб озор бермайман,
Сўнг хижолат бўлмайман.

20 апрель, 2017 йил

ОЛМА ГУЛИ

Олма гулим беғубор,
Нафисликдир сенга ёр.
Соғинар сени боғим,
Қилай дейман ардоғинг.

Ним пушти ранг ярашар,
Мисли малакка ўхшар.
Сен гўзаллик маъвоси,
Гулларимнинг аълоси.

Вўрангни севиб ейман,
Чўнтагим тўлса дейман.
Ҳар баҳорда кутаман,
Бағрим очиб тутаман.

20 апрель, 2017 йил

ЭРТАК СЕҲРИ

Эрта баҳор эди. Қорлар анча эриб, кўчада юриш бир-мунча енгиллашиб қолган. Шундай кунларнинг бирида Ҳусниддиннинг аяси: «Ўғлим, уканг Бобуржонни йиғлатмай, эсли бола бўлиб ўтиргин. Уйғонса, ўйинчоқларингни бериб, ўйнатиб тур. Мен дўконга чиқиб келай», деди. Орадан анча вақт ўтгач, укаси уйғонди. Кўзларини ишқалаб, йиғлай бошлади.

– Кел, ука мошинамни ўйнаймиз, – деб укасини овута бошлади Ҳусниддин. Аммо Бобуржон ҳеч нарсага кўнмас эди.

– Қорнинг очдими? Овқат пиширай десам, аям газни ёқмагин деган. Мана бу ширинликни егин. Ийе, қорнинг тўқми? Мен от бўлиб сени миндирайми? Кел, елкамга ўтир.

Бобуржон биров овунган бўлса-да, барибир кўнмади. Не қиларини билмаган ака:

– Ахир нима берсам юпанасан? Жон ука, ўргилай ука, мана бу китобларни қара. Расмлари зўр эканми? Бу ҳам ёқмадими? Телевизор қўяй десам, «Катталарга аталган киноларни кўриб бўлмайди», деган эди дадам. Нима қилсам экан?... Кел, эртақ ўқиб берайми?

Укаси ҳам бошини қимирлатди. Ҳусниддин радиодаги эртақ айтувчининг овозига ўхшатиб ўқий бошлади.

– Бир бор экан, бир йўқ экан, жуда қадим замонда, узоқ ўрмонда бўри баковул экан, тулки ясовул экан...

Укасининг кўзлари сузилаётганини кўрган Ҳусниддин уни оҳиста ётқизиб, эртақ ўқишни давом эттирди. Эртақ тугар тугамас Бобуржон ухлаб қолди. Ўзининг бу ишидан хурсанд бўлган Ҳусниддин аясини кулиб қарши олди.

1996 йил

КИТОБ

Китобим – маслакдошим,
Менинг яқин сирдошим.
Кўнгил қўйиб ўқийман,
Ўзим эртак тўқийман.

Фанлар унда жамул жам,
Билимлар жонга малҳам.
Ҳар биридир бир дунё,
Мен учун гўзал маъво.

Ўқиб-ўқиб толмайман,
Дўстларимдан қолмайман.
Қалбимга сочди шуъла,
Энг ёқимли ашула.

20 апрель, 2017 йил

Маликахон дейдилар мени,
Наврўздадир туғилган куним.
Баҳорой деб эркалар аям,
Лаббай дейман чақиргани дам.

Ўриклари гуллаган боғда,
Бахт кўраман ҳар бир япроқда.
Гуллар ичра гул бўлиб яйраб,
Кувонаман булбулдай сайраб.

8 апрель, 2018

МЕНИНГ МАКТАБИМ

Мактаб менинг жону жаҳоним,
Нурга тўла ёруғ осмоним.
Болалигим кўп бахтиёрдир,
Шодман ҳамда қалбим баҳордир.

Ўқий десам, билимлар уммон,
Гўзалликка чорлар бегумон.
Ўқитувчим зиёга кондир,
Мактабим-чи, жон ичра жондир.

8 апрель, 2018

МЕНИНГ БОБУР БОБОМ

Бобур бобо, бобожон,
Исмингиздир бир жаҳон.
Темур бобом авлоди,
Эшитилар фарёди.

Ҳазал айтиб турсайдим,
Тушларимда кўрсайдим.
Мен Аллоҳдан сўрайман,
Сизни яхши кўраман.

16 апрель, 2018

Амир Темур бобожон,
Ўгитингиз дур-маржон.
Сиз-ла фахр этаман,
Келажакка элтаман.

Саркарда бўлгим келар,
Хаёлим тинмай елар.
Ўрганай ҳарб ишини,
Ўлкам ёзу қишини.

Сиздай одил бўлсайдим,
Куч-қувватга тўлсайдим.
Халқим бахтини ўйлай,
Элга боримни сўйлай.

Элингиз бўлди омон,
Юртингиздир фаровон.
Номингиз куйлаб жаҳон,
Яратгуси кўп дoston.

Ўзбекнинг мард ўғлони,
Унинг моҳи тобони.
Сўнмагайдир ашъори,
Тинчлик эрур шиори!

16 апрель, 2018 йил

МАЛИКАХОНГА

Маликахон деган қиз,
Кўкда порлаган юлдуз.
Туғилдим баҳор чоғи,
Мен онамнинг чироғи.

Наврўзга эш бўлибман,
Гул-ғунчадек тўлибман.
Капалақдир ўртоғим,
Сақлай кўзу қароғим.

Боғимизда гуллар кўп,
Очилади тўп, тўп, тўп.
Совға қиламан уни,
Аям туғилган куни.

2004 йил.

КОСМОНАВТ ЎҚУВЧИ

Кўкда порлар оймома,
Жимирлайди юлдузлар.
Кел, деб чорлар оймома,
Кўшиқ айтар хур қизлар.

Учиб боргим келади,
Аmmo ҳали ёшроқман.
Хаёл тинмай елади,
Илм олай чанқоқман.

Илмдан арқон қилай,
Кўксимни қалқон қилай.
Космосдан салом йўллай,
Фарзандлик бурчим уйлай.

20 декабрь, 2010 йил

МЕН ВАТАН ФАРЗАНДИ

Истиқлол фарзандиман,
Халқимнинг бир бандиман.
Меники ҳаво, сув, ер,
Уни ўрган, ўқи дер.

Соғлом яшаб тер тўкиб,
Фанларни яхши ўқиб.
Келажагим яратай,
Билимларни ёд этай.

Боболарим меросин,
Қилай билиб эъзозин.
Илмидан фахр этгум,
Келажакка элтгум.

27 ноябрь, 2010 йил.

ИСЛОМЖОННИНГ ИШИ

Олов ёндирайин деб,
Болаларин ғамин еб.
Она гугурт ахтарди,
Чўнтакларни тўнтарди.

Тополмай она ҳайрон,
Исломжон сўзи бийрон.
Қилган ишин сўзлади,
Шоколадни кўзлади.

Акам билан аяжон,
Сира босмай ҳаяжон.
Аввал поезд ўйнадик,
Ўзимизча қувнадик.

Сўнг гугурт доналарин,
Бўшатиб хоналарин.
Чойнакнинг жўмрагига,
Жойладик чўнтагига.

29 октябрь, 2000 йил

ЯЙЛОВДА

(Чўпон бола кўшиғи)

Қирларда қўйу кўзим,
Тонг саҳарда тураман.
Чиниқдим бардам ўзим,
Юлдуз санаб бораман.

О, бағри кенг ўтлоғим,
Мунча ҳам суюклисан.
Гўдакликдан ўртоғим,
Мен учун куюклисан.

Қирларда қўйу қўзим,
Тонг саҳарда тураман.
Чиниқдим бардам ўзим,
Юлдуз санаб бораман.

22 июль, 1997 йил.

ЭЗГУЛИК ЭЛЧИСИ

*Муҳтарам Зокиржон Машрабовга.
«Бори элга яхшилиғ қилғил» китобини ўқиб*

Алломаи замон устоз Зокиржон,
Онаижонининг жон ичида жон.
Таваллуд топибди қадим Хаканда,
Юрт учун онаси туққан экан-да.

I

Ягонам, дилбандим, менинг аъмолим,
Қалбимнинг тўрида унган ниҳолим.
Хонларга бергусиз сурган давроним,
Матлаби эзгулик йўли равоним.

Уйимнинг чироғи ўзингсан болам,
Тимсолинг ягона жумлаи олам.
Боғимни яшнатгин зоғлар қўнмасин,
Халқнинг олдида бўл, меҳри сўнмасин.

Отанг хонадонин шамчироғи сен,
Бу дунё беназир, унинг бағри кенг.
Ўқигин, илмнинг қаноти учқур,
Илмдан дилиннга кошоналар қур.

Қўм-қўк пахтазорим – элим ризқ-рўзи,
Сенда бўлсин, болам, ҳамманинг кўзи.
Андижон сойидек тиним билмагин,
Бу дунё фонийдир, сен унутмагин.

II

Болалик боғлари хўп беғубордир,
Самовий туйғулар жуда бисёрдир.
Чопқиллаб юрган ху излари қолди,
Тупроқ кўчаларнинг чанги йўқолди.

Ғургина ўтган ул мактаб онлари,
Юлдузлар чарақлаб отган тонглари.
Бир оз дўриллаброқ қолган унлари,
Оймома ошноси бўлди тунлари.

III

Отаси билимдон, отаси уммон,
Билимга ғарқ бўлди этмангиз гумон.
Маърифат дарғаси эди-да, эвоҳ,
Унинг душманлари бўлдилар гумроҳ.

Сумалак ошини гуноҳга йўйиб,
Ишдан бўшатдилар кўзларин ўйиб.
Жоҳиллик қурбони бўлди-да, ота,
Эҳ, қандай кўргилик бўлганди дод-а.

Фотима онамиз сумалак оши,
Авлодий меросдир довоңлар оша.
«Жаҳолат пирлари» қайдан билади,
Ўзингники ўзинг бағринг тилади.

Бу таом сабрдир, тоқатдир асли,
Ўша пайт очликдан сақлаган наслин.
Нечун ёмон бўлсин хурофот пири,
Бундан-да, ўзгача борми бир сири?

Қай миллат, қай элатда бор бу таом,
Айб қилманг, ҳазинроқ бўлса гар навом.
У кунлар ўтган кун эди-я, алҳол,
Тарихдан бир лаҳза келтирдим мисол.

IV

Бетакрор ёшлиги қайларда қолди,
Беғубор орзулар ичра йўқолди.
Ота армонини тўлдириш керак,
Олдинга чорлаб, сен, уравер юрак.

V

Қадрдон мактаби оқ йўл тилади,
Жонажон муаллим бошин силади.
Алифбо нур бўлди, онгига шуур,
Қалбида уйғонди бир олам ғурур.

Фанларнинг зўрини ўқиб, ўрганди,
Масала ечолмай тунлар тўлғанди.
Юлдузларга сирий айтолди фақат,
Эрта тонг турмоқни қилганди одат.

Ўқиш, ўрганишдан чарчамади ҳеч,
Субҳидам демади, демай ёки кеч.
Илмнинг зиёси йўлин ёритди,
Физика, алгебра фанин ёд этди.

VI

Синфдош ўртоғин эслар дамба-дам,
Ажиб туйғулари бўлади малҳам.
Дўстлар-ла бирга қўй боққан палласи,
Сеҳргар майсазор яйлов даласи.

Олисдан келади она алласи,
Шундай яралган бахт симфонияси.
Буларни эслабон юрак энтикар,
«Ох, онажоним» деб йўлга кўз тикар.

VII

Хоразмий, Темурий руҳи мададкор,
Бўлдилар ниш урди қалбида баҳор.
Ер илмин ўрганиб бўлди зўр олим,
Ғоялар, туйғулар олди хаёлин.

Кунлари, тунлари илм булоғин,
Сипқориб ичиди-да, босди чанқоғин.
Дорилфунун йўллаб халқига берди,
Фанларнинг мисқоллаб дурларин терди.

VIII

Бобур иштиёқи тушиб дилига,
Йиллар армонлари чиқиб тилига.
Кўп савобли ишлар турар олдида,
Ватан муҳаббати ўчмас ёдида.

Юртбоши дуосин қалбида сақлаб,
«Сафарнома» қатин аста варақлаб.
Ой нурин сочади гўзал, безавол,
Дилларни аллалаб эсмоқда шамол.

Улуғвор кунларга етказди Худо,
Юртим алломаси айлади дуо.
Бобомиз юрган йўл қутлуғ, муборак,
Шоира қизлари мисоли малак.

Туқирлар дostonлар Ойнинг нурида,
Садоқат яшайди онг-шуурида.
Улар, энг аввало, бахтли онадир,
Бахтга лойиқ этган хур замонадир.

Улар издошлари покиза авлод,
Оталар маконин айларлар обод.
Ғусса-ю ғам, алам чекинар бир дам,
Ҳаётнинг безаги, аслида, одам.

Мана шундай улуғ зотлар авлоди,
Ноҳақликни бузар она фарёди.
Аллалар соғинган кўшиғи бўлсин,
Алладан нур олган тонглари кулсин.

Жаҳон минбарида она куйласин,
Ҳар инсон болалар тинчин уйласин.
Бойчечак кўз очган баҳор боғлари,
Ҳар ниҳол элимнинг кўз қароғлари.

Ёрига садоқат бўлди шиори,
Кундан-кун яшнамиш гўзал диёри.
Эл фарзанди бўлди она ўғлони,
Боғ бўлди, яшнади ота қўрғони.

IX

Йигирма йил, қирқ давлат айтиш осон,
Бундай сайёҳларни кўрганми жаҳон.
Нияти эзгулик, омон-омонлик,
Аслида, булар ҳам зўр қаҳрамонлик.

Фаробий, Беруний, Аҳмад Фарғоний,
Аллома бобомлар бари жаҳоний.
Жаҳонга илмдан нур таратдилар,
Ҳамиша жаҳоний боғ яратдилар.

Афғону Покистон, гўзал Ҳиндистон,
Чорлади, бордилар баҳорий бўстон.
Қолмади Техрон ҳам, қадим Гуржистон,
Расул Гамзат эли – ажиб Доғистон.

Доғда қолдирмади йўл машаққати,
Қамчибекнинг бордир тоғдек тоқати.
Ҳамроҳи тилмочу ҳамда олимдур,
Уларнинг сабрига ҳамма қойилдур.

X

Йўлнинг оғриқлари бўлмади осон,
Ер битта, Ой битта, биттадир осмон.
Божхона сабрини чунон синади,
Гоҳ ишлар ўнганмай йўлда туналди.

Мина яксон қилган дала бағридан,
Хазонга айланган гуллар боғидан.
Ўтдилар Ватаннинг тинчлигин ўйлаб,
Гуё ўтган бўлди эртақлар бўйлаб.

XI

Юртбоши рухсати бўлди кўп яхши,
Эх, бундай кунлари умрнинг нақши.
«Боғи Бобур»нинг-да чизди тархини,
Хаёлдан ўтказди Шимол-Шарқини.

Бобурни ёд этиб ёшлар ўйнасин,
Юракдан оққан ул гулёр янгрисин.
Халқ қараб турмади гўзал боғ бўлди,

Буни кўролмаган ғанимлар сўлди.
Бобур хоки топди ўз кўнимини,
Ҳар онда ёд этар унинг номини.
Майсалар юзида шудринг ялтирар,
Уларни эркалаб шамол бош урар.

XII

Амир Темур бобом жанг санъатлари,
Ҳавасим орттирди маҳоратлари.
Илоҳий куч берган Аллоҳга шукур,
Назарга илмаган кетмасин куфр.

Мавлоно Лутфийни эъзоз айлабон,
Қабртош қўйдирди меҳр бойлабон.
Эътиқод, имони хўп бутун инсон,
Сиздайин зотларга тўлгайдир жаҳон.

Шоирлар номидан мен таъзим қилай,
Мавлоно Лутфийнинг умрини тилай.
Тинглангиз Андижон қизининг сўзин,
Шоира Мунавварга берингиз изн!

XIII

Дунё олимидан миннатдор дилим,
Сўзинг қурол бўлсин, ҳайқиргин элим!
Биздан олдин ёзмиш шоир номини,
Улар уқибдилар дилда комини.

XIV

«Анжан шаҳзодаси» деб ёзмиш китоб,
Менинг элим учун эмасми хитоб!
Мен қайга қарадим улардан аввал,
Чархдан нолиб-нолиб ёзганда ғазал.

«Тож кийган дарвеш», деб ёзди бириси,
Тан ололмадик гапнинг тўғриси.
Ўттизта тилга-да таржима айлаб,
Ўзиники қилди асраб-авайлаб.

XV

Жаҳон пештоқида бор ўзбек номим,
Ўз ерим, ўз уйим, нони ҳалолим.
«Бобурнома» менга бобомдан мерос,
Ўзин билмаганлар қўйсинлар ихлос.

Бобур бобом бўлиб садо бер элим,
Ўткир забоним бўл, сўйларга тилим!
Андижон сабоси хуш этар дилни,
Икки калимада ёздим кўнгилни.

Насли-насабимни билади жаҳон,
Ўз тилим, юртимга ўзимдир хоқон.
Озодлик байроғи ҳилпирар бошда,
Мен мадад олгумдир Парвардигордан.

5-10 июль, 2015 йил.

МУСИЧА

Мусичажон беозор,
Бу дунё экан бозор.
Мунча ювош бўлмасанг,
Шунданми, ейсан озор.

2000 йил.

РАЙҲОН

Хушбўй атринг таралса,
Бизларга хуш ёқади.
Ним пушти гулинг эса
Иштаҳани очади.

1997 йил

АНЖИР

Анжир пишди кеп қолинг,
Сарасидан еб қолинг.
Сувни яхши кўради,
Икки ҳосил тугади.

27.08.1997 йил

АНОР

Барги ингичка нозик,
Бетоб бўлади тузук.
Юзингга қон югурар,
Қонингни кўпайтирар.

27.08.1997 йил

САБЗИ

Сариқ, қизил сабзиман,
Ветаминнинг ўзиман.
Жиғилдонга дориман,
Дориларнинг зўриман.

ПИЁЗ

Оқ, сариқ тўнимиз бор,
Тумов учун биз даркор.
Сувим тушса бурунга,
Кўнгил тўлади нурга.

ЁНҒОҚ

Пўстимдир ғадир-будир,
Жигар ранг мағзим бордир.
Кўп дардга даво ўзим,
Менда ҳақканинг кўзи.

08.10.1997 йил

БИНАФША

Бинафшани севаман жондан,
Тушгандайин худди осмондан.
Хокисору ҳамда беозор,
Ўшаб кетар у гули беор.

Устозимга совға этаман,
Чин юракдан уни элтаман.
Парваришлаб дилдан суяман,
Чанқатмасдан сувин қуяман.

8 апрель, 2018 йил

МАЙНА

Майна, майна, майнажон,
Кўркамлигинг бир жаҳон.
Текинтомоқ бўлмагин,
Нафсинг учун ўлмагин.

Ўғирлайсан узумни,
Бақрайтириб кўзимни.
Бир-биринг-ла иноқсан,
Шодсан ҳамда қувноқсан.

Дарахтлардир маконинг,
Севимли ошиёнинг.
Омон бўл майли қушим,
Бу ҳаёт зайли тушун.

14.11.2010 йил

БАРОҚВОЙ

Сичқон пойлаб бароқвой,
Гоҳ ютиниб қўяди.
Думлари-чи, ўроқвой,
Ўз-ўзича тўяди.

Текинтомоқ бир сичқон,
Илинибди қопқонга.
Пойлар эди мушукжон,
Сигмай кетди жаҳонга.

Ким кўрган ё ким билган,
Бундай нафси ўпқонни.
Сичқон-пичқони билан,
Олиб қочди қопқонни.

13.10.2010 йил

ОЙМОМА

Оймомажон, ўртоққинам,
Мунча олис турмасангиз.
Пастга тушинг шундоққина,
Мен-ла бирга ўйнасангиз.

Қўғирчоғим берай майли,
Сизга бўлсин тўним, шарим.
Ухлади деб тун маҳали,
Кетиб қолманг шудир шартим.

30.12.1995 йил

ОЛАҚУЛОҚ

Олақулоқ келяпти,
Қорақулоқ келяпти.
Қўрқаяпман онажон,
Бағрингизда сақлай жон.

Олақулоқ ким ўзи?
Қорақулоқ ким ўзи?
Тушунтириб берингиз,
Ҳеч бўлмаса бирингиз.

У бўжига ўхшарми?
Ё жўжига ўхшарми?
Кўрганлар бўлса айтсин,
Бўлмаса сўздан қайтсин.

Қўрқитмангиз сиз зинҳор,
Ёлғон сўз бўлур бекор.
Олақулоқ келмасин,
Қорақулоқ келмасин.

14.11.2010 йил

МЕНИНГ УКАМ

Қўғирчоқдек укам бор,
Қўзмунчоқдек укам бор.
Ўзига алла айтар,
Ухлаганни уйғотар.

Қўйни кўрса «ба» дейди,
Ойимни-чи, «ма» дейди.
Онамсиз куни ўтмас,
Тонг отиб Қуёш ботмас.

Ухлар алла сеҳридан,
Яшар онам меҳридан.
Бундай ука бор бўлсин,
Иқбол унга ёр бўлсин.

2008 йил

ТИЛЛА ҚЎНҒИЗ

(Зафаржоннинг қўшиғи)

Тилла қўнғиз,
Асил қўнғиз.
Бўлинг мен-ла,
Бирга қўнғиз.

Боғимизга
Бир келсанг-чи,
Анвойи гул
Бўйларингдан.

Тўйиб-тўйиб
Ҳидласанг-чи.
Озор бериб
Ранжитмайман.

Озор бериб
Ўкситмайман,
Асал берай
Қиём берай.

Зув-зув қилиб
Учиб бергин,
Қувончимга
Қувонч кўшгин.

Зув-зуваласанг,
Гув-гуваласан,
Бола кўнглим
Топар таскин.

Оёқларинг
Боғламайман,
Боғлаб қўйиб
Уч демайман.

Тўнинг яхши,
Боғим яхши,
Икковимиз
Дўст бўлсак-чи.

Бўлар яна
Ундан яхши.

18.01.1996 йил

ШИФОКОР БҰЛАМАН

Мен шифокор бұламан,
Оймомадай тұламан.
Табобат оламидан,
Илмнинг боғларидан,
Қалбимга солиб олай,
Иштиёқ-ла ўрганай.
Дармондир ширин сўзим,
Шу сабаб нурли юзим.
Юртимда зўрдир юмуш,
Фаровон бұлар турмуш.
Юрагимда зўр ҳавас,
Халқим соғлом бўлса бас!

15 апрель, 2018

ОТИМ

Отим чух-чух, отим чух,
Ўт, сув бердим қорнинг тўқ.
Толиқмасдан илдам юр,
Ер тепиб гижинглаб тур.

Сен Ғиркўксан, Самантой,
Меҳнат қилиб, демай вой.
Пода ҳайдаб дўст бўлдик,
Улғайиб кучга тўлдик.

07.02.1997 йил

МУНДАРИЖА

Эллик йилнинг шукуҳи.....	3
Аллали тонг.....	7
Болалик тонги.....	12
Болалик – беғуборлик.....	13
Буни ҳаёт десалар керак.....	16
Дийдорлашув.....	21
Ёз кунлари.....	25
Икки қалб саодати.....	32
Иқбол.....	51
Кумуш нидоси.....	56
Кунгилнинг ҳеч ким эшитмайдиган нидолари.....	75
Қизлар мушоираси.....	78
Маликаҳоннинг ишлари.....	91
Муҳаббат ва вафо куйчиси.....	91
Нур сари чорлаб.....	98
Она нидоси.....	103
Отам ва онам суратига чизгилар.....	109
Севги изтироби.....	110
Соғинч дарёси.....	113
Тилласини кутиб.....	128
Тўй.....	129
Андижоним.....	144
Улуғнор чулларидаги ўйлар.....	147
Ҳаёт.....	150
Сузларда Ватан ранги.....	152
Бинафшажон.....	152
Олма гули.....	152
Эртақ сеҳри.....	153
Китоб.....	154
Менинг мактабим.....	154
Менинг Бобур бобом.....	155
Маликаҳонга.....	156
Космонавт ўқувчи.....	156
Мен Ватан фарзанди.....	157
Исломжоннинг иши.....	158

Яйловда.....	158
Эзгулик элчиси	159
Мусича	166
Райхон.....	166
Анжир.....	166
Анор	166
Сабзи.....	167
Пиёз.....	167
Ёнғоқ	167
Бинафша	168
Майна.....	168
Бароқвой	168
Оймома.....	169
Олақулоқ.....	169
Менинг укам.....	170
Тилла қўнғиз.....	170
Шифокор буламан.....	172
Отим.....	172

Адабий-бадиий нашр

МУНАВВАРА ТИЛЛАБОЕВА

Шеърлар, публицистик мақолалар

БАҲОР БОҒЛАРИДА

Муҳаррир

Зебинисо ҲАЙИТОВА

Бадиий муҳаррир

Ойбек ХУДОЙБЕРДИЕВ

Компьютерда саҳифаловчи

Маъмур РАҲМОНОВ

Техник муҳаррир

Иброҳим ИНҚИЛОБОВ

Лицензия рақами: АІ № 252. 02.10.2014 да берилган.
Босишга 28.09.2021 йилда рухсат этилди.

Бичими 84x108 1/32.

Гарнитура «Cambria». Офсет қоғози.

Босма табағи 5,5. Шартли босма табағи 9,24.

Адади 200 нусха. Буюртма № 162.

Баҳоси келишилган нарҳда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.

«Ёшлар матбуоти» МЧЖда чоп этилди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожсаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – (78) 147-00-14; (78) 129-09-72.

Маркетинг бўлими – (98) 128-78-43.

Факс – (71) 273-00-14;

e-mail: yangiasravlodi@mail.ru

Баҳор боғларида



*Баҳорим боғида янрайди кўнм,
Уллар ифорида яшнайди бу дил.
Нафис оромитон еллар эганда,
Бошим тароватга тўлади дўткул.*



ЯНГИ АСР АВЛОДИ

ISBN 978-9943-20-849-0



9 789943 208490